

Стивен
Кинг



Рита Хейворт
ёхуд
Шоушенкдан
қочииш

Стивен Кинг



Рита Хейворт
ёхуд
Шоушенидан
қочиши

Кисса

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKİSTON» – 2016

УЎК: 821.111(73)-31

КБК 84(7)6-44

К 43

Рус тилидан **Сайджалол Сайдмуродов** таржимаси

Стивен Кингнинг сиз, азиз китобхонларга она тилимизда илк бор тақдим этилаётган «Рита Хейворт ёхуд Шоушенкдан кочиш» қиссасида қамоқхона ҳётининг даҳнатлари борасида сўз юритилади.

«Рита Хейворт ёхуд Шоушенкдан кочиш» қиссаси гарчи Стивен Кинг услубига хос бўлмаган ноодатий психологик реализм йўналишида ёзилган бўлса-да, ёзувчининг «шоҳ» асарларидан бирига айланган.

Ўнгта эврилган даҳнатли туш... Умрбод қамоқ жазосига маҳкум бўлгаи бир бегунохнинг тақдиди; тирик колиш амримахол бўлган ерда хаёт учун кураш; ҳали бирон кимса кочиб қутулолмаган турмадан кочиш хақидаги қисса...

Азиз ўқувчи! Агар сиз ҳали муаллифнинг ижоди билан таниш бўлмасангиз, ишонинг, «Шоушенк...» мутолаасидан сўнг ҳётингизда, ботинингизда эврилини пайдо бўлади.

ISBN 978-9943-28-688-7

© С. Сайдмуродов (тарж.), 2016
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016



Даҳшатлар қироли

Кунлардан бир куни темир йўл атрофида ўйнаб юрган икки болакайдан бирини елиб келаётган поезд босиб кетади. Ўртоғининг бевақт ўлимига гувоҳ бўлган иккинчи болакай турган жойида котиб қолади ва бу фожиа унинг мурғак юрагига бир умрлик вахима ва қўрқинч солади. Бу болакай 50 та роман, 200 га якин хикоялар муаллифи, бутун дунёга машҳур «Даҳшатлар қироли» — Стивен Кинг эди.

Стивен Кинг 1947 йили 21 сентябрда АҚШнинг Мэн штати Портленд шаҳрида, савдо флоти капитани Дональд Эдвард Кинг ҳамда Нелли Рут Пиллсбери оиласида дунёга келади. Кинглар оиласи бу вақтда икки яшар Дэвид-Виктор исемли болакайнин асраб олиб, тарбиялашаётганди.

1949 йили Стивнинг отаси Дональд кечки пайт сигарет олиб келиш учун уйдан чикиб кетади ва қайтиб келмайди. Отасининг кейинги тақдири ака-укалар учун анчагача қоронеи бўлиб қолаверади. 1990 йилга келибгина Стивен Кинг отасининг ўшандада уйдан чикиб кетиб, бошка оила қургани, 1980 йили эса вафот этганидан хабардор бўлади.

Болаликдаги тез-тез қасалликларга ҷалиниши туфайли Стив бириничи синфда икки йил



қолишига түбри келади. Касалликлардан чаленш мақсадида онасининг далдаси билан Стивен ўн икки ёшидан кичик-кичик хикоялар ёза бошлайди. Унинг ilk хикояси «Жаноб Айёр Қуёнвой» деб номланади. Шу билан бирга Стивен мутолаа қилишига ва «даҳшат» жанридаги фильмларни кўришга боши билан шўнгийди. Хатто «Бэмби» мультфильмидаги ёнғин сахнасидан каттиқ таъсирланган Стив бир неча ҳафта алог-чалоғ тушлардан қутулолмай юради.

1960 йили Стивен дўсти Крис Чесли билан ҳаммуаллифликда «Одамлар, жойлар ва махлуклар» номли хикоялар тўпламини чоп эттиради. Мактабни тамомлагач эса, Мэн штати университетига ўқишга киради. Университетда у бўлажак умр йўлдоши Табита Спрусли учратади. Икки ёш турмуш қуришгач, ҳаммаси ҳам силлиқ «кечавермайди». Моддий етишмовчиликлар сабаб Стивенинг хатто тунлари кирхонада ишилашига түбри келади. Гоҳ-тохида эса хикоялари учун газета-журналлардан оз бўлсада, қалам ҳаки олиб туради.

Шундай кунларнинг бирида Стивенинг рафиқаси ахлат челагидан «Кэрри» романининг кораламасини тониб олади. Стивен бу романни яроксиз хисобларди, аммо рафиқасининг кистови билан асарни охирига етказади. Натижаси ёмон бўлмайди: 1974 йили Стивен Кинг «Кэрри» романи учун «Doubleday» нашриётидан ҳамир учидан патир сифатида 2500 доллар олган бўлса, сал кейинроқ 400000 АҚШ доллари хисобида қалам ҳаки олади. Эндиликда



Стивен Кингнинг кора меҳнат килишига ҳожат қолмайди.

Кейин эса инсон қалбига нур олиб кирувчи «Шуъла» романни яратилади. Ўтган асрнинг 70-йиллари сўнгидаги Стивен Кинг Ричард Бахман тахаллуси остида илк романи — «Ғазаб»ни ёзди. Бирок тез орада китоб сотувдан олиб ташланади. Бунинг боиси — Канзас штатидаги мактаблардан бирида бир ўкувчи уч нафар синфдошини тўпинча билан отиб ташлайди. Суриштирув натижасида боланинг сумкасидан Стивен Кингнинг «Ғазаб» романни топилади. Бола асар қаҳрамонининг қилмишларини такрорламоқчи бўлганди.

Шундан кейин бирин-кетин Стивен Кинг томонидан «Узоқ давом этган сайр», «Юграётган одам», «Ўлик худуд», «Озаётган одам», «Қуръа», «У», «Кристина», «Томминокерлар», «Уй хайвонлари қабристони», «Бедорлик» сингари мистика ва саспенс, фантастика, илмий фантастика, хоррор жанрининг энг сара асарлари яратилади. Шуниси ахамиятлики, Стивен Кингнинг деярли барча асарларида қўрқинч ва вахима устунлик қиласи. Балки болалигида содир бўлғай мудхиш воеа туфайли адаб инсон қалбининг туб-тубида яширини, ҳатто қандай ном бернишга ҳам бош қотадиган хиссиятларни көзозга туширгандир.

1999 йилнинг 19 июнида Стивен Кингнинг хаётида яна бир кўнгилсиз ходиса юз беради. Ёзув-чиズувдан толикқан адаб сайр килиб юрганида, уни микроавтобус уриб юборади ва Сти-



вөн Кинг 14 метрга учиб бориб, ўрага тушиб кетади. Ўнг тарафдаги ўпкаси эзилған, бел, оёқ сүяклари синган, бошидан қаттық лат еган Стивен Кинг бешта жаррохлик операциясини бошдан кечиради.

2002 йили адид ёзишни бас қилишини эълон килади – бунга сабаб оғир жарохатлар бўлса, ажаб эмас. Лекин орадан қанча сувлар оқиб ўтди, Стивен Кинг эса ҳанузгача мухлисларини янги-янги асарлари билан хушнуд этиб келмоқда. «Истөфога чиққанингиз ростми?» деган саволга у қуидагича жавоб беради:

«Хозирча йўқ. Ёзиши тўхтатмадим, аммо аввалгига нисбатан анча мунча секин суръатда ёзяпман. Агар хаёлимга ажойиб бир гоя келиб қолса, ҳамма нарсани унутиб, мук тушиб ёзишга киришаман, ахир, ижод жараенидан, китоб нашр қилишдан, одамлар тафаккури учун озуқа етказиб беришдан, кейин эса ёзганингизни кишилар билан муҳокама қилишдан ортиқроқ баҳт борми?! Шундай бўлса-да, ижод унумдорлигим пасайиб кетган, ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. 25 ёки 35 ёшли қирчиллама ийгит эмасман, аллақачон набирали ҳам бўлганман. Ижодкорлик билан бир қаторда бошқа мажбуриятларим ҳам бор, лекин ижод ҳали ҳамон ҳаётимда улкан аҳамиятга эга».

1970–2003 йиллар орасида Стивен Кинг саккизта романдан иборат («Мерган», «Иккى олам орасидаги эшик», «Унумсиз ерлар», «Афсунгар ва биллур», «Кали бўрилари», «Сюзаннанинг



күшиғи», «Қора Минора» хамда «Қулғ тешигидаи оралаган шамол») «Қора Минора» туркуминни яратади. Фэнтези жанрининг «жавохирі» бўлмиш бу романлар бош қаҳрамони ботинига муаллиф азалий кураш давом этадиган эзгулик ва ёвузликни жо қиласди ва ҳар доимгидек бу асар ҳам яхшилик билан тугамайди, қаҳрамон Роланд Дискейн абадий дарбадарликка мубтало бўлади. Нима ҳам дердик, ахир, бу – Стивен Кинг! Муаллифнинг асарини қўлга олдингизми, ундан «баҳтли хотима» кутманг.

«Улар мурод-мақсадларига стишибди» қабилидаги яқунлар етишмаслиги сабаб кўплаб адабиётшуносларнинг танқидидан безор бўлган Стивен Кинг 1982 йили дўзахий зиндан бўлмиш Шоушенкда фавқулодда жасорат, қатъийлик ила жон сақлаб, алал-оқибат ҳали бирон кимса қочиб қутулолмаган турмадан қочишга мушиар-раф бўлган Энди Дюфрейн ҳакида мароқли кисса ёзади. Айтиш жоизки, реализм оқимидаги «Рита Хейворт ёхуд Шоушенкдан қочиш» киссаси орқали Стивен Кинг барча жанрларда ижод қила оладиган серқирра ёзувчи эканлигини исботлайди. Бу асар билан боғлиқ қизиқ бир воеа ҳам бўлган: китоб дўконида Стивен Кинг бир кампир билан гаплашиб колади. Кампиршо аллақандай Стивен Кинг деганларининг биронта ҳам асарини ўқимаганини, у фақатгина «Шоушенкдан қочиши» каби хаётий киссаларни маъқул кўришини айтади. Стивен Кинг ўша асарнинг муаллифи ўзи эканлигини ҳарчанд уқтирумасин, кампирни ишонтиrol-



майди, устига-устак яхшигина ҳақоратлар хам эшитиб олади.

Стивен Кинг ажойиб ҳикоянавис хамдир. Унинг илк жиғдій ҳикояси «Кора кийимли одам», ҳатто О'Генри номидаги мукофотға лойиқ топылған. Стивен Кинг Эдгар Аллан Подан сұнг америка ҳикоячилигини яна бир пөөнага құтарди, десак муболага бўлмайди. Түгун, кульминация ва ечим унсурларини жамлаган ҳикояларида Стивен Кинг қаҳрамонларини аяб ўтирайди, уларни ҳар кўйга солади, қоронеи, вайронага айланаётган ҳужраларда узлатга маҳкум қиласыди. Ҳикоялари орқали Стивен Кинг биринчи галда инсон рухиятини очиб беради, уларда чуқур психологик башоратлар ярқираиди («1408», «Қайта тирилган Кобил», «Скелетлар жамоаси», «Тунда парвоз килувчилар», «Қашшоқ ва олмос», «Ёмғирлар мавсуми», «Ғижирлаётган тишлар» шулар жумласиданди्र). Афсуски, адабининг бор-йўғи олтита ҳикоясигина ўзбек тилига таржима килингандай («Чекишини ташланг корнорацияси», «1408», «Қасоскор мушук», «Жанг», «Бўри-одам йили», «Гўшткиймалагич»).

Машхурликка эришганидан сұнг анча йиллар ўтиб Стивен Кингдан: «Нима учун ёзасиз?» деб сұрашганида, адаб: «Бу саволга жавобим жуда жўт. Мен ҳикоялар ёзаман, чунки ҳикоялар ёзиш жону дилим. Қўлимдан бутдан бошқа иш келишини тасаввур ҳам қилолмайман», деб жавоб берган.



Яхши ёза олишнинг ўзига хос формуласини Стивен Кинг қўйидагича белгилаган:

«Кунига тўрт олти соат мутолаа қилиш ва ёзиш зарур. Магарки бунга фурсат тополмас экансиз, яхши ёзувчи бўлолмайсиз».

Стивен Кинг ўзига бир кунда 2000 та сўз ёзишини меъёр қилиб белгилаб олган. У ёзувчилик иктидори учун оддийгина таърифни хам келтириб ўтади:

«Сиз нимадир ёздингиз ва бунинг учун сизга чек жўнатишди. Бу пуллар билан хонадонгиздаги электр токи ҳақини тўлай олдингизми, демак, сизни иқтидорли деб ҳисоблаш мумкин».

Ана шунаقا. Гарчи XXI асрнинг Ричард Флэнаган, Донна Тортт, Чимаманда Адичи каби адиллари Стивен Кингни жиёдий ёзувчи деб ҳисоблашмаса-да, унинг «11/22/63» номли романи АҚШда 2011 йилнинг энг яхши асари деб топилди.

Стивен Кинг хозирги кунгача адолат ва адолатсизлик, эзгулик ва ёвузлик кураш олиб бораётган бутун бошли «оламлар», бизга танишнотаниш оиласиёй муаммолар, номаълумликлар олдидаги кўрқув ҳакида тинмай ёзмоқда, гарданимизга турли даҳшатли воқеалар ҳакидаги янгиликлар ёғилаётган талотўн бир замонда унинг асарлари кўнгилдаги ғашлик ва доғни кеткизишга хизмат қилмоқда.


Муаллиф ижоди билан ҳали танишиб ултурмаган ўқувчи унинг биргина асари мутолаасидан сўнг, щубҳасиз, онгига, ботинида эври-



лиш юз беради, адабиёт хақидаги тасаввурлари ўзгарида.

Шундай әкан, чинакам адабиёт ихлосмандарини Стивен Кингнинг кўнгилни ийдириши билан бир қаторда «шафқатсиз», инсон онги шуурига яширинган сирларни фош килувчи, ўзни ва ўзгани англашга кўмак берувчи оламига чорлаб қоламиз.

Таржимон




Рита Хейворт ёхуд Шоушенкдан қочиши

Росс ҳамда Флоренс Доппга багишлайман.

I

Камина хамма нарсанни мухайё кила оладиган асларданман. Ҳатто ернинг тагидан бўлса ҳам анқонинг уруғини топиб бероламан. Менга ўхшаган уддабуролар Американинг ҳар қандай федерал турмаларида топилади. Хоҳланг — чет эл сигаретаси дейсизми, хоҳланг — ўелингиз ёки қизингизнинг битириув имтиҳонини «ювиш» учун, туғилган кунингизни, Рождествонони нишонлаш учун ёки ҳеч бир сабабсиз шунчаки кўнгил майли учун бир шиша бренди дейсизми, барчасига кўлим етади.

Шоушенк турмасига эндиғина йигирма ёшга тўлганимда тушганман. Оиламдаги баъзилар каби ўз килмишимдан зигирча пушаймонда эмасман. Мен жиноят қилдим. Ўзимдан уч ёш катта хотинимнинг хаётини суғурта қилдириб, отажониси тўйимизга хадя қилган «Шевроле»нинг тормозини ишдан чиқардим. Ҳаммасини обдон ўйлаб режалаштиргандим. Лекин хотиним қўшнимизнинг ўғилчаси билан уни Каствл Хиллгача ташлаб ўтиш учун ярим йўлда тўхтайди, деб ўйламагандим. Тормоз ҳеч «кулок солмай», машина бўкирганча тепаликдан учиб тушади. Кейинроқ гувоҳларнинг айтишича, машина соатига саксон километр тезликда учиб келиб, уруш қаҳрамонларига қўйилган ҳайкал супачасига урилган ва портлаб, гуриллаб ёнган.



Албатта, мени тутиб олишиади деган фикретти ухлаб тушимга хам кирмаганди. Бирок чучварани хом санаган эканман. Шундай қилиб, мен ушбу «кошона»даман. Мэн штатида ўлим жазоси йўқ, лекин округ прокурори мени уч карра ўлимга маҳкум деб тонди ва уч марталаб умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Афв этишларини хаёлимга келтирмасам хам бўлади. Судья килмишимни «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мудхини, қабих жиноят», деб атади. Эҳтимол, аслида шундай ҳамдир, бирок ҳаммаси ўтмишда қолди. Каствл Рокнинг сарғайиб кетган газеталари тикилган йиғма жилдларини варақлассангиз, биринчи сахифаларданок менга бағишланган катта-катта сарлавҳали мақолалар ва фотосуратларга қўзингиз тушади, аммо Худо ҳаки, Гитлер ёки Муссолинининг кирдикорлари олдида бу бор-йўғи болаларча хархашанинг ўзгинаси.

Балки тавбангга таянгандирсан, окланарсан, деб сўрасиз? Тўғриси, бу сўзлар нимани англатинини хам билмайман, қолаверса, турма ёки колонияда гуноҳни ювишига бало борми?! Наздимда бу сиёсатдонларнинг пуч сўзлари. Агар гап озодликка чиқишим учун имконият борлиги ҳакида кетса, эҳтимол, қандайдир маъно-мантиқ бўлар эди. Лекин бундай истиқбол маҳкумлар орзу килмаса хам бўладиган ҳомхаёлдир. Мен ёш, навқирон ва факир эдим. Карбин Стритнинг дангиллама ховлисида яшовчи хушрӯйгина кизин иллинтирдим. Кизнинг отаси бир шарт билан бизга оқ фотиха берадиган бўлди:



қайнотамнинг изидан бориб, унинг оптика компаниясида ишлашим зарур эди. Аслида чол мени ёввойи хайвондек қафасга тикмокчиди. Бундан нафратим қўзий бошлади, қун келиб сабр косам тўлди ва килишим керак бўлган килмишга қўл урдим. Башарти барчаси бошидан бошланганда бошқача йўл тутган бўлармидим балки. Бирок мен чиндан-да «окланиш», «гуноҳни ювиш» нимани англатишни билмайман.

Ха, майли, мен ўзим ҳакимда эмас, Энди Дюфрейн исмли бир йигит ҳакида гапириб бермоқчиман. Бирок аввал ўзим ҳакимда бир нарсани тушунтириб ўтишим керак. Бу кўп вақтни олмайди. Юқорида айтганимдек, мен кирк йилдан бўён Шоушенкда барча нарсани муҳайё кила оладиган устаси фараангман. Бу наша ёки оддий экстра сигарет каби контрабанда маҳсулотлари ҳам мумкин экан-да, дегани эмас, гарчи булар буюртмалар рўйхатида етакчилик қиласа-да. Мен бу ерда минглаб кишиларнинг хожатини чиқараман, баъзи буюртмалар хатто ноконуний эмас, факат бундайин дўзахда уларни қўлга киритиш кони машакқат. Кичкина қизалоқни зўрлаган ва эркаклик «фазилат»ини бошқа эркакларга «кўрсатиб қўйган» бир аломат нусха бўларди. Илтимосига биноан бир сафар унинг қўлига уч бўлак қизғиши Вермонт мармарини тутқаздим. У эса уч дона мўъжазгина хайкалча ясади: чақалок, ўн икки ёшар болакай ва мўйлари сабза урган йигит. Нусха ўз «асар»ларини «Исонинг уч хил ёши» деб атади. Эндилик-



да бу санъат асарлари штат губернаторининг меҳмонхонасини безаб турибди.

Агар сиз шимолда истиқомат килган бўлсангиз, Роберт Алан Коут исмени яхши билсангиз керак. Минг тўққиз юз эллик биринчи йили у Биринчи Давлат Банкини ўмаришга уринади. Унинг бемаъни хатти-харакатлари қонли кирғинга айланиб кетади, оқибатда олтита жасад таша-тайёр-да. Иккитаси — босқинчиларники, учтаси — мижозларники, биттаси эса bemavrid банкка бурун суккан ёш полициячиники. Коут пенини¹ коллекциясига эга эди. Сирасини айтганда, турмада коллекция йиғинши тақиқлаб кўйишиди, аммо йигитнинг онаси ҳамда кирхонамизга хизмат кўрсатувчи бир шоввоз ҳайдовчининг кўмагида Коутга ёрдам беролдим ва унга: «Бобби, ўғри, каззобларга тўла тош турмада танга коллекциясини саклаш учун миянг айниганд бўлиши керак», дедим. У менга тикилиб жилмайди ва ҳазинасини қандай яциришини билишини айтди. «Ҳаммаси бекаму кўст бўлади, — деди у, — хотиринг жам бўлсин». Шундай бўлди ҳам. Бобби Коут минг тўққиз юз олтминиш еттинчи йили бандаликни бажо келтирди, лекин унинг коллекциясини турма бошликлари тона олишмади.

Авлиё Валентин куни муносабати билан халойикқа шоколад етказиб берганман. Меллей исмли мутлақо эси паст ирландга «Мак

¹ Пенини — финнларда: майда пул, чақа (*бу ва бундан кейинги изоҳлар таржимонники*).



Дональдс»да сотиладиган сутли коктейль топиб беришининг эвини қилганман. Ҳатто бир сеанси учун ўртада акча тўплаган йигирма кишига «Улкан ҳайбатли оғиз» ва «Жонс хонимнинг иблиси» фильмларининг тунги намойишини ташкиллаштирганман. Сеансдан кейин бир хафтача ёлғиз камерада тоза таъзириимни еганман. Ҳа, майли, бу билан осмон узилиб, ерга тушармиди?! Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда, жон кўйдирмасанг, жонона қайда. Бадиий ва сиёсий китобларга ҳам қўлим етган.

Умрбод ёки узоқ муддатга қамалганлар хотинлари, маъшуқаларининг ички кийимларини етказиб беришимни бир мартагина бўлсин сўраб ёлборишиган. Улар тун узоғи нима билан машғул бўлишларига фаҳминигиз етятти, деб ўйлайман. Мушук текинга офтобга чиқмайди, деганиларидек тохида хизмат нархи осмонда бўлади. Лекин мен факат пул учун хизмат кўрсатмайман – пулнинг бу ерда қадр-киммати борми ўзи?! «Кадиллак» сотиб ололмасам, Ямайкага учеб кетолмасам. Аслида яхни кассоб мижозига гўштнинг баррасидан кесиб бергани сингари мен ҳам бу ерда обрў козониш ва уни ушлаб туриш учун ушбу хизматларни бажо келтирадим. Мен факат иккита нарса билан шукулланмайман: қурол ва ўткир наркотик моддалар. Мен битта-яримта ўзини ёхуд ўзгани ўлдириши учун ёрдам кўрсатишни хоҳламайман. Етар шунча қотилликлар, бўғзимгача тўйдим.

Ана шунака гаплар, камина хожатбарор кишиман, 1949 йили Энди Дюфрейн кошимга ке-



либ, Рига Хейвортни топиб беролмайсанми, деб сүрганида, «Муаммосиз!» деб жавоб килдим. Чиндан хам бунинг хеч кийин жойи йўқ эди.

II

Энди 1948 йили Шоушенкка «кадам ранжида килганда» 30 ёши каршилаганди. У ўрта бўйли, сарғиш-кулранг сочли, кафтлари кичкина ва ингичка, истарали бир йигит эди. У олтин гардишли кўзойнак такиб юради. Кўл тирноқлари хамиша текис, тоза бўларди. Афтидан, эркак кишининг бундай жиҳатларини эслаб колганим бироз кулгили туюлар. Бирок хакиқатан унинг тирноқлари мени ўзига жалб этди ва мен Эндига хурмат билан қарай бошладим. У хамиша худди эгнига смокинг кийган ва бўйнига бўйнибоғ таққандай кўринарди кишига. Турмага тушгунча Портленддаги йирик бир банкда вице-президент бўлиб ишлаган. Ёш йигит учун бу ёмон амал эмаслигини сиз хам тасдиқлайверинг. Айникса, аксар банклар канчалик юлғичларини хисобга олсак... ва агар сиз одамлари кекса, тепакал ёхуд эртагаёқ бандаликни бажо келтиришга тайёр бирор кимсатга ўз ишларини ишонмайдиган Яиги Англияда¹ турган бўлсангиз-у, бу юлғичликни ўнга кўпайтирсак, ана энди буни ўзингиз тасаввур

¹ Яиги Англия — АҚШнинг шимоли-шарқида жойлашган Мэн, Нью-Хемпшир, Вермонт, Массачусетс, Коннектикут ва Род-Айленд штатларининг умумий номи.



қилаверинг. Хуллас, мартабали Энди хотини ва уининг жазманини ўлдиргани учун қамалганди.

Бу ердаги хар бир кимса тасодиф ва ўлгудай омадсизлик туфайли ёки ўқимаган терговчилар, тошибағир прокурорлар, хумкалла полициячиларнинг курбонидир. Турмада ҳамма ўзини бегуноҳ хисоблашини айтдим, шекилли. Назаримда, бу ердаги кишиларнинг кўпчилиги учинчи табақага оид ва уларнинг энг катта «ўлгудай омадсизлиги» оналари уларни хомилалигидаёқ олдириб ташламаганлигидир.

Шоушенкда ўтирган узок йилларим давомида бегуноҳлигига менишонган бор-йўғи ўнтача одам бўлган, холос. Энди Дюфрейн шулардан бири эди, ваҳоланки, бунга танишганинмиздан сўнг йиллар ўтиб ишондим. Мабодо 1947 йили Портлендда Энди Дюфрейннинг ишини қўраётган суд хайъати аъзолари орасида бўлганимда, бу йигитнинг ёнини олишим даргумон эдиёв.

Сирасини айтганда, Эндининг кўрилаётган иши сийқаси чиқкан воқеалардан бири эди. Бунда шунга ўхшаш воқеаларнинг барча икчири мавжуд. Жамиятда ўз ўрнига эга барно қиз, навқирон спортчи — иккаласи ҳам мурдага айланган — ва кора курсида истиқболи порлок бўлиши мумкин бўлган бизнесмен ўтиради. Рўзномалар бу жараён борасида оламга жарсолиб вайсайдилар. Иш судда узок вакт мобайнида очиқдан-очик кўрилади. Округ прокурори марказий органларга мурожаат этиб, бу ишга Жон К. Паблик эътибор билан қарашини



сүради. Томошаталаблар тонг сахар түртдаёк тикилинч суд залига йигила бошладилар. Үша кунлари совук забтига олган, этии үйиб олар аёз хам текин томошага түсик бүлолмаганди. Вокеа буидай бүлган эди: Эндининг рафиқаси Линда Коллинз Дюфрейн 1947 йилнинг июнида Фал Мауф Хилл клубида гольф ўйнашни ўргангиси келиб қолади. У түрт ой давомида сабок олади. Мураббий Глен Квентин эди. 1947 йил августда Энди Квентин билан ўзининг хотини ошик-маъшуқ эканлигини билиб қолади. Үша йилнинг сентябрида Энди ва Линда ўртасида катта кўйди-чиқди келиб чиқади, сабаб хам маълум — Линданинг кечириб бўлмас хиёнати. Эндининг судда айтишича, хотини эрининг бор хақиқатдан боҳабар бўлганидан кўнгли жойига тушганмиш, ахир, ҳийла-найранг ишлатавериш ва гапни чалғитавериш жонига теккан-да. Линда ажрашинига ариза беришни кўзлаганмиш. Энди эса хиёнаткор хотинни ажрашиш жараённида кўргандан кўра жаханинам оловида куйиб кул бўлаётганини томошга қилишни маъқул кўришини айтиби. Линда шартта бурилиб, Квентин клубдан сал нарида ижарага олган меҳмонхонанага ўйнаши билан тунни ўтказгани жўнаб қолиби. Эртаси куни эрталаб оксоч уларни тўшакда ўлик ҳолда кўриби. Ҳар бирининг танаасига тўрттадан ўқ жойланганди.

Бошқаларига караганда охирги далил суднинг Эндига қарши тиш кайрашига кўпроқ сабаб бўлганди. Округ прокурори сўзига хотима ясар экан, чукур хўрсиниб, овози титра-



ганча ишни ўз фойдасига ҳал килди. «Энди Дюфрейн, — деди прокурор, — ғазаб отига миниб хиёнаткор хотинини жазолаган эргина эмас. Аёлнинг қилмишини кечириб бўлмаса-да, лоақал тушиунса бўлади. Лекин биз шафқатсиз, ёвуз, совуқон қотилнинг ишини кўрмоқдамиз. Эътибор қаратишларингни сўрайман, — овозини баландлатди прокурор, — ҳар бир жабрдийдага тўрттадан ўқ узилган! Олтита эмас, саккизта! Бу жаллод ўқдондаги барча ўқларни отиб бўлиб, хотиржамгина тўппончани қайта ўқлаган ва тагин биттадан ўқ узган». Табиийки, ушбу нутқ «Устомон қотил», «Бегуноҳ жуфтликка узилган саккизта ўқ» ва шу каби раиг-баранг сарлавҳали рўзномаларнинг «қаймоги» бўлиб колди.

Левистондаги қурол-яроғ дўкони сотувчиси қотилликдан икки кун аввал жаноб Дюфрейнга ўттиз саккизинчи калибрли олтита ўқ жойланадиган тўппонча сотганини айтади. Клуб бармени гувоҳлик кўрсатмаларида айтишича, Энди ўнинчи сентябрь кечаси соат еттиларда барга кириб келган ва уч стакан вискини йигирма дақика давомида майдалаган. Ҳақини тўлаётганда Глен Квентиннинг олдига боришини, кейин нима бўлганини тонгти рўзномаларда ўкиб билиб олиш мумкинлигини барменга айтган. Квентиннинг уйидан бир чақирим наридаги дўкон сотувчисининг гувоҳлик беришича, Дюфрейн чоракам тўққизда дўконга кирган. Энди сигарет, уч шинша пиво ва бир нечта салфетка буюрган. Суд-тиббиёт эксперти Квен-



тии ва Линда Дюфрейн ўнинчи сентябрь соат йигирма учу ноль-ноль ва ўн биринчи сенябрь соат иккю ноль-ноль орасида ўлдирилган, деган хулоса чиқарган. Бу ишга масъул терговчи меҳмонхонадан етмиш ярд¹ наридаги муолишида ашёвий далиллар топади ва буларни судга тақдим этади: айбланувчининг бармоқ излари тушган Швейцария пивосининг иккита бўш шишиси, айбланувчи дўкондан сошиб олган сигаретанинг йигирматача колдиги, бармоқ излари тушган пластик масса ҳамда айбланувчининг «Плимут-47» русумли машинаси билдирак изларига айнан мос тушадиган излар.

Мехмонхона ётоқхонасидаги дивандан тўртта салфетка топилган. Салфеткаларни ўқлар илма-тешик қилган ва порох булғаб ташлаганди. Терговчи котил ўқ товушини пасайтириши учун курол стволини салфетка билан ўраган, деган хулоса чиқарди.

Энди Дюфрейн сўз олиб, бўлган воқеани хотиржам, совукконлик ила, мулоҳаза билан гапириб берди. Унинг айтишича, июль охирида турли висир-висир гаплар қулогига чалина бошланган. Август бошида шубҳа-гумонлар куршовида колиб, шунчалик эзиладики, мишишларга аниклик киритиш мақсадидага ўзи текшириши ўтказишга карор қиласди. Линда бир қун оқшом маҳали гольф машғулотидан сўнг Портлендга

¹ Ярд – 91,44 см.га тенг узунлик ўлчови.



бозор-ўчар қилгани жўнайди. Энди Квентин иккаловини меҳмонхонагача (рўзномалар бу ерга «Мухаббат кошонаси» дея ном беришган) кузатади. Энди муюлишида тўхтаб, Линда машинасини колдирган ерда Квентин унинг хотинини клубга олиб боргунча кутади.

— Айтмоқчисизки, рафиқангизни янги «Плимут» ингизда кузатгансиз, шундайми? — сўради прокурор.

— Мен бир ошнам билан бир кечага машина алиштирдим, — дея жавоб берди Энди. Бу тадбиркорлиги суд ва суд маслаҳатчиларининг унга бўлган салбий муносабатини кучайтириди.

Дўстига машинасини кайтариб ва ўзиникини олиб Энди уйига кетади. Линда каравотда ётиб китоб мутолаа киласади. Энди сайр қандай ўтганини сўрайди. У эса ҳаммаси кўнгилдагидек ўтганини, бироқ сотиб олишга арзигулик хеч вақо кўрмаганини айтади. Шундан сўнг Энди шубҳа-гумонларига тамомила ишонч хосил киласади. У буларни ўта бамайлихотир, паст овозда ганириб берди. У ўз кўрсатмаларини бирон марта ҳам хиссиётга берилмасдан сўйлади.

— Шундан кейин ва аёлингиз ўлдирилган тунгача руҳий холатингиз қанака эди? — сўради окловчи.

— Мен чуқур тушкунликда эдим, — сувокконлик билан жавоб берди Энди.

У ўша-ўша хеч қандай хис-хаяжонга берилмасдан, худди ресторонда таомномани ўқиб берувчи каби бир хил оҳангда худкушликка аҳд



килганини ва шунчалик чуқурлашиб кетганидан хатто 8 сентябрь куни Левинстоңда түшпенча сотиб олганини сўзлаб берди.

Кейин окловчи Эндидан суд ҳайъатига қотиллик куни Лиңда Глен Квентин билан учрашувга отланганидан сўнг нима юз берганини сўзлаб беришини сўради. Энди ҳаммасини гапириб берди, бу эса суд ҳайъатида янада ёмонрок таассурот уйғотди.

Мен уни ўттиз йил мобайнида ҳаммадан кўпроқ билдим ва айтишим мумкинки, мен учратган кишилар орасида Энди ўзини анчайнин дадил тута биларди. Агар ишлари жойида бўлса, ўзи ҳакидаги ахборотни соатига мисқоллаб айтарди. Башарти кайфияти чаток бўлса, бу хақда ўлсангиз ҳам билолмайсиз. Магар Энди бир ёзувчи айтганидай қачонлардир «бошидан каро кунларни ўтказган» бўлса, бу хақда бирон кимсага миқ этмайди. У шундай одамлар тоифасига кирадики, бундай кишилар худкушликка аҳд килишар экан, видолашув жазавасига тушишмайди, кўнгилни ийдирадиган мактуб-пактуб қолдирмайдилар, аммо ўз хужжатларини тартибга келтириб, тўловларни хисоб-китоб қиласидилар, сўнгра хотиржам ва узил-кесил ўйлаганларини амалга оширадилар. Айнан мана шу совукқонлиги Эндини судда обғидан чалди. Ақалли бирон хис-туйғусининг учини чиқарса ҳам яхни бўларди. Агар овози титраб, ҳўнграб юборганда ёки округ прокурорига бақириб берганда эди — буларнинг бари ўзининг фойдасига бўлар ва мен уни афв этишларига шубха



килмасдим, масалан, 1954 йилдаги каби. Лекин у бошидан ўтказгандарини машинадек, хиссиз автомат сингари, суд хайъатига «Мана менинг хақиқатим. Уни қабул қиласизларми-йўкми – бу сизларниң ишингиз» дегандек сўйлаб берди. Улар эса қабул қилишмади.

Энди ўша тунда ҳам маст бўлгани, 24 августдан буён у ёки бу даражада сархуш юргани, ўзини қўлга ололмай шишага қул бўлганини ганирди. Ҳакамлар энди бунисиға ишониши душвор эди. Уларнинг кўз ўнгида аъло даражадаги жун газламадан тикилган костюм кийган, бўйинбоғ таққан, ўзини жуда яхши тута биладиган, совуқкон, хотиржам нигоҳли йигит туради. Эндининг хотини қишлоқи бир мураббий билан дон олишгани сабаб ўлгудай маст бўла олишиға ишониш даргумон эди. Бунга шунинг учун ишондимки, анов олти эркак ва олти аёлга нисбатан Эндини яқиндан билишга менда имкон кўпроқ бўлганди.

Энди Дюфрейн билан танишганимдан бери у йилига бор-йўғи тўрт марта спиртли ичимлик буюртирарди. У мени сайр майдонида туғилган кунидан бир хафта олдин, кейин эса Рождество арафасида карши олди. Ҳар сафар у бир шиша «Жек Даниэль» буюртирарди. У ичимликни бу ердаги аксар маҳбуслар каби кулдай ишилаган меҳнат ҳаки эвазига сотиб оларди. 1965 йилдан меҳнат ҳақимиз йигирма беш фоизга ошиди, лекин иш ҳақимиз кулгини кистар даражадаги чойчака эди. Менинг хизмат ҳақим товар нархининг ўн фоизини



ташкыл қиласарди. Бунга «Блэк Жек» туридаги олий навли виски нархини құшинга түрт шиша учун турма кирхонасида неча соатлада машаққатлы мөхнат талаб қилинишини тасаввур әтаверинг.

Энди туғилған күни, аниқроғи, 20 сен-
тябрь тонгида киттак-киттак қылди-да, кечаси
үйқуга ётиш хақидағи бүйрукдан кейин ичини-
ни яна давом эттирди. Эртасига эрталаб ши-
шадаги қолганини менга узатиб, ичимликни
үзимизни киларга бўлиб беришни сўради. Рож-
дествода ичган шишасини ҳам, Яиги йилга бу-
юритирган шишасини ҳам ўша илтимос билан
менга қайтарди. Йилига тўрт маротаба спиртли
ичимлик — шаробдан ўзини тиёлмай хунук
вокеага йўлиқкан одам. Ута хунук вокеага ги-
рифтор бўлганди, мен сизга айтсам.

Эди суд хайъатига 10 сентябрдан 11 сентябрға ўтар кечаси шунчалик маст бўлганидан воқеанинг фақатгина баъзи бир тафсилотларини элас-элас эслашини билдириди. У кундузи Линда билан айтишиб қолмасидан олдиноқ ичишни бошлайди. Хотини Квентиннинг қошига ошиқканидан сўнг унга тўскинлик килмокчи бўлади. Йўл-йўлакай қовокхонага бир-икки стакан отиб олиш учун бирров кириб ўтади. У бар хўжайинига тонти газеталарни ўқиб кўришини, умуман, унга нималар деди, эслолмайди. Дўкондан пиво сотиб олгани ёдида-ю, аммо салфетка харид килганини унутганди. «Салфеткалар менга нимага хам керак эди?» деди Эди. Газеталардан бирида бу гапдан сўнг



суд ҳайъатидаги уч хоним сескангани таъкидлаб ўтилганди.

Анча вакт ўтиб у бу жин ургур салфеткаларни эслатган сотувчи ҳакидаги тахминиларини билдириди, назаримда хам шундай бўлганди. «Фараз қиласийлик, қораловчи концепциясига мувофиқ, — деганди Энди сайр майдонида, — ўзларининг сўрок-саволлари билан менга пиво сотган йигитга ёпишишган. Ўша нусха мени кўрганидан буён орадан уч кун ўтди. Менинг ишим хар қандай газетанинг биринчи сахифасини эгаллаб, ҳамманинг қулогига етиб борган. Олти-еттита коп¹, терговчи, прокурор ёрдамчиси бир бўлиб бечорага ташланишган. Хотира ишоятда алдамчи нарса, Рэд. Улар гапни: «Айбланувчи сиздан салфетка харид қилмаганими?» — деган саводдан бошлишгани тайин, кейин ўзлариникини ўтказишга харакат қилишган. Агар маълум миқдордаги кишилар ниманидир эслашингни хоҳласалар, айнан ўша нарсани эслашинг эҳтимолдан холи эмас. Яна бир нарса онгининг тазийик ўтказади. Шунинг учун хам ўйлайманки, сотувчи сўзларининг чинлигига ўзини ишонтирган. Бу шухрат, Рэд. Бир тасаввур қилиб кўргин, муҳбирлар унга саволлар беришади, газеталарда фотосурати босилади ва сўнгида судда сўзга чикади. У салфетка сотиб олганимга онасининг номи билан қасам ичиб, ёғонни аниқлайдиган детектордан ўта олармиди?! Лекин бари бир хам хотира алдамчи.

¹ Кон — АҚШда полициячиларнинг лакаби.



Бир нарсани биламан; гарчи адвокатим босимдан кечиргандаримнинг ярмини тўкиб чиқарилган, деб хисобласа-да, салфетка воқеасини ўйлаб ўтирмасдан рад қилди. Дарҳақиқат, улар шу ерда адашишган. Мен гирт маст эдим. Шунчалик маст эдимки, ўқ овозини пасайтириш хаёлимга ҳам келмасди. Мабодо ўқ узганимда ҳам, бу ишни хеч нарсани ўйламасдан қилган бўлардим». У шундай деганди менга.

Энди муюлишида машинасини тўхтатади, пиводан сипкоради, сигарета тутатиб, кута бошлийди. Квентиннинг меҳмонхонадаги хужраси деразасида ёқилган чирокка кўз тикади. Қандайдир милтиллаган чироқ зинапояядан тепага кўтарилиганини кўради, кейин чироқ настга тушиб, учади. Энди кейинги воқеаларни тахмин килиши мумкинлигини айтади.

— Жаноб Дюфрейн, кейин Квентин ва рафиқангизни ўлдириш учун жаноб Квентиннинг уйи зинапоясидан кўтарилимадингизми? — деб сўради оқловчи.

— Йўқ, бундай бўлмаганди, — дея жавоб берди Энди. У ярим тунга яқин кайфи тарқай бошлиганини айтди. Кейин чидаб бўлмайдиган бош оғриғи ва ичкиликдан сўнгги караҳтлик аломатларини сезади. У уйга бориб, мирикиб ухланига ва эрталаб мияни бир жойга қўйиб, ҳаммасини ўйлаб кўришга аҳд қиласди.

— Уйга кетаётган вактимда миянга яхшиси ўзимни қийнамасдан тинчгина хотиним билан ажрашишга ариза берсам, деган фикр қелди, — деди Энди. Прокурор жойидан сакраб турди.



— Нима ҳам дердим. Рафиқангиз билан ажрашишнинг яхши йўлини топибсиз, шундай эмасми? Сиз у билан 38 калибрли, салфетка билан ўралган револьвер ёрдамида ажрашдигиз, шундайми?

— Йўқ, сэр, бундай бўлмаган, — хотиржам жавоб берди Энди.

— Кейин эса унинг жазманини отиб ташладингиз.

— Йўқ, сэр.

— Сиз айтмоқчисизки, Квентин биринчи бўлиб ўқ еди.

— Айтмоқчиманки, мен улардан биронтасини ҳам отмадим. Мен икки шиша пиво ичиб, полиция муолишида тоғган сигареталарнинг барини чекиб тугатдим. Кейин уйга бориб, ухлашга ётдим.

— Сиз суд хайъатига айтган эдингизки, 24 августдан 10 сентябргача ўз жонингизга қасд қилмоқчи бўлгансиз, шундайми?

— Ҳа, сэр.

— Шунчаликка боргансизки, ҳатто револьвер сотиб олгансиз.

— Ҳа.

— Менинг назаримда, озми-қўими, ўз жонига қасд қилувчилар тоифасидан бўлиб кўрини маслигингизга қандай қарайсиз, жаноб Дюфрейн?

— Нима ҳам дердим, — жавоб берди Энди, — сиз эса менга акли ва зеҳни етарлича ўткир инсон бўлиб туюлмадингиз. Дархақиқат, мен ўз жонимга қасд килишимга бир баҳя қолганди.



Бу борада сизнинг фикрингиз қандайлиги эса сизнинг ишингиз.

Залда енгил шовқин күтарилди. Суд хайъати пичирланди.

— Ўша сентябрь тунида тўйночангиз ёнингиздамиди?

— Йўқ, ахир, мен айтдим-ку...

— Э, ха! — истехзо билан тиржайди прокурор. — Сиз уни дарёга отиб юбордингиз, тўғрими? Роял Риверга. 9 сентябрь кундузида.

— Ха, сэр.

— Котилликдан бир кун олдин.

— Ха, сэр.

— Жуда ишонарли, шундай эмасми?

— Билмадим, сэр, ишонарлими-йўқми. Лекин бу ҳакиқат, тамом-вассалом.

— Лейтенант Минчернинг кўрсатмаларини эшитдингиз, шекилли?

Минчер Энди тўйночасини ташлаб юборган Понд Роуд кўпрги яқинида, Роял Ривер теварак-атрофида тафтиш ишлари олиб борган гурухнинг бошлиги эди.

— Гарчи улар уч кун кидирув ишлари олиб борнишган бўлишса-да, хеч нарса топишолмаганини эшитдингиз. Афтидан, бу хам ишонарли эшитилияпти, шундайми?

— Эҳтимол. Факт шундаки, улар чиндан хам тўйночани излаб топишолмаган, — бамайлихотир жавоб берди Энди. — Лекин мен шунни эътиборга олишини истардимки, Понд Роуд кўпрги дарёнинг Ярмут кўрфазига қуйиладиган жойига жуда яқин жойлашган. Оқим анча куч-



ли. Оким түппончани күрфазга оқизиб кетган булиши мүмкін.

— Ва албаттаки, рафиқанғиз билан жаңоб Квентиннинг қонға беланған таналаридан чиқарып олинған ўқлар билан сизнинг револьверингиз ўртасида хеч қандай ўзаро боғлиқлик йўқ. Шундайми, Жаноб Дюфрейн?

— Ха, сәр.

— Ва бунга ишониш керакми?

Бу ерда, газеталарда ёзилганидек, Энди бутун суд жараённанда камдан-кам құзатиш мүмкін бўлган хиссиятта берилди. Аранг пайқаладиган истеҳзоли табассум унинг лабларида ўйноқлади.

— Модомики, бу жиноятда айбсиз эканман, сәр, модомики қотиллікдан бир күн аввал түппончани дарёга таштаб юборганим ҳақидағи ҳақиқатни айтган эканман, сәр, түппончанинг ҳалигача тоцилмагани менга бутуилай ҳайратланарли туюлмаянти.

Прокурор икки күн давомида Эндиға босим ўтказди. У яна ва яна сотувчининг салфетка ҳақидағи құрсақталарини қайта ўқийверди. Энди бунга жавобан салфеткаларни қандай соғиб олганини эслолмаслигини, бирок уларни харид қилмаганинга касам ичолмаслигини айтди.

Чиндан ҳам 1947 йили Энди ва Линда Дюфрейн ҳаёти йирик маблағ билан сувурталанганими? Ха, шундай эди. Үшанда хотинининг ўлимидан сүнг Энди эллик минг долларни қўлга киритишін керак эди, бу ростми? Рост. Бундай холатда у Квентиннинг уйига иккала ошик-маъшуқларни ўлдириш мақсадида



борган ва уларни ўлдирган, бу ростми? Йўқ, бундай эмас. Полиция босқинчилик изларини аникламаган бўлса, унинг ўзи бўлган ходиса ҳакида нима деб ўйлайди?

— Мен буни билолмайман, сэр, — жавоб берди Энди.

Суд мажлисга кундуз соат бирда кириб кетди. Суд хайъати учун ўттизда чиқди. Суд ижро-чиси, улар вактлироқ чиқишини айтди, лекин хайъат Бентли ресторанида давлат хисобидан ажойиб тушлиқдан хузурланиш учун ушланиб қолди. Улар жаноб Дюфрейнни айбдор деб топишди, агар Майнда ўлим жазоси бўлганида борми, Энди илк бойчечаклар бош кўтаришидан аввалрок бу ёруғ дунёни тарқ этган бўларди.

III

Прокурор Эндидан бўлган воқеа ҳакида нима деб ўйлашини сўради, у эса оғзига толқон согландай тураверди. Аслида бу борада Эндининг ўз мулоҳазалари бор эди ва 1955 йилининг корониғу кечасида ўша мулоҳазаларни унинг ўзидан эшигдим. Салом-алиқдан чин дўстлик муносабатларига ўтишимиз учун бизга етти йил керак бўлди. Бироқ мен ўзимни Эндиға тахминан 1960 йилгача яқин инсондек сезмадим. Биз иккаламиз ҳам узоқ муддатга қамалган маҳбус эдик, гарчи камераларимиз бир-биридан хийла нарида бўлса-да, бир йўлакда яшардик.

— Мен бўлиб ўтган воқеа ҳакида нима деб ўйлардим? — Энди масхараомуз кулимсира-



ди. — Ўша куни мудхииш омадсизлик хавода сузаб юрарди, деб ўйлайман. Бундай қисқа вакт давомида юз берган кўнгилсизликлар микдорини хисоблаш етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Бахтсизлик ўша машъум уй атрофида судралиб юрган. Қотилликни содир этган ҳам қандайдир ўткинчи, етти ёт бегона булиши мумкин. Эҳтимол, биронта қулфбузардир. Балки, тасодифан ўша ерда пайдо бўлиб қолган телба ёки восвосдир. Ўша савдои иккаловини ҳам ўлдирган. Бор ган шу. Ўшанинг касрига мен бу ерга тушдим.

Бу ерда бошни котирадиган жумбок йўқ. Энди Дюфрейн эндиликада бутун умрини ёхуд умрининг талай қисмини иблиснинг макони бўлмиш Шоушенқда ўтказишга маҳкум. Карточкангизда «Қотиллик» белгиси турганидан кейин бу ердан озодликка чиқини ўйлаш тuya ҳаммомни орзу қилгани кабидир. Эркинликка чиқиш сув тошини томчилаб майдалашидек имиллади. Суд хайъатида етти киши ўтиради, бу бошқа турмадагиларга нисбатан икки баробар кўп дегани. Уларнинг юраги тошдан, эс-хушини муз қонлаган. Сиз уларни пора бериб сотиб ололмайсиз, лақиллатолмайсиз, қўркитолмайсиз, раҳмларини келтиролмайсиз. Бу тошdevорлар ичida нул дегани ўз кучини йўқотади. Ҳаммаси бошқача бу ерда.

IV

Кендрине исмли бир йигит мендан каттагина микдорда карз олиб, тўрт йил давомида



қарзини узганди. У менинг фойдамга хизмат килар, энг маъқул томони — ўзим ололмаган ахборотларни Кендрикс қўлга киритарди. Менинг фаолиятимда қулоқ динг, ҳамма нарсадан вокиф бўлиш лозим.

Кендрикс менга суд хайъати Энди Дюофрейнинг озодликка чиқарилиши учун қўйидаги тартибда овоз беришганини айтганди. 1957 йили еттию ноль Эндига карши, олтига бир 58 йили, 59-чида еттию ноль ва 60-йилда бешга икки. Кейин нима бўлганини билмайман-у, орадан ўн олти йил ўтгандан сўнг ҳам Энди бешинчи блокнинг 14 камерасида эди. Ушанда, 1975 йилда Энди эллик етти ёнда эди. Эҳтимол, улар мурувват кўрсатиб, тахминан, 1983 йили Эндини озодликка чиқариб юборишармиди. Улар, албатта, сизга эркинликни ҳадя этишиб одамгарчилик юзасидан иш тутишади, лекин калаванинг иккинчи учи ҳам борки, бу ёғини эшигининг. Шервуд Болтон исмли биттасини танирдим. Уша Шервуд 1945 йилдан 1953 йилга ча камерасида кантар бокканди. У амнистияга тушгунча кантар бокди. Шервуд күш ишқибози бўлмаса-да, шунчаки кантарга ўрганиб қолганди. Кантарни Жек деб атарди. Суд хайъати қарори бўйича Болтон қамоқдан чиқарилишидан бир кун бурун унинг ўзи Жекни озодликка қўйиб юборди. Күнча эгасининг кўлларидан «пир» этиб учиб кетди. Шервуд Болтон «кичкинагина баҳтиёр оиласиз»ни тарқ этганидан бирон хафта ўтгач, бир ошнам мени чақириб Шервуд кўпинча айланиб юрадиган сайр майдонининг




шарбий бурчагига олиб борди. У ерда чангга белантан бир тутам патлар ётар, патлар орасидан котиб қолган қүш ўлигини аранг қўриш мумкин эди. Ошнам:

— Бу Жекми? — деб сўради.

Ха, бу Жек эди. Бечора күпча очликдан ўлиб қолганди.

Энди билан илк бор тўқнаш келганимизни хали-хануз эслайман. Ўша кун ёдимга шунчалик муҳрланиб қолганки, худди кечагина юз бергандек учрашувни майда-чуйдаларигача тасвирлашим мумкин. Ўшанда у Рита Хейвортни сўрамаганди. 1948 йилнинг ёзида у умуман бошқа масалада ёнимга келганди.

Менинг хуфёна ишларим сайр майдонида амалга оширилар, шу ерда тил биринтирадим. Ҳовлимиз бошқа турмаларникига нисбатан анча сайдон. Шимолий томони ҳар бир бурчагида минораси бўлган баланд девор. Тиштириноғигача қуролланган сокчиilar минорада ўтирганча дурбинда теварак-атрофни кузатишади. Бу ерда асосий дарвозалар жойлашган. Турли-туман юкларни олиб чиқишига мўлжалланган хўжалик дарвозалари ҳовлининг жанубий томонида жойлашган. Бу дарвозалар бешта. Ҳафта давомида Шоушенкда иш қайнайди: у ёқдан-бу ёқка тинмай жўнатмалар узатилади, дарвозалар тагида юк машиналари «би-бин» лайди. Ҳудудимизда бутун бошли турмага, қолаверса, Китгери госпитали ҳамда Элиот етимхонасига хизмат кўрсатувчи каттакон кирхонамиз бор. Бундан ташқари, улкан гараж бўлиб, унда механик



хизматини ўтовчи маҳбуслар сокчилар, турма, давлат, муниципалитет машиналарини созлаб, тузатишади... ва албатта суд ҳайъати аъзолари хам бизнинг хизматимиздан фойдаланмай колишимайди.

Ховлиниң гарбий тарафидаги кичкина ойналар панжараланган. Бешинчи блок шу деярниң нариги томонида. Маъмурият ҳамда лазарет шарқий тарафда. Аксарият турмалар маҳбусларга лиқ тўла бўлса-да, Шоушенкда улар кўп эмас. 1948 йили қамоқхонанинг учдан икки кисми базур тўлди. Аммо-лекин исталган вақтда сайр майдонида футбол ёки бейсбол ўйнаётган, шунчаки айланиб юрган, бир-бiri билан чакаги тинмай валаклашаётган, ўз ишларини мухокама килаётган саксонтадан юзтагача маҳбусларни кўришингиз мумкин. Якшанба кунлари майдон янада гавжум бўлади, агар минораларда кўр тўкиб турган «шавкатли» йигитлар ва аёлларниң йўқлиги хисобга олинмаса, бўларниң бари шаҳар ташкарисидаги боғ сайрини эслатади.

Энди илк бор ёнимга айнан якшанба куни келди. Кўпинча мен билан иш битирадиган Элмор Эрмитаж иккалувимиз гапни бир ерга кўйинимиз биланок Энди келиб қолди. Албатта, унинг кимлигини билиб бўлгандим. У ўзига куруқ олифта ва совуккон деган ном ортириб олганди. Мен ҳатто, оддий бандаларницидан кўра ўзининг нажасидан хушбўйрок хид таралишига Эндининг ишончи комил экан, деган иборани хам эшишиб улгурдим. Тағин айтиш-



ларича, бу ерда хеч нарса унинг тамойиллари-га түғри келмас экан. Буни тасдиқловчилардан бири баттол Бөгс Даймонд (агар жонингиздан умидингиз бўлса, унинг кўзига кўринманд) эди. Энди хақида миши-мишлар болалаб кетганди, лекин мен киши хақида ўзим маълум бир фикр ҳосил қилмагунимча бехуда гап-сўзларга қулок осинни ёқтирумайман.

— Хайрли кун, — деди у, — мен Энди Дюфрейман.

Кўлини чўзди, мен сўрашдим. У дилкаш кўриниш учун вактини хавога учиралиган кишига ўхшамасди. Дархақиқат, у дархол мақсадга ўтди.

— Эшитишимга қараганда, сиз у-бу нарсаларни топиб бероладиган одам экансиз.

Каминаи камтаринданд иш унишини тасдиқладим.

— Буни қандай амалга оширасиз? — тўғридан тўғри сўради Энди.

— Баъзида буюмлар ўзидан ўзи қўлимга тушиб қолади. Буни тушутириш кийин. Балки, ҳамма гап ирландлигимдадир.

У билинар-билинмас кулиб қўйди.

— Менга геология болғачасини топиб беришингизни илтимос қиласман.

— Буниси нима бало бўлди? Умуман, бу нарса сизга нимага керак?

Энди бироз ҳайрон бўлиб, қошини хиёл кўтарди.

— Нахот буюртмачи истагининг важ-сабаблари бизнесингизнинг бир қисми бўлса?



Мана шу ерда уни нима учун олифта де-
йшиларини тушундим, бунақанги савол берувчи
одам калондимоғ, олифта «шараф»ига мун-
сиблигига ажабланмаса ҳам бўлади. Унинг са-
волида дурустгина пичингни сездим ва вазият-
ни тушунтиридим.

— Биласизми, агар тиш чўткасига буюртма
берсангиз, сабабини суриштирмай, иш битира-
ман. Шунчаки, нархни айтаман. Нега десангиз,
тиш чўткаси окибати ўлимга олиб борувчи бу-
юмлар сирасига кирмайди.

— Ўлимга олиб борувчи буюмларни жининг-
гиз сўймайдими дейман?

— Шундай.

Эски, титиги чиқиб кетган бейсбол тўпи
биз томонга учиб келди. Энди орқасига бу-
рилиб, кафтларининг равон харакатлари ила
тўпни келган томонига отди. Унинг харакатла-
ри қойилмақом, аниқ, тез, нафосатли эди. Нак
Френк Мелзоннинг ўзи бунга ҳасад килса ар-
зийди. Кўпчилик ўз ишлари ила машғул бўлгани
холда кўз кири билан бизга қарашарди. Мино-
радаги азаматлар ҳам бизни қизикини билан ку-
затишаётгандиров. Ҳар бир турмада маҳбуслар
орасида катта обрўга эга бир нечта киши
бўлади. Айтайлик, кичикроқ қамоқхоналарда
тўрт-бешта, каттаробида йигирма-ўттизистача. Шо-
ушенқда шулардан бири камини эди ва қўп нар-
са менинг фикримга боғлиқ эди. Энди ҳакида
билдирадиган фикрим унинг кейинги ҳаётига
таясир этмай кўймасди. Энди буни биларди,



аммо у товонимни яламади. Шунинг учун хам, уни ҳурмат қила бошладим.

— Ха, яхши, бу болғача қанақа эканлигии ва нима учун кераклигини тушунтириб бераман сизга. Геология болғачаси тахминан мана бундай ўлчамга эга, — Энди қўлларини ёзиди кўрсатди, шунда мен унинг бир текис олинган, яхши парваришланган тирнокларига эътибор каратдим. — Бу матоҳ сал-пал чўкичга ўхшайди, бир томони ўткир, бир томони япаски. Мен тошларни яхши қўраман, шунинг учун сизга буюртма беряман.

— Тошлар... — дея такрорладим унинг сўзини.

Энди менга боқиб, кулимсиради.

— Бу ёкка келинг-чи.

Мен унга эрганидим. Биз ёш боладай чўккаладик.

Энди бир ховуч тупроқ олиб, кафтида увалиди. Чанг ва қум унинг опшок қўлларидан тўкилди. Кафтида бир неча ялтироқ, яналок тошчалар колди. Тошчалардан бири кварц эди, то Энди уни яхшилаб тозаламагунча менда кизикиш уйғотмади. Ана энди тошча шишадай ялтирасди. Энди тошни менга ирғитди. Мен уни тутиб: «Кварц-ку», дедим.

— Албата, кварц, — дея бош ирғади Энди, — мана, яна қаранг. Слюдя. Сланец. Гранит. Бу ерда оҳактошлар қатлами бўлган, ахир, бизнинг машҳур ховлимиз теналик устига ўйиб Курилган. Мана шунинг учун хам, бу ердан тошларни қийналмай топиш мумкин. — У



тошларни ирғитиб, күлини коқиб тозалади. — Мен тошларга ишиқбозман. Аникроғи, бу ерга түшмасымдан илгари шинаванда әдим. Шунга қарамай, бу ерда ҳам озми-күпми ўз қизиқишим билан шуғулланмоқчиман.

— Сайр майдонида якшаиба кунги экспедиция денг?

Бу өоя, албатта, бемаъни әди. Лекин мана шу кичкина кварц бұллаги қалбимни алланечук ларзага солди. Нима учунлигини түшүнтириб беролмайман. Хали ҳеч кимнинг хаёлига бу ерда бунақанги иш билан шуғулланиш келмаганди. Бу тошча, афтидан, менга бизни ташқи олам, озодлик билан боелаб турувчи ришта бўлиб туюлганди.

— Хар холда, йўқдан кўра... — деди Энди.

— Бу болғача бир кун келиб битта-яримтаси-нинг бошини ёрмаслигига ишонсан бўладими?

— Бу ерда душманларим йўқ, — деди муло-йимлик билан Энди.


— Йўқми? — «пик» этиб қулиб юбордим. — Шошмай туринг, хали топилади ҳам.

— Жанжал чиқсан тақдирда ҳам болғачасиз эплайман.

— Каердан билиб ўтирибман, балки сиз қочишни режалаштираётгандирсиз? Девор тешмоқчиидирсиз?

Энди қулиб қўйди. Уч ҳафтадан сўнг болғачани кўриб ҳаммасини тушундим.

— Биронгаси бу болғачани кўрса, тортиб олишидан хабардорсиз, деб умид киламан. Агар кўлингизда чой кошикни кўришса ҳам юлкиб



олиниади. Ўзи нима қилмоқчисиз? Ҳовлида ба-
майлихотир ўтирволиб тош йўнасизми?

— О, ишонаверинг, бундай қилмоқчи эмас-
ман. Бошқа биронта яхшироқ нарса ўйлаб то-
паман.

Мен бош силкидим. Нафси ламбрини айт-
ганда, бу ёғи мени қизиктирмайди. Мен бу-
юртмачига молни етказиб бераман, кейин нима
килади, менинг неча пуллик ишим бор?!

— Бу матоҳ қанча туриши мумкин? —
қизиксиндим. Менга унинг совук, оғир-вазмин
ва андак кинояли мулокот услуги ёқа бошли-
ганди. Агар сиз ҳам мен каби иблиснинг на-
фаси теккан бу овлоқ жойда умрингизни чи-
ритғанингизда эди, бакир-чакир килиб чарча-
майдиган, қачон қарама, ҳакоратли сўзларини
утказишга интиладиган серғалва кишилардан
кўнгил қанчалик зада бўлишини тушунар-
дингиз. Ҳакки рост, Энди дарров кўнглимга
ўтирганди.

— Саккиз доллар, — жавоб берди у. — Лекин
англапшымча, сиз зарарига иш қилмайсиз?

— Одатда молнинг нархига ўн фоиз кў-
шимчаси билан оламан. Бирок гап бундай тур-
даги буюмлар устида кетаётган экан — гарчи
улар хавфли бўлмаса-да, турма бошлиқларига
шундай туюлиши мумкин — нархни кўтараман.
Тўғрисини айтсан, ғилдирак ва винтлар мойла-
ниб, айланниб туриши учун ўзим ҳам баъзи би-
ровларга пора беришинга тўғри келади... Хўп,
айтайлик, ўн доллар.

— Келишдик.



Мен унга яна нима деркин деб кизиқиб тикилдим.

— Хүш, ақчанғиз етадими?

— Бұлмасам-чи, — деди Энди елка қисиб.

Талай фурсат ўтиб анчагина жамғармаси борлигини билдім. Чамаси беш юз доллари бор әкан. Пулларни үзи билан олиб ўтибди. Албатта, турма остоңасынға қадам құяркансиз, сизни сочингизнинг учидан то товонингизгача текширишағы ва хотирингиз жам бұлаверсинки, құлларига илинган нарсани олиб қўйишағы. Лекин Эндига үхшаган тажрибали одам фахм-фаросати билан уларни боплаб чув туширади. Бунинг минг хил йўли бор.

— Жуда соз, — дедим, — мабодо қўлга тушиб қолган тақдирингизда нима килишни биласиз, деган умиддаман.

— Ха, шубҳасиз, — деди Энди. Унинг кўк кўзларидаги лип этиб учиб ўтган порлашдан нимани назарда тутаётганимни англаганини тушундим.

— Агар сизни тутиб олишса, болғачани тошиб олдим, дейсиз. Икки-уч хафта бир кишилик камерада ўтириб чиқасиз... ва сўзсизки, ўйинчоғингизни қўлдан бой берасиз, карточкангизга тамға тушади. Исимини томонингизга пичоктирашса ҳам сотмаслигингиз даркор. Топиб олгансиз, гап тамом, вассалом. Башарти мени сошиб қўйсангиз, кайтиб ҳамкорлик қилмаймиз. Хеч канакасынға. Вискидан ҳам, шоколаддан ҳам умиднингизни узаверинг. Бундан ташқари, йигитларимдан хулқ-атвор коидаларини сизга лўнда қилиб тушунтириб қўйишларини сўрайман. Мен



зулм тарафдори эмасман, тўғри тушунинг, ни-
мадир қилиб ҳимояланишимга тўғри келади,
йўқса бизнесим яхшиликка олиб бормайди. Ме-
нимча, бу тўғри йўл.

— Ха, гапнингизга қўшиламан. Хавотирлан-
манг.

— Хавотирланиш менинг луғатимга ёт. Бун-
дай жойда хавотирланиш ахмоқларнинг иши.

У бош ирғаб, ўз йўлида давом этди. Уч
кундан сўнг кирхонада тушликка танаффус
эълон қилинганда Энди бир оғиз сўз котмай,
ҳатто қарамай ёнгинамдан ўтиб кетди. Фақат
кетаётib картабоз кўзбойлогич сингари
қўлимга пул тутқазди. Бунақангиз вазиятлар-
да ўзини тута билишининг ҳадисини олганини
каранг! Болғачани аллақачон топиб қўйгандим.
Болғача кун бўйи камерамда ётарди, шакли
ҳам, ўлчами ҳам Энди тасвирлаганидек бир
карич. Шубҳасиз, бу асбоб билан қочишни
амалга ошириш ҳакида ўйлашининг ўзи бемаъ-
нилик. Бунга камида олти юз йил кетадиёв.
Шундай бўлса-да, мен ҳамон иккиланардим.
Мабодо болғачанинг учли тарафи битта-ярим-
тасининг бошига тушса борми, у ҳолда бояқин
хеч қачон «сўлим» ҳовлимизга чиқолмайди...
Узунқулоқ гапларга қараганда, Энди «опа-
сингиллар» билан гижиллашаётган эмиш, зора
болғача ўшаларга аталмаган бўлса.

Кутганларим тўғри бўлиб чиқди. Эртасига
тоинг сахарда уйқудан туришга йигирма дақиқа
колганда болғачани бешинчи блок йўлагини
супуриб-сидирувчи Эрнининг чўнтағига солиб



күйдим — бу ажайиб йигит қамоқхонани 1956 йилда тарқ этди.

Энди бир оғиз сүз айтмай болғачани олди. Шундан кейин ўн түккиз йил давомида болғачани күрмадим ва бу асбоб ёрдамида Энди бирон-бир қинғир иш қылганини эшитмадим.

Кейинги якшанбада Энди майдонда ёнимга келди. Күриниши ҳавас қылгулик әмасди. Пастки лаблари шишиб, ёрилган, ўнг күзининг атрофи күкарған, аранг очилиб турибди, ёноклари шилинганди. У хали ҳам «опа-сингиллар» билан жанг олиб борарди, аммо бу хақда миқ этмасди.

— Асбоб учун ташаккур, — деди-ю, нари кетди.

Мен ўйчанлик билан унга тикилиб қолдим. У беш-олти қадам юриб, тұхтаб, әгилди-да, ердан кичкина тошча олди. Кейин артиб-нетиб, синчиклаб текширди. Турма кийимларида чүнтак деган нарса бүлмайди. Лекин қаловини топсанғ, кор ёғади. Тошча Эндининг енгіда ғойиб бүлди ва у йүлида давом этди... Мен унга тан берардим. Муаммоларидан зорланиш үрнига у яшаңда давом этар, ҳаётини имкон қадар қызықарлы ва күнгилли үтказишга тиришарди. Атрофимиздаги минглаб одамлар, жумладан, таңқаридагилар ҳам бундайни жасоратли әмаслар. Яна шуни пайқадимки, кечаги низо оқибатлари хүснини бузиб турған бүлсада, тирноклари аъло даражада парваришиланған ва тозаланғанди.



Кейинги олти ой ичида мен уни қамдан-кам күрдим — бу вақт давомида у күпинча карцерда¹ ўтириб чиқди.

V

Энди, «опа-сингиллар»га бир оғиз тұхталиб үтсам. Қолған турмаларда бу баттолларни бошқача ном билан аташади. «Қотиллик кироличалари» атамасы кейинрек урфға кирди. Аммо улар Шоушенқда ҳамиша «опа-сингиллар» деб номланиб келинганд. Гаининг үғил боласини айтғанда, бунда алохидә бирор-бир тағовутни күрмаяпман. Бу хайвонларни қандай аташнинг нима фарқи бор, шу билан осмон узилиб, ерга тушармиди?!

Бизнинг давримизда турмада бузуқилик авж олғани ҳеч кимга сир әмас. Бунинг ҳайрон қоладиган томони йўқ. Қисқасини айтғанда, каминанинг фикрини билмокчи бўлсангиз, эркакларнинг бузуқлик майли уларнинг мияларига қўйилган бўлади.

Қолаверса, ёш, келишган, эҳтиёtsиз эркаклар ҳам бор — уларга биринчи кундаёқ тажовуз қилишади. Аксар ҳолларда улар ожиза ролида бўлишади.

«Опа-сингиллар» турмадагилар учун маҳбус зўравонилар хисобланишиади. Улар зўравонлик, котиллик каби оғир жиноят содир этиб, узок муддатга қамоққа тушишган. Одатда уларнинг

¹ Карцер — бир кишилик қорони камера.



курбонлари она сути оғзидан кетмаган, ожиз, тажрибасиз йигитлар бўлади... Ёки Энди сингари ташки қиёфасидангина ожиз қўринувчилар. Ҳаммом, кирхона биноси ортидаги орқа ҳовли, гоҳида лазарет зўравонларнинг ов макони хисобланади. Зўрлаш ҳолатлари бир неча бор шкафга ўхшаш кичкина, тор кирхонада омборхона ёки қўшимча хона вазифасини ўтовчи ҳужраларда содир бўлади...

Энди Шоушенкка келганининг биринчи куниданоқ «опа-сингиллар»нинг дикқат марказига тушди. Менимча, бу одамнинг саришта қўриниши, истарали қиёфаси, мутлако хотиржамлиги уларнинг эътиборларини тортди. Агар мен сизларга чўпчак айтаётган бўлганимда, Энди анчагача разиллар билан мардонавор кураш олиб борди ва баттолларнинг муддаолари хосил бўлмади, дея эртагимни давом эттирадим. Шундай дейишни истайман-у, лекин бунга тилим бормайди. Турма — яхши жой эмас.

Шоушёнкка келганининг тўртинчи куни Эндига биринчи марта ҳаммомда ташланиб қўришди. Бу бор-йўғи мушук-сичқон ўйини эди, холос. Шоқоллар ўлжаларини тутмасдан аввал қурбоннинг ҳимоясизлигига ишонч хосил килиш учун унинг атрофида узок ўралашишди.

Энди кескин ўгирилиб, «опа-сингиллар» сафидаги Богс Даймонд деган девқоматнинг лабини бир мушт билан ёрди. Соқчи муштлашув чукурлашиб кетмасидан олдин уларни ажратиб кўйди. Аммо Богс Эндини кўлга туширишига ваъда берди ва ўз сўзида турди.



Бу холат кирхона биноси ортида иккинчи марта юз берди. Ўтган йиллар давомида бу чант босган, тор ҳовлида нималар бўлмаган дейсиз?! Соқчилар ҳаммасидан хабардор бўлсалар-да, воқеаларни ўз йўсинида оқишига ташлаб кўйишарди. У ер тор, ҳамма ёқда кир ювиш кукуни, кўрининидан тузга ўхшаш, лекин қўлингиз хўл бўлса, кислота каби куйдиргувчи «Хекслайт» катализаторларининг қутилари сочилиб ётарди. Ҳатто соқчилар ҳам бу жойга боришини ўзларига эп кўришмасди. Шуни айтиб ўтиш керакки, янги соқчилар ишга кираётганда тажрибали соқчилар, биринчи галда ҳар қандай холатда ҳам маҳбуслар ўраб олиши мумкин бўлган жойга бориб колмасликни уларнинг қулогига кўйишарди.

Ўша куни Богс кирхонада кўринмади. Аммо 1922 йилдан буён кирхона ишчиларини бошқариб келган уста Хенлей Баксенинг кейинроқ айтишича, кирхонада Богснинг тўртта ҳамтовори ҳам бўлган. Энди эшикка тиради туриб, агар зуфум ўтказувчилар жойларидан бир қадам жилса, қўлидаги «Хекслайт»ни кўзларига сочиб юборишига қасам ичди. Минг афсуслар бўлсинким, ўша куни омад унга кулиб боқмади: Энди полда ётган оқартирувчи кукун целлофанини босиб олиб сирпаниб кетди ва йикилди. Тўртталови ҳам «ўлжа»га ташланинди.

Бу турдаги ҳодисалар Эндини эсанкиратиб қўяди, бирок узокка чўзилмайди. Буни ўз хаётий тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Бундай фожиа рўй бермаслигини ич-ичимдан



хоҳлардим... Сизга айтишга арзигулик зиён-захмат етказишмади. Лекин нима бўлганда ҳам, гайриинсоний равишда ҳамиятнингизга тегишига, сўнг сиз бу иснодни қандай кўтариб юриш йўлини излашингиз даркор.

Энди ўша кунлар даҳшатини ёлғиз ўзи енгид үтди. У шундай карорга келди, аникроғи, унинг олдида иккита йўл бор эди — «она-сингиллар»га бўйин эгин ёки курашин давом эттириш.

У курашин танлади. Бос ва унинг бир жуфт югурдаклари ўша нохуш воқеадан бир хафта ўтиб Эндининг қаршисида пайдо бўлишганда, у ўйлаб ўтирмастан Рустер Макбрайд деган нусханинг бурнига айлантириб мунит тушириди. Йирик жағ ва тор пешонали бу фермер ўгай кизини ўлардай қилиб дўпослагани учун қамокқа тушганди. Одамларнинг баҳтига у Шо-ушенқдан чикмасданоқ асфаласофилинга равона бўлди.

Учалови бирданига Эндиға ташланишиди. Рустер ва яна бир нусха, чамамда, бу Пит Вернене, аммо аниқ ўша эди, деёлмайман, Эндини тиз чўктиришиди. Бос Даймонд унинг рўпарасига келди. Қўлида садаф дастанинг иккала томонига ўзининг исми ўйиб ёзилган устара.

— Мениң қара, тирранча. Сен бизга хузур баҳш этишдан бош тортмайсан, деб ўйлайман. Устига устак, жаноб Рустернинг бурнини синдиридинг. Бунинг бадалини тўланинг керак. — Бос анков болага оддий нарсани тушуниргандай сўз қотди, — сен мени тушумадинг. Агар



ортиқча харакат қиладиган бўлсанг, ўша заҳоти маиви тиғнинг таъмини татиб кўрасан. Энди етиб бордими?

У Богста назар ташлади, билинар-билинмас масхараомуз кулимсиради.

Богс Эндини ўз холига қўйди, қирк саккизинчи йилнинг ўша февраль оқшомида хеч нарса содир бўлмади. Хатто Рустер Макбрайд хам бунга журъат этмади. Хуллас, ўша куни учалови Эндини аёвсиз калтаклашиди ва карцерга тушишиди. Энди ва Рустер кейнироқ лазаретга ёткизилди.

Бу «азаматлар» кейин яна неча марта Эндинга ёнишишиди, бу ёғи менга коронеу. Макбрайд тез орада шаптидан тушди: синган бурни туфайли бундай турдаги кўнгил очишлардан ўзини олиб кочадиган бўлди. Ёзда Богс Даймонд хам хирагини ташлади.


Богс билан боғлиқ ғалати ходиса рўй берди. Июль тонгларидан бирида текширув пайтида Богс Даймонд кўринмади. У ўз камерасида чалажон холда топилди. Нима бўлганини, ким уни ўлакса қилиб ургани-ю, ким унинг камерасига кирганини айтмади, шундай бўлса-да, барчаси менга кундай равшан эди. Чунки яхшигина муллажиринг эвазига соқчи нозир сиз учун ҳар қандай хизматни бажо келтиринг хозир. Факат қурол сотмайди. Мўмай пул сира сўралмасди, колаверса, ҳозир нарх-навонинг хам чўғи паст. Ўша кунлари турманинг ҳар бир бурчини назорат остига олувчи хеч қандай электрон тизим-у, яширин телекамералар мав-



жуд әмасди. Үшанды, минг түккиз юз кирк саккизинчи йили блокнинг барча камералари калитига эга соқчи бир киши тутул бир неча кишининг камерасига кириб чиқа оларди. Ҳатто Богснинг камерасига хам.

Бундай хизмат акчага чакилади. Албатта, турма деворлари ортидаги дунё стандартига кўра нарх-наво баланд әмасди. Бу ерда қўлингиздаги доллар эркинликдаги каби қийматга эга. Менинг хомчўтим бўйича Богсни тавбасига таянтириш учун кўп пул кетмасди — блок камера эшикларини очиш учун эллик доллар хамда йўлакчадаги хар бир соқчи учун икки-уч доллардан.

Бу ишни Энди Дюфрейн қилди, деб оёқ тираб туриб олмайман, лекин шуни биламанки, у ўзи билан беш юз долларни олиб келган. Колаверса, у илгари банкир бўлган. Бу одам пулни катта қудратга айлантира оладиганлар тоифасидан эди. Богснинг бошига итнинг куни солингандан сўнг — учта қовурғаси синган, қўзининг таги қўкарган, бел суюги синиб жойидан қўзгалган, чоти ҳам керилганга ўхшарди — Эндини тинч қўйинди. Айтиш керакки, Богс хаммани ўз холига қўйди. У кўп акилласа-да, умуман тишламайдиган, туллаган лайчага ўхшаб колганди. Шундай килиб, у «нозикойимчалар» гурухига қўшилди.




VI

Башарти Энди эхтиёт чораларини кўрмаганда, уни ўлдириб қўйини тайин бўлган Бого Даймондинг шилқимликлари ана шу тарзда якун топди. Ҳозиргача Даймонд билан бўлган спектаклни айнан Энди уюштирган деб ўйлайман. «Опа-сингиллар» эпопеяси бу билан ниҳояланмади, шунчаки шиддати босилди. Шоколлар кучсиз ўлжани излашади, Энди Дюфрейн эса бу ролга мос эмаслигини кўрсатиб қўйди. Атрофда бошқа ожиз ўлжалар тиқилиб ётарди, гарчи «опа-сингиллар» анча вақтгача Эндини батамом тинч қўйишмаган эса-да, алалоқибат унга бўлган кизиқишилари сусайди.

У ҳамиша шоколлар билан олишиб келди. Уларга бир мартагина жангсиз таслим бўлсангиз, тамом, кейинги сафар камоли ишонч билан ташланишади. Уларга тизгинии бериб қўйини ярамайди. Энди юзида кашка билан кўринаверди, иккита бармоғининг синиши хам «опа-сингиллар» билан бўлган муҳорабанинг белгиси эди. 1949 йили бу йигит кирхонада уни металл труба билан сийлашгандан сўнг лазаретда оёкни осмондан килиб ётди. У ҳар доим бор кучи билан олишар, оқибатда карцерда кун санарди. Лекин фикри ожизимча, хатто одамлар орасида хам ёлғизликка қўнишиб колган Энди учун бир кишилик зиндан ваҳима эмасди.

«Опа-сингиллар» билан жанг 1950 йилгача тоҳу сусайиб, тоҳу алантга олиб давом этиб турди.



Үша йилга келибгина узил-кесил якунланди.
Бу хақдаги хикоямиз ҳали олдинда.

1948 йил күз тонгларидан бирида Энди сайр майдонида мени қарши олиб, унга бир дүжна¹ сайқалловчи болищчаларни топиб беришимиң сүради.

— Бу яна нима матох бүлди? — дея қизиқсиндим.

У болищчалар тошларга ишлов бериш учун кераклигини түшүнтирди. Сайқалловчи болищчалар зичлаб түлдирилган, салфетка үлчамида, иккى тарафи юпка ва дағал бүлар экан. Юпқалиги майда-майда доначали сайқалловчи коғозин, дағаллиги эса саноат жилвир қумкайрөгөнни эслатарди.

Хафта охирида бир вактлар болғача сотиб олинган дүкөндән Эндининг буюртмасини хариң күлдик. Бу сафар Эндидан ўзимнинг ўн фоиз улушимнегина олдим, ортиқча бир мирисига ҳам күз-олайтирмадим. Бу биқки, дағал мато бүлакчасыда хеч қанақаңты хавфни күрмадим. Шунчаки, сайқалловчи болищчалар.

VII

Беш ойдан сүнг Энди мендан Рита Хейвортни сүради. Бу хақда кинозалда гаплашиб олдик. Ҳозир маҳбуслар учун сеанс ҳафтасига бир ёки иккى марта қўйилади, үша пайтла-

¹ Дүжна — дюжина, яъни ўн иккى дона.



ри эса ойда бир марта кино кўрадик, холос. Биз кўрадиган фильмлар ҳам уича-муича эмас, юкори савиядаги одоб-ахлок доирасида бўларди. Ҳар бир сеансдан сўнг залдан хушахлоқ бўлиб чикишимиз лозим эди. Биз ичин қанчалик зарарли эканлиги ҳақидаги фильмни томоша килардик. Ўриндикларга бамайлихотир ўтирволиб, қиссадан хисса чикарардик.

Энди менга якинрок ўтирди, сеанснинг ўрталарига келиб янам якинрок сурилиб, қулогимга шивирлаб, «Рита Хейвортни топиб бера оласаними-йўқми», деб сўради. Тўғрисини айтсам, у мени танг қолдирди. Одатда хотиржам, совуқон ва сипо юрадиган Энди бугун хижолатиазликдан ўнгайсизланар, андак паришон кўринарди.

— Топиб бераман, — дедим, — ҳаммаси о'кей бўлади, хотиржам бўл. Каттасими ёки кичкинасими?

Уша пайтларда Рита менинг энг яхши кўрган суратим эди (бир неча йилдан сўнг Бетти Грейбл севимли юлдузимга айланди) ва сурат икки хил талқинда сотиларди. Кичкинасини бир долларга сотиб олишингиз мумкин. Икки ярим долларга тўрт фут ўлчамдагиси сотилади.

— Каттаси, — дея жавоб берди менга қарамасдан. У акасининг таклифомаси билан клубда бўлиб ўтаётган кечага киришга тиринаётган болакай сингари кизариб-бўзарарди. — Чиндан ҳам бу кўлингдан келадими?



— Кўлимдан келади, ичингни ит тирнамасин. Нима ган ўзи? Ўрмонда ким харом қотибди?

Бутуи зал ғувиллаб, карсак чалиб, полни гурсиллатишиди. Экранда фильмнинг кульминацион нуктаси кетаётганди.

— Неча кунда қўлимга тегади?

— Нари борса, бир ҳафтада.

— Маъкул, — у ҳамон ҳижолатиазлигини аранг яширади. — Қанчага тушади менга?

Бир чақа ҳам қўшмасдан нархини айтдим. Ритани икки баравар нархга пуллашим мумкин эди, устига устак, Энди бадавлат харидорларимдан бири эди. Лекин у яхши одам. Рустер ва Бого билан бўлган низолар пайтида Энди ўзим етказиб берган болғачани «опасингиллар»дан биронтасининг бошига тушириб колишдан қачонгача тийилиб юаркин, деган савол ич-этимни кемираради.


Суратлар бизнесимнинг салмоқдор қисми, энг кўп талаб қилинадиган нарсалар рўйхатида спиртли ичимлик ва тамакидан кейин, нашадан олдин жой олган. Олтмишинчи йилларда қутловхатлар савдоси гуллаб-яшиади, ҳамма Жимми Хендрикс, Боб Дилан ва шу кабиларнинг плакатларига эга бўлишни исташарди. Шундай бўлса-да, кўпроқ қизларнинг суратларига талаб катта бўлар, бир сарвиқоматнинг ўринини эсни оғидирадиган бошқа лобар эгалларди.

Орадан бир неча кун ўтиб кирхона ҳайдовчиси менга олтмишга яқин қутловхатларни келтириб берди. Аксарига Рита Хейвортнинг



сурати туширилганди. Эҳтимол, сиз бу фотосуратни яхши эсларсиз. Сурат майдада чуйда икир-чикирларигача ҳали-хануз күз ўнгимда. Рита чўмилиш кийимида, бир қўлини бошига қўйганча кўзлари ярим юмук холда, эҳтиросли дудокларида енгил табассум ўйнайди.

Хотирингиз жам бўлаверсинки, турма маъмуриятининг қора бозор мавжудлигидан хабари бор эди. Шубҳасиз, ҳамма биларди. Мен ўз бизнесимни қанчалик билсан, раҳбарият ҳам шунчалик турманинг «супермаркет»и эканлигимдан воқиф эди. Улар менинг ишларимга кўз юминиди, чуники билишардики, турма — катта қозон ва буғ чиқариб туриш учун қопқоқни ахён-ахёнда очик қолдириш керак. Баъзан қаттиқўлликларини кўрсатиб қўйини мақсадида тинтуб ўтказишар, оқибатда бир кинилик камерада ўз хаёлларим билан қолардим. Бирок қутловхатлардек ҳеч бир заарсиз буюмларни бирор даҳшатли санамасди. Бошқаларни ҳам яшашга қўйиб, ўз йўлингдан қолма. Агар биронтасининг камерасидан, айтайлик, Рита Хейворт топилса, сурат маҳбусининг қўлига ташқаридан жўнатма бўлиб келган, деб хисобланарди. Табиийки, қариндош-урур ва ёру дўстларнинг жўнатмалари синчиклаб текширилади, аммо ким ҳам Рита Хейворт, Эйва Гарднер ёки суратдаги бошқа бирон бир соҳибжамолни деб қайта текширув ўтказиб, вахима кўтаради, дейсиз? Агар сиз пазанда бўлсангиз, қозондан буғ чиқаришининг энг мақбул усулини биласиз. Тинчгина яша ва бошқаларни ҳам яшашга қўй,



йўқса кекирдагингдан иккинчи оғизни очиб қўядиганлар тонилади. Муросай мадора йўлини таилашга тўғри келади.

Кутловхатни менинг олтинчи камерамдан Энди «қўним тоғтан» тўртинчи камерага етказиб беришни яна Эриига ишониб тоширидим. Ўша захотиёқ Эрии бақирининг ҳуснихати битилган бир сўздан иборат мактубчани менга берди: «Ташаккур». Сал ўтиб, бизни эрталабки текширувга чикаришганда кўз қирим билан Эндининг камерасига назар солдим ва унинг каравоти тепасида осиёлик турган Ритани кўрдим. Энди узоқ уйқусиз турма тунларининг ним коронисида Ритани томоша килиб баҳра олиши мумкин эди. Ҳозир эса куёш нурларида сохибжамолнинг оразига қора чизиклар тушиб турарди. Бу чанг босган дарча панжарасидан тушаётган соя эди.

VIII

Ана энди эса 1950 йил май ойининг ўрталарида, аникрои, Энди «опа-сингиллар» устидан ғалаба қозонганидан сўнг нима бўлганини хикоя килиб бераман. Шундан кейин у бошқа ишга ўтди: кирхонадан кутубхонага жойлаштирилди.

Аллақачон пайқаган бўлсангиз керак, айттаётгандаримниң кўпи мини-миши ва ёлғонишиқдан иборат. Кимдир кўрган ва кимгадир айтган, оғиздан оғизга ўтиб менгача етиб келган, мен эса эшитганларимни сизларга сўйлаб



бермоқдаман. Нима ҳам қила олардим, воқеалар ривожидан бохабар бўлишни истаганингдан кейин турли манбаларга, шу жумладан, текшириб кўрилмаганларига-да ишонишга тўри келади. Шунчаки, ботмон-ботмон ёлғондан зигирча ҳакиқатни кавлаб ола билиш лозим. Балки сизга оддий эр йигитдан кўра афсонавий қаҳрамон сийратининг таърифу тавсифини келтираётгандек туюларман. Биздек узок муддатга авахтага ташланган маҳбуслар учун нафакат Энди ҳакидаги хикояларда, балки унинг шахсиятида ҳам аллакандай афсонавий нимадир, ушлаб бўлмас сехру жодунинг муаттар иси бор эди. Эндининг Богс Даймонддек юҳо билан жанг олиб бориши-ю, кай тарзда янги ишга ўтгани ҳакида сўйлаганларимнинг бари мана шу афсонанинг бир қисмидир... факат бир жиҳати бундан мустасно: сўнгги воқеага шахсан ўзим гувоҳ бўлдим ва волидай муҳтарамманинг номи ила онт ичиб айтаманки, ҳозир сўзлаб берадиган хикоям чин ҳакиқат. Тушунаман, котилнинг қасами катта аҳамиятга эга бўлиши эҳтимолдан анча узок, лекин сиз менга ишонаверинг.

Бу пайтта келиб Энди билан анча-мунча калинлашиб қолгандим. Йигит менга ҳурмат билан қаар, мен билан ошиачилик қилишга иштиёқманд эди. Мен ҳам, аввалбошда айтганимдек, уни қадрлай бошлигандим. Дарвоқе, бир нарсани айтиш ёдимдан кўтарилибди. Рита Хейвортни келтириб берганимдан сўнг орадан беш хафта ўтди, кундалик югур-югурлар билан



овора бўлиб буни унудиб юбордим. Бир кун оқшом маҳали Эрни менга қутича олиб келди.

— Дюфрейндан, — деди-ю, бойиб бўлди.

Кутичанинг ичида нима борлиги ҳақидаги сўрок ичимни ўлгудай қиздира бошлади. Шоша-ниша қутини очдим. Шунда ичидан...

Анчагача кўзимни узолмай ўтирган жойимга михланиб қолдим. Шунчаки караб тўймасдим. Бу тошчалар шу қадар ажабтовур эдики, қўл теккизишга ботинолмасдим. Не бўлган тақдирда хам бу бевафо дунёда, тириклилик кўйида елиб-югуришлардан иборат хаётда, чириган гўнгепада хам кўзни қувнатадиган, ниҳоят даражада гўзал нарсалар учраб туради. Бизнинг фалокатимиз шундаки, ана шу гўзалликни кўрмаймиз, ундан баҳра олмаймиз.

Кутичада қунт билан сайқалланган балиқ сузгичлари шаклидаги иккита кварц булакчалари ётарди. Ора-сира жойлаштирилган металл парчалари пиритлар¹ янглиғ товланар, жило берилган тошчалар киррасида ялт-юлт қиласди. Агар тошчалар жиндай оғир бўлмаганда улардан ажойиб илматугма чиқарди.

Сайр майдонида ётган ифлос тошлардан мўъжиза яратиш учун қанча тер тўкилдийкин?! Аввал уларни тозалайсан, кейин болгачада шакл берасан, ниҳоят тинимсиз сайқаллаб, якуний пардоз берасан. Бу ажойиб тошчаларга тикилиб бани башарга берилган ҳайратни туйдим — инсон кўли билан яратилган нафосат-

¹ Пирит — кўрининишдан олтинга ўхшаш кимматбаҳо металл.



ни күргандагина пайдо бўлувчи бу туйғу мени камдан-кам ҳолларда чулғаб олади. Менимча, мана шу жихат бизни ҳайвоnlардан фарқлаб туради... Албатта, Эндиға таҳсин ўқирдим, унинг ўзига хос қатъийлигига тасанинолар айтардим. Бу сифатларни намоён қилганига ўз кўзларим билан гувоҳ бўлганман. Бу хақда сал кейинроқ сўзлаб бераман.

1950 йилнинг май ойида турма маъмурияти фабрикамиз томини янгилашга карор қилди. Куш учса, қанотини кўйдирар даражадаги саратори бошланмасидан аввал бу ишин имкон қадар тезрок амалга оширган маъқул эди. Кўнгиллиларни саралаб олиш бошланди. Етминштага яқин киши олдинга интилди. Нега десангиз, очик ҳавода ишлаш учун май — тани яйратар ой. Тўққиз-ўн нафар кишининг исми ёзилган қоғозчалар қалпоқдан тортиб олиниди. Шундай бўлдики, улар орасида менинг ва Эндининг исми ҳам бор эди.

Келаси ҳафтада ионунитадан сўнг олдимизда иккита, ортимизда иккита сокчи билан сайр майдонидан ўтдик... айтганча, атрофға тез-тез назар солиб турувчи минорадаги йигитларни унудибман. Яхшиямки, дурбинлари бор-а уларнинг!

Тўрт кини катта нарвонни кўтариб олганди. Нарвонни яссироқ қурилган деворга тиркаб, томга чикдик. Тўла-тўла чўмичда эритилган гудрон¹ куйиб, каттиқ чўткада том юзасига ёя бошладик.

¹ Гудрон — нефть колдигидан иборат кора смолосимон мозда.



Пастда олтита соқчи ўтиради. Улар учун томни бежаш нақ бир хафталик таътилга айланди. Кирхонада кукунга бурканиш ёки ховли супурилаётганда чанг ютиш ўрнига, кисқаси, улар май офтобида қумда юмалаб ётишар ва гап сотишарди.

Улар бизга кўз кири билан қараб қўйишар, негаки, жанубий девор бизга яқин эди. Барibir ҳеч қаёққа қочиб бўлмасди, томдаги одам эса яхшигина нишон бўла олади. Биргина ортиқча ҳаракат бош чаноғингдан дарча очиб қўйиш учун баҳона эди. Шундай қилиб, йигитлар ястаниб ўтиришар, худа-бехудага тиржайишар, ўзларини гўё бутун оламининг хўжайинлари деб хис қилишлари учун уларга муз солинган коктейль етишмасди, холос.

Ўшалардан биттасининг исми шарифи Байрон Хедлей бўлиб, у Шоушенкка мендан анча илгари келганди. Сўнги икки комендантни қўшиб ҳисоблаганда ҳам анча илгари Шоушенкка қадам қўйганди. 1950 йили раҳбарият юкорисида Жорж Дуней деган абллах туради. У янки¹ эди. Дунейни бу лавозимга тайинлаганлардан ташқари ҳамманинг уни кўрарга кўзи, отарга ўки йўқ эди. Эшитишимча, уни факат учта нарса кизиқтирас экан. Биринчиси, китоблар учун статистика, кейинрок ўзининг ҳисобидан буни кичикроқ бир наприётда чоп эттирибди. Иккинчиси, қайсиadir йили аллақандай жамоа бейсбол чемпионатида

¹ Янки – америкаликларнинг лакаби.



бириинчиликни күлга киритибди. Учинчиси, у Майнда ўлим жазоси берилшигига эришибди. Жорж Дуней ўлим жазоси деса, ўзини томдан ташлаб юборадиганлар тоифасидан эди. У турма гаражидаги автохизмат билан боғлиқ алдам-калдам ишларининг миси чиккач, 1953 йили ишдан бўшатилди. У тушумни Байрон Хендлей ва Гред Стэмос билан бўлишарди, лекин Байрон билан Гред сувдан қурук чиқишиди. Аввалги раҳбарнинг кетига келиши-тириб тепишганда, бирор аза очиб ўтирмади, бирорк унинг ўрнига Гред Стэмос ўтирганда, хамма юрагини ховучлади. Бу пакананинг пастки жағи худди бульдогники сингари туртиб чиккан, кўзлари жигарранг, кишига совук бокарди. У қачон карама, заҳарханда илжаяр, ҳожатхонага боргиси келгандай ёки бўлмаса коражигари оғриётгандай афтини буриштиради. Стэмос комендантиликни күлга олганда, Шоушенқда мисли кўрилмаган ваҳшийликлар юз бера бошлади. Гарчи тўлик ишончим комил бўлмаса-да, айтишим мумкинки, сирли тарзда ғойиб бўлган маҳбуслар учун турманинг ғарбий томонида ястаниб ётган ўрмонда олтита гўр қазилди. Улар фаҳмимча, яиги раҳбарнинг каттиқ жаҳлини чиқариниганди. Гапнинг очиғи, аввалги коменданта бирор ой кўрмаган эсада, Гред Стэмос ундан қолиши масди: у золим, подон, кабих бир нусха эди.

У Байрон Хендлей билан бир тешикка чоптиради. Жорж Дуней раҳбар сифатида бу иккенинг қўлида ниёда эди, холос.



Хендлей дароз, оқсаб беўхшов қадам ташлайдиган, малласоч одам эди. Офтобда тез кораяр, бакириб-чақириб гапирав, мабодо чакирганда тез етиб келиб гоз турмасангиз, тўпиончасининг дастаси билан башарагизга ёки коринингизга келишириб тушириб коларди. Ўша куни у томда Мерт Энтивестл деган сокчи билан гаплашиб туради.

Хендлей кутилмаганда яхши мужда эшитди ва серзарда, ичикоралик билан тишининг оқини кўрсатди. Бу факат унгагина хос одат эди. Бу нусхада бирон-бир кишига аталган ширии сўз топилмасди, унингча, бутун дунё унга карни тишини қайраб туради. Бутун Ер курраси ва ундаги яшаб нафас олаётганларнинг бари Хендлейнинг умрини хазон килган ва бундан бутун оламнинг боши кўкка етганди гўё унинг назарида. Умрим давомида кўплаб зобитларни кўрганиман. Улар ўз хаётидан мамнун, баҳтиёр эдилар. Негалигини жуда яхши биламан. Бунинг учун ўзларининг хаёти билан биз маҳбусларнинг ғурбатга тўла, оч-нахорликдаги хаётимизни солиштиришининг ўзи кифоя. Ўша зобитлар бу тафовутни кўриб, ўзларига тегишлича хўлоса чикариб олишганди. Хендлейга ўхшаганлар эса буни кўриш тугул, тушунишини ҳам исташмасди.

Байрон Хендлей учун таққослаш хақида ган-сўз бўлиши мумкин эмасди. У ўзидан ўн қадам нарида бир гурӯҳ маҳбуслар жиққа терга ботиб қайнок гудронли чўмичларда кўлларини қадоқ қилаётганларидан енгил нафас олаётган



бир пайтда — чунки хар кунги иш шуичалик тинканы қуритар даражадаки, маҳбуслар учун том нак жаннатнинг ўзгинаси — кўклам қўёнида тобланиб, бемалол сафсата сотиши мумкин. Сиз балки кўпинча некбин ёки бадбиналигингизни билиш учун бериладиган эски саволни эсларсиз. Байрон Хенделей учун жавоб ҳамиша бир хил: стаканинг ярми бўш. Гап тамом, вассалом. Агар сиз унга бир стакан тотли апельсин шарбатини таклиф қиласангиз, у дарров сирка ичишини айтади. Агар сиз хотининг вафодорлигини алқаб кетсангиз, у бу жодугарга ким ҳам шайдо бўларди, деб жавоб беради.

Хуллас, у Мерт Эндвисл билан баланд овозда валаклашар, биз уларнинг хар бир сўзини эшитиб турардик. Қўёшининг заррин нурларида Байроннинг кенг пешонаси қизара бошлади. Бир қўли билан томни ўраб турган панжарага суюниб олган, бир қўли 38 калибрли револьверининг дастасида.

Биз унинг Мертга айтиб берадётган хикоясини миридан сиригача эшитдик. Гап шунда эдики, Хенделейнинг акаси ўн тўрт йил аввал Техасга қочвorgан экан, ўшандан бери итдан тарқагандан бир эйлиқ хат ҳам келмабди. Оиласидагилар, уни аллақачон бандаликни бажо келтириб бўлган, деган холоса чиқаришган. Лекин бир хафта олдин Остиндан кўниғирок бўлибди, адвокатнинг айтишича, Хенделейнинг акаси қазо килибди-ю, ундан бир дунё бойлик колибди.



— Мени шу нарса ҳайрон қолдирадики, — дерди Хендлей, — акажонимга ўхшаган эшакларга омад кандай кулиб бокаркин-а?! Пуллар марҳум акамга нефть операциясидан оқиб келган, тахминан миллион долларга яқин.

Йўқ, Хендлей миллионер бўлиб қолмади. Эҳтимол, бу нарса уни хурсанд қилгандир, аммо кўпга эмас. Акаси оила аъзоларига каттагина пул, яъни ҳар бирига 36 минг доллардан қолдирибди. Бу ўлгурлар шукур килса бўлмайдими?!

Лекин Байрон Хендлей учун ҳамиша стаканинг ярми бўш. Ярим соат ўтиб у мероснинг ёлиқкина қисмини юлиб олмокчи бўлган лънати хукуматнинг гўрига ғишт қаларди.

— Мана энди янги машинадан қуруқ қоламан. Ҳатто унга пулим етган тақдирда ҳам даҳмазаси тиқилиб ётибди, — нолирди у. — Машинанинг ўзига бир қоп пул тўлаш керак, ремонт билан теххизмат ҳам жуда қимматга тушади, қолаверса, болалар айлантириб келинг, деявериб хикилдоғингга келтиради...

— Болаларинг кан-кatta бўлса, ўзлари минаман, деб ҳоли-жонингга қўймайди, — деди Мерт. Қария Мерт гап нимадалигини жуда яхши биларди. Шундок эса-да, ўзига ҳам, бизга ҳам ёруғ кундай кўриниб турган ҳақикатни тилига чиқармади: «Бу пуллар сенга шунчалик ортиқчалик килаётган экан, оширажон, сени улардан аста-секинлик билан халос этаман. Дўст бўлсанг, ёнимда тур, деганлар, ахир».



— Ха, ха, түғри айтасан, машина миниши үргатиш керак, хайдовчилик гувохномасини олиб бериш керак, э Худо, мен сенга нима ёмонлик қилувдим?! — Байрон ларзага келди. — Кейин йил охирига бориб нима бўлади? Агар тўловларинг жойида бўлмаса, кредитни ошириб юборган бўлсанг, ўз чўнтағингдан тўлашга мажбурлашади ёки бундан ҳам ёмони — сени жуҳудларининг карз олиш-бериш агентлигига жўнатишади. Осмонда бўлсанг, оёғингдан тортишади, ернинг тагида бўлсанг, қулоғингдан чўзишади. Модомики хукумат буромадларингни назорат остига олмоқчи экан, охириги тийининг гача қокиштириб олади. У холда Сэм тоға билан ким уруш олиб боради? Сикиб сувингни ичиб, ахлатга ташлашади сени ва бу нарса улар учун табиий ҳол. Ё Тангри! Энди нима қиласман?

Байрон жимиб қолди. У 35 минг доллар мерросга эга бўлишдек «бахтикаролик» туфайли бопшига тушиши мумкин бўлган кўнгилсизликларни ўйлаб юраги эзиларди. Шу чоғ ундан ўн беш қадам нарида турган Энди Дюфрейн қўлидаги чўткани пакирга ташлаб, тўппа-тўғри Мерт ва Хендлейга яқинлашиди.

Биз ҳаммамиз тахта бўлиб қолдик, сокчилардан бири — Тим Янблуднинг қўли тўшони-часига югурди. Ишлаётганлардан бири шеригиги туртди, иккалови ҳам Эндига ўгирилишиди. Бир зум хаёлимдан Энди пешанасидан ўқ егиси келиб қолибди, деган фикр йилт этиб ўтди. Энди эса Хендлейга караб мулојимлик билан шундай деди:



— Маъзур тутгайсиз, рафиқангизга ишонасизми?

Хендлей меровланиб Эндиға каради. Хендлейниң миясига қон қўйилди, биламанки, бу яхшиликка олиб келмайди. Уч сонияда у тўппончасига ёпишади ва Эндининг корнига яхшигина зарба тушади. Бундай зарба одамни ўлдириб қўйиши хам ҳеч гап әмас, бироқ соқчилар бунгача олиб боришмайди. Шунчаки, нима рўй берганини англай олмай, ерда ағанаб ётасиз.

— Ҳой, тирранча, — деди Хендлей, — чўткангни қўлга олиш учун сенга охирги марта имкон беряшман. Кейин бошинг билан ерга тушиб, чалпагинг чиқади.

Энди унга хотиржамлик ила боқар, кўзлари икки дона муз парчаси каби эди. Гўёки соқчининг таҳдидлари унинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чикиб кетарди. Ҳозир жон-жон деб Эндиға бу ердаги тирик қолиш сирларини уқтиromoқни истардим. Ҳеч қачон соқчиларниң сухбатларини эшитаётганилгингизни билдирамаслигинги керак. Зинхор-базинхор уларниң ишига бурун сукмаслигинги лозим. Үзлари руҳсат этмагунча оғиз очиб «чурк» этмаслигинги, изи берилганда хам улар истагандай жавоб қайтаришингиз даркор. Кора, оқ, сариқ, кизил танлиларниң бу ерда хаммаси бир гўр. Турмада ҳар бир маҳбус негр хисобланади. Бунга кўнишиш лозим, акс ҳолда, Хендлей ва Стэмос кабилар сизни киприк коқкунча ўлган энангизниң ёнига жўнатади. Агар бу ҳакиқатни тан



олмасанғиз, холингизга маймуналар йиелайди. Мана шу оддий ҳақиқатни тан олмаган ва бармоги, күзидан айрилган кишиларни, олатининг бир қисмини йўқотган бир йигитни танийман. Лекин Энди гап уқтиришга кеч бўлганди.

Гарчи Энди хозирнинг ўзидаёқ тилини тийиб, индамай, чўткасини олиб, ишини давом эттирганда ҳам кечга бориб уни ҳаммомда девқомат бирон бир нусха кутиб туради ва шак-шубҳасиз, «гап уқмас»нинг ўттиз иккита тишини қоқиб олиб, қовурғаларини синдиради, камига совук цемент полда ўмбалок ошиб ётишига шароит яратиб беради. Барибир Эндиндан оловга ёғ пуркамасликни илтимос қилмокчи бўлдим, лекин «мик» этмасдан томга гудрон ёйишда давом этдим. Бошқалар сингари ширин жонимни ўйлашим керак. Ахир, қиркта жоним йўқ-ку. Бўйнингни «қирс» этиб синдирувчилар эса атрофда сон мингта.

Мерт ирғиб турди. Хендлей қўзгалди. Тим Янблуд ҳам иссиқ жойини совук қилди. Хендлейнинг афти памилдоридай қизарди.

— Келинг, яхшиси, ўзим баёни қила қолай. Рафиқангизга ишонасизми-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Гап у сизничув тушириб, пулларни чўнтағига урмаслигига ишониш-ишонмаслигинингизда, — деди Энди.

Хендлей ғазабдан бўриқиб қолаёзди.

— Гап шундаки, томдан ерга ўмбалок ошиб тушганингда, нечта суюгинг синар экан. Лазаретда bemalol санаб олаверасан. Қани, Мерт, манави ит тукқаннинг эсини киргизиб қўяйлик.



Биз хеч нарса бўлмагандай ўз ишимиз билан андармон эдик. Офтоб бутун баданимизни жизганак қилиб ташлади. Сокчилар ҳазиллашишмаётган эди. *Кўнгилсиз воқеа: 81433 рақамли маҳбус Энди Дюфрейн қайта таъмирлаш шилари вақтида томдан бехосдан қулаб тушиди.* Ким билиб ўтирибди, дейсиз?!

Улар Эндига яқинлашиши. Мерт ўнгдан, Хендлей чапдан. Энди каршилик кўрсатмади. У Хендлайнинг қип-қизарган, вижум башарасидан нигохини узмасди.

— Агар сиз рафиқангизга ўзингизга ишонгандек ишонсангиз, ҳар бир центингизни саклаб колишингиз мумкин. Натижада, Сэм тога бир тийинсиз қолади, сизнинг кўлинигизга эса накдгина ўттиз беш минг келиб тушади.

Мерт Эндининг тирсагидан олди, Хендлей хўмрайиб тураверди. Бир сонияга ҳаёт тўхтаб қолгандай туюлди — хозир Энди томдан учиб тушади. Кутилмаганда Хендлей тўхтади:

— Шошма, Мерт. Сен ўзи нимани назарда тутяпсан, тирранча?

— Лайтмоқчиманки, хотинингиз изминигизда бўлса, унга барча пулни тутқазишингиз мумкин.

— Одамга ўхшаб гапир.

— IRS¹ рафиқангизга 60 минг долларгача бўлган суммада совға қилишингизга рухсат беради, — тушунтирди Энди.

Хендлей Эндига бақрайиб колди.

— Бўлиши мумкин эмас. Солиқсиз-а?

¹ IRS — (Сички даромад хизмати) АҚШининг солик йизнига масъул агентлиги.



- Ха, солиқ солинмайди.
- Сен буларни қаёқдан биласан?
- У аввал банкир бўлган, Байрон.
Ўйлашимча, у... - деди Тим Янблуд.
- Оғзингни юм, Тимсоҳ, - Хендлей Тимга ўғирилмасдан ўшқирди.

Тим тилини тишлади. Уни соқчилар калин лаблари ва бўртиб чиқкан кўзлари сабаб «Тимсоҳ» деб аташарди.

Хендлей Эндини сиқувга ола бошлади:

- Сен ўша хотинини отиб ташлаган суллоҳ банкирмисан? Нима учун сенга ишонишни керак экан? Сенга кўшилишиб қамоқхона ҳовлисини супуриш учуми? Шунга эришмоқчимисан?

Энди куруқкина қилиб жавоб беришда давом этди:

- Агар сиз молиявий фирибгарликда ушлансангиз, Шоушенкка эмас, федерал ахлоқ тузатиш муассасасига жўнатиласиз, лекин бундай бўлмайди. Солиқ талаб қилинмайдиган совға туфайли нулларингизни сақлаб қолишингиз мумкин. Мен бундай операцияларнинг ўнтаси... йўқ, юзтасини бажарганиман. Кўпинча менга катта меросга эга бўлганлар мурожаат қилишган. Худди сизнинг ҳолатингиздаги каби.

- Менимча, сен мени лақиллатяпсан, - деди Хендлей. Бироқ Энди алдамаётганди. Мен буни яққол кўриб турадим. Унинг юзи ўзгарди, пешонаси тиришди, юзида ўзига хос бўлмаган хисни уқиши мумкин эди - умид.

- Йўқ, алдамаяиман. Очиги, сўзларимни чин деб қабул қилишингиз учун хеч қандай



асос йўқ. Ҳукуқшуносга мурожаат этинг, тамом, вассалом.

— Бунинг турган-битгани расмий талончиликку! Ҳукуқшуносларингнинг бари охирги тийинингтacha кокишириб олувчи қароқчилар, ҳаромзодалар! — хириллади Хендлей.

Энди кифтини учирди.

— IRSга боринг. У ерда сизга бепул маслаҳат беришади. Сиз хақсиз, менга қулоқ бериб ўтиришингизнинг хожати йўқ. Буларни ўзингиз билиб олаверасиз.

— Хе, онангни... Сендек хотинини ўлдирган тирраки банкир менга кўрсатма бериши қолувди ўзи.

— Ҳадяномани расмийлаштириш учун ҳукуқшунос ёки банкирнинг кўмаги керак ва бу анча қимматга тушади. Ёки... агар бу нарсалар сизни кизиктираётган бўлса, мен ўзим ҳаммасини сизга деярли текинга килиб бераман. Бунинг эвазига ҳамкасларимнинг хар бирига уч шишадан пиво сўрайман, холос, — у қўли билан бизни кўрсатди.

— Ҳамкасларимга?! — Мерт тиззасига шапатилаб хохолаб юборди. Бу Мерт деганлари камдан-кам учрайдиган разиллардан эди. Кейинчалик, менимча, у худобехабар бирон овлок ерда саратондан ўлган бўлса керак. — Ҳамкасларим! Ганингга жа тўн кийдирвординг-ку! Сен айтмоқчисанки...

— Жим бўл, аглаҳ, — ўшқирди Хендлей. Мертнинг гани оғзида колди.

Хендлей тагин Эндиға ўғирилди.



— Нима деяётгандинг?

— Күмагим учун мен билан ишлаётгандарнинг хар бирига бор-йўғи уч шишадан пиво сўрамоқчиман, дедим, агар буни тўлов деб хисоблаш мумкин бўлса. Фикри ожизимча, киши жазирама кунда бир-икки шиша муздек пиво ичиб олса, ўзини янада қўпроқ одам хисоблайди. Ўйлайманки, қолганлар ҳам фикримга қўшилишади ва сиздан миннатдор бўлишади.

Мен ўша куни томда ишлаган Рени Мартин, Логон Пьер, Пауль Бонсайнт ва бошқа йигитлар билан фикр алмашдим. Шуни пайқадимки, биз ҳаммамиз бир нарсани кўрдик, аникроғи, сездик. Туйқус устунлик Энди тарафга ўтганди. Хендлейнинг қўлида резина таёқ, тўшонча бор эди, ёнида Блек Стэмос ва бутун қамоқхона маъмурияти, буларнинг ортида эса ҳамиша хозири нозир давлат машинасининг қудрати турарди, аммо бирдан буларнинг барчаси йўқка чиқди. 1938 йили ортимдан тўрт зобит турма дарвозасини ёпиб, тўрт деворга қамалганимда бўлгани каби юрагим хар қачонгидан кўра тезроқ дукурлай кетди.

Энди сокчига совук, хотиржам нигоҳи билан боқиб туарди. Билардикки, гап 35 минг доллар устида кетмаянти. Мен бу вазиятни қайта-қайта миямда айлантириб-айлантириб, доим бир тўхтамга келаман. Энди ўзининг совук нигоҳи билан сокчиларни енганди. Дарҳакиқат, Хендлей ҳар бир дақиқада имо киласа бўлгани, шериклари ўша захоти Эндини томдан ташлаб юборишарди. Кейин эса Хенд-



лей Эндининг маслаҳатлари бўйича иш тутиши мумкин эди.

Буни амалга оширмаслик учун хеч қанақангি сабаб йўқ эди, лекин бу содир бўлмади.

— Агар хохласам, ҳаммага бир жуфтдан шиша тарқатишм мумкин, — дея жавоб қайтарди Хендлей.

— Бир шинча пиводан кейни одам яхшироқ ишлайди.

Ўлай агар, Хендлей савоб иш килишга кодирдек туюлди.

— Мен сизга хеч кимдан олиш мумкин бўлмаган бир маслаҳат бераман, — давом этди сўзида Энди Хендлейниң кўзига тик боқканча. — Бу операцияга сиз рафиқангизга юз фоиз ишонсангизгина қўл уриш лозим. Агар у сизга фириб беришига бир фоиз бўлса хам имкон бор экан, бопка чорасини кўришимиз мумкин...

— Менга фириб беради?! — кўрслик билан деди Хендлей. — Менга-я?! Кечириб қўясиз, жаноб, бунинг иложи йўқ. Менинг ижозатимиз у ҳатто ел чикаришга журъат килолмайди.

Мерт ва Яиблуд хиринглашди. Энди ҳатто мийигида бўлса-да, кулимсираб қўймади.

— Мен хозир қандай хужжатлар кераклигини ёзиб бераман, — деди Энди, — бланкларни почтадан оласиз. Мен уларни тўғрилаб ёзиб тўлдириб бераман, сиз эса имзо чекасиз.

Эндининг оғиздан чиқкан бу гаплари аниқтаник ва жиддий эшитилди. Хендлей ҳам жиддий тус олиб, қаддини ростлади. Кейин бизга қараб бақира кетди:



— Сенлар нега бақраясанлар, текинтомоқлар?
Тез-тез қимирланглар, иблистеги йўлиkkурлар!

Сўнг яна Эндида ўгирилди:

— Сен эса, банкир, икки қулоғингта ҳам
қўйиб ол. Агар мени алдамоқчи бўлсанг, те-
рингта сомон тиқаман. Мабодо тузламоқчи
бўлган тақдирингда ҳам каллангни санчадай
узиб, кетингта тикиб қўйишларини тушунасан,
деган умиддаман.

— Тушундим, — деди Энди мулоийимгина.

IX

Шундай килиб, 1950 йили фабрика томини
ёпаётган махбуслар бригадаси жамулжам бўлиб
ишининг иккинчи куни якунида кўклам офто-
бига тобланганча қўлларимизда пиво шишиаси
билан маза қилиб ўтирадик. Бизни Шоушенк-
нинг энг қаҳри қаттиқ сокчиси сийлаётганди.
Гарчи пиво илиб қолган бўлса-да, ҳаётимда
ҳали бундай мазали таъмни сезмагандим. Биз
шошмасдан қултумлаб шишиани майдалардик,
куёш нурлари баданимизни эркалаб сийпа-
лар, худди маймуиларнинг ичишини томоша
килаётгандек тасаввур уйғотувчи Хендлейнинг
жирканч ва ҳайрат аралаш турқи ҳеч кимнинг
таъбини тиррик қила олмасди. Бу йигирма
дақика давом этди ва биз йигирма дақика да-
вомида ўзимизни озод кишидек ҳис қилдик.
Гўёки ўз уйингнинг томини таъмирлаяпсан-у,
чарчаб колсанг, истаган вақтингда дам олиб,
пиводан хўплайсан.



Биргина Энди ичмасди. Унинг алкоголга оид одатларини юқорида айтиб ўтдим. У сояда қўлларини тиззалари орасига олиб, бизга мамнунлик билан қараб ўтиради. Ажабо, уни шу холатида эсда сақлаб қолганлар қанча эди-я, ўша куни томда Энди Дюфрейннинг қўли Байрои Хенделейнидан баланд келганда қанча одам бор эди-я! Мен, тўққиз-ўн киши эдик, деб ўйлагандим, лекин 1955 йилга келиб сафимиз икки юз кишидан кам эмасди...

Алкисса, сиз мавжуд одам хақида баён килиб беряпманми ёхуд қум зарраси бора-бора дурга эврилгани сингари унинг сиймоси ўсиб бориши хақида афсона тўқияпманми, шунга тўғридан тўғри жавоб олмокчисиз, аммо мен аниқ жавоб беролмайман. Униси хам, буниси хам тўғрига ўҳшайди, афтидан. Камоли ишонч ила шуни айтишим мумкини, Энди Дюфрейн камина ёки Шоушенкиннинг бошка маҳбусларига сира ўҳшамасди. У бу ерга беш юз доллар олиб кирганди, лекин бу устаси фаранг йигит турма дарвозаларидан ичкарига хийла кудратлироқ алланимани олиб киришининг йўлини қилганди. Эҳтимол, бу унинг инсонийлик қадр-кимматидир ёки ўзининг бу ердагилардан устун эканлигига бўлган ишончи, деймизми... ёки бўлмаса, Раббининг назаридан четда қолгани тош деворларда хам уни тарқ этмаган озодлик хиссидир. Эндидан нур таралаётгандек туюларди. Ёдимда, у бу нурдан бир маротабагина маҳрум бўлди ва бу хам хикоямнинг бир кисми бўлади.



X

Айтганимдек, 1950 йилдан Энди «опа-сингиллар» билан курашниши бас қилди. Унинг ортида Стэмос ва Хендлей таянч бўлиб турарди. Агар Энди иккаласидан бирининг ёки Стэмос кўрсатма берган бирон сокчининг ёнига келиб шиншиса, бас, ўша куни тунда Шоушенқдаги барча «опа-сингиллар» инкиллаб-силиклаб ётишарди. «Опа-сингиллар» қўлларини ювишиб, қўлтикларига артишди. Устига-устак, юкорида қайд этиб ўтганимдек, атрофда ўн саккиз яшарли хушрўй ва ўзини химоя қилолмайдиган автомобиль ўғрилари, майда чўнтаккесарлар, боскинчилар тўлиб ётарди. Энди эса ўшанда томда юз берган воқеадан сўнг бу валвадан холи бўлди.

У энди Бруке Хетлен деган зуваласи пишик чол раҳбарлиги остидаги кутубхонада ишлай бошлиди. Хетленинг йигирманчи йиллар сўнгидан бери бу лавозимдалигининг боиси — у олий маълумотли эди. Ростини айтсан, унинг мутахассислиги чорвачилик билан боғлиқ эди, лекин Шоушенқдек қамоқхонада олий маълумотли киши жуда камёб хисобланади.

Кимор ўйинида хотини ва қизини ютказиб, кейин аламига чидолмай, уларни бўғизлаб қўйган Брукс 1952 йили озодликка чиқди. Ушанда президент — Кулиж эди. Одатдагидек, ҳукумат Брукс учун жамиятга қўшилишининг сира имкони қолмагандагина мурувват кўрсатиб, уни озодликка чиқарди. Хетлен олтмиш саккиз



ёшни уриб кўйган, бод касаллигини орттириб олганди. Турма дарвозаларидан тўзғиб кетган пиджагининг бир чўнтағида озод этилганилигини тасдиқловчи хужжат, иккинчисида эса Грэйхундгача автобус чиптаси билан чиққанида, юм-юм йигларди. Ўн бешинчи аср саёҳатчилари учун денизлар ортида ётган ерлар қанчалик бегона бўлса, Брукс ҳам ўзи учун шунчалик ёт бўлган дунёга қараб кетарди. Бруксга Шоушенк — ўз уйи, ўлан тўшаги бўлиб қолганди. Бу ерда у озми-кўпми хурмат-эътиборга лойик кутубхоначи, мўътабар киши, ўқимишли инсон эди. Гарчи Киттери кутубхонасига боргандা ҳам, Брукста ҳатто картотекани-да ишониб топширишмасди. Эшитишимча, бояқиши 1953 йили қариялар уйида бандаликни бажо келтирибди. У мен тахмин қилганимдан кўра ярим йил ортикроқ дош берибди. Ҳа, ҳукумат бу одамни калака қилди. Даставвал уни бандиликка ўргатди, сўнгра эвазига хеч вако бермай, турма деворлари ортига улоқтирди.

Хетлен кетганидан сўнг Энди 23 йил кутубхоначилик қилди. У кутубхонада барча шарт-шароит яратилиши учун тиш-тириоғи билан курашди. Бир замонлар бўёқчилик хонаси бўлгани сабаб скипидар¹ хиди анқиб турувчи, «Ридер Дайжест» ва жўрофий хариталарга тўла иккита ғарифона шкафдан иборат торхона Янги Англиядаги энг яхши қамоқхона

¹ Скипидар — ўткир хидли суюқ модда.



кутубхонасига айланганини ўз қўзим билан кўрдим. Энди бунга сабр-бардош билан эришди. Эшикка таклифлар учун қути илиб қўйди ва «Илтимос, қовушиш ҳақида қўпроқ китоб берсангиз» ёки «Йигирма бешта маърузадан иборат қочиш санъати» каби хатчаларга кўз юмиб қўя колди. Энди маҳбуслар қандай фанларга қизиқини билиб борди, кейин эса Нью-Йорк клубларига илтимосномалар жўнатиб турди ва ўшалардан иккитасининг, яъни «Адабий кенгаш» ва «Ойнинг энг яхши китоби»нинг имкон даражасида паст нархда сара нашрларидан етказиб бернишига эришди. У маҳбусларнинг ахборотга ўчлигини аниклади ва ҳатто тор доирадаги мутахассисликка, айтайлик, ёғоч ўймакорлиги, жонглёрлик ёки фолчиликка оид адабиётларни бўлса-да, тона оларди. Албатта, машҳур Стенлей Гарднер ва Луи Амурларнинг китобларини ҳам унутмасди. Китоб токчаларига юмшок муковали китобларни қўйиб, улар қандай ҳолатда қайтарилаётганини синчилаб текшириди, бироқ бари бир китоблар титилиб кетар, бунга ҳеч қандай чора кўриб бўлмасди.

1954 йилнинг августидан бошлиб у Сенатга талабномалар юбора бошлади. Ўнанда қамоқхона коменданти Стэмос эди. Бу одам Эндининг фавқулодда иқтидорли эканига тан берган ва у билан кутубхонада тоғдан-боғдан соатлаб гаплашиб ўтиради. У Энди билан илик муносабатда бўларди. Гред ҳатто унинг елкасига қоқиб қўярди.



Кунлардан бир куни Стэмос гарчи Энди банкир бўлса ҳам омон-омон замонлар ўтмишда қолганини, тақдирга тан бериб, турма хаётига қўникиш кераклигини тушунтира бошила-ди. Бизнинг алғов-далғов замонамизда солик тўловчиларнинг турма ва колония таъминотига бориб тушувчи шуллари учун фақат уттагина сарф-харажат банди бор, холос. Биринчиси — баландроқ тош деворлар қуриш, иккинчиси — мустаҳкамрок панжаралар ўриятиш ҳамда учинчиси — кўироқ сокчилар ёллаш. Сенат-нинг фикрича, сўзида давом этди Стэмос, Шо-ушеник, Томэстен, Пицфильддаги одамлар — тубан кетган одамлардир. Шундай экан, улар муҳтоҗликда яшашга маҳкумдирлар. Худо урсин, маҳбуслар учун ёруғ кун йўқ. Би-рор нарсани ўзгартириш учун сенинг хохин-истакларнинг камлик қиласи.

Энди билинар-билинимас кулиб, Стэмосдан миллион йил давомида тошга сув томчилайверса, нима бўлишини сўради. Стэмос мийигида кулиб, Эндининг елкасига шапатилаб қўйди:

— Ҳисобингда миллион йил йўқ, отахон, лекин агар шуича яшаган тақдирингда ҳам, ишончим комилки, зерикканингдан юлдуз санаган бўлардинг. Мактуб ёзиша давом эт. Агар маркага пул тўласанг, ўзим уларни почта қутисига олиб бориб ташлайман.

Энди мактуб йўллашни канда қилмади. Ҳай-товур Стэмос ва Хендлейга унинг меҳнатлари самарасини кўриш насиб этмади. 1960 йилгача кутубхона фонди учун жўнатилган талабнома-



лар мунтазам равишда қурук қайтарилаверди, кейин Энди икки юз долларга чек олди. Сенат чекни илтимос қилувчининг нихоят овози ўчар деган умидда жўнатганди, лекин қаёқда дейсиз! Энди босимни қучайтирди: хафтасига битта хат ўрнига иккита жўната бошлади. 1962 йили тўрт юз доллар олган бўлса, олтмишиничи йилларнинг сўнгига бориб ҳар йили кутубхона хисобига соат механизми сингари етти юз доллар келиб тушаверди. 1971 йили сумма минг долларгача кўтарилиди. Кичикрок шаҳарчанинг ўртамиёна кутубхонаси оладиган субсидия¹ билан тақкосланадиган бўлса, бу кўп эмас, бирок минг долларга Перри Мейсон асарлари ёки Жек Логайнинг вестериларини хоҳлаганча сотиб олиш мумкин. Бу вақтга келиб уч хонага кенгайған кутубхонага кириб, истаган китобингизни тошишингиз мумкин эди. Тополмаган тақдирингизда, ишонаверингки, Энди ўша китобини тошишингизга кўмаклашарди.

Сиз буларнинг барчаси Энди Байрон Хендлейга меросини қандай қилиб саклаб колиш ўюлини ўргатгани туфайли бўлдими, деб сўрашингиз турган гап. Тўғри, лекин фақат бугина сабаб бўлмади. Кейин нима бўлганини эшишиб, ўзингиз хulosа чиқариб олаверинг.

Айтиш мумкини, Шоушенкда савобталаб молия сехргари пайдо бўлганди. 1950 йилининг ёзида Энди фарзандларининг олий маълумотли бўлишлари учун икки сокчига қарз олишида

¹ Субсидия — ёрдам тариқасида бериладиган маблаг.



хужжатларини расмийлаштиришга ёрдам берди. У яна икки кишига акциялар билан боғлиқ таваккал ишини қай тарзда ҳал этишини маслаҳат берди. Иш шунчалик муваффақиятли якунландыки, ҳатто улардан бирининг ишлари юришиб кетиб, икки йилдан сўнг нафакага чикди. Ишончим комилки, Жорж Дунейнинг ўзи сармоя масаласида Эндидан маслаҳат оларди. Бу бобойни ишдан ҳайдашдан илгариrok, статистика бўйича китоби келтирадиган миллионлар ҳакида ширин ўй суриб ётган паллада рўй берди. 1951 йил апрелдан Шоушенк маъмуриятининг нақ ярмининг молиявий ҳисоб-китобларини Энди олиб бораради. 1952 йилдан бутун маъмуриятни ўз қулига олди. Унга турмада олтиндан қиммат бўлган ҳомийлик ва яхши муносабат билан ҳақ тўлашарди. Кейинрок, Гред Стэмос комендантлик курсисига ўтирганидан сўнг Энди каттарок иуфузга эга бўлди. Агар мен шундай ишлар бўлиб кетишига сабаб бўлган ҳолатларни тушунишига харакат килсан, қийин вазиятда коламан. Баъзи бир нарсалар ҳакида факат тахмин қилиш мумкин. Аммо бошқаларини аниқ-таниқ биламан. Масалан, баъзи маҳбуслар алоҳида имтиёзларга эга: камерасида радио янграб туради, қариндош-уруғлари тез-тез келиб туришади ва турма деворлари ортида уларниң «фаришта»лари бор. Турмада якин кишиси ўтирган ўзига тўқ ҳомийларни шундай атаймиз. Агар кимдир шанба кунги ишдан холос этилса, билингки, бу ерда «фаришта»нинг қўли бор. Ҳаммаси зиддан, одатий йўл билан амалга



оширилади. Хизмат ҳаки маъмуриятнинг бирорта ўртамиёна бўғинига берилади, у эса даромадни хизмат ногонасига қараб юкоридагилар ва қўйидагиларга тақсимлайди.

Бундан ташқари, Дунейнинг комендантилигига автохизмат доирасидаги фирибгарликлар гуллаб-яшнади. Бирмунча фурсат ими-жими-даги бу ишлар яширинча олиб борилди, ке йин эса эллигинчи йилларда кенг қулоч ёйди. Шубҳасиз, бу ишда бойлик ортирганилар ўлон тарикасида маъмурият раҳбарларига ўз улушларидан бериб туришарди. Асбоб-ускуналар кирхона ва фабрикада сотиб олиниб, компания учун бу тўғри йўл эди, деб ўйлайман.

Олтмишинчи йилларнинг сўнгига ёппасига «ғилдираклар»га қизиқиш бошланди, ўша-ўша маъмурий шахслар наркотик моддалар савдо-сига бошлари билан шўнгигиб кетишди ва бундан мўмайгина даромад топишарди. Албатта, гап Аттика ёки Санкветин турмаларидағи каби ноқонуний йўл билан топиладиган бир кучок миллионлар устида кетмаяпти, лекин танга-чака ҳам эмасди бу пуллар. Бундай йўл билан топилган пулларнинг турган-битгани бошоғриқ эди. Уларни ҳамёнингизга солиш, жиғилдонингизга урган тақдирингизда ҳам кейинроқ янги мерседес мингингиз ёки коттежингиз ҳовлисида ҳовуз қургингиз келганда, ҳаром йўл билан топилган бижум пулларни ўша ҳамёнингиздан чиқармаслигингиз керак. Кун келиб тегишли жойда даромад манбаингизни кўрсатиб беришингизга, мабодо кўрсатмаларнинг етарлича



ишинарли чикмаса, илгари ўзингиз назорат қилган маҳбусларнинг сафини тўлдиришингизга хамда елкангизда ракам ёзилган «либос»да турма ховлисида сайр килиб юришингизга түри келади.

Мана шунинг учун Энди деганлари керак бўлиб қолганди. Улар Эндини кирхонадан олиб чиқиб, кутубхонага жойлаштириши, лекин агар бу ҳолатга бошқа тарафдан қаралса, моҳият ўзгармаганди. Шунчаки, Энди эндиликда кир кўйлакларни эмас, ифлос пулларни юварди.

Бир куни Энди менга содир бўлаётган нарсаларни жуда яхши тушуниб турганини, аммо қилаётган ишлари ўзини зигирча-да изтиробга солмаётганини айтди. Энди жалб қилинган фирибгарликлар у иштирок этадими-йўқми, бари бир давом этаверарди, нима фарки бор... Бирор ундан Шоушенка тушиши учун рухсат сўраб ўтиргани йўқ, у миссионер ёки хаворий эмас, бор-йўғи бу лаънат теккан турмадаги катта омадсизликка дучор бўлмиш бегуноҳ одам.

— Устига устак, Ред, — давом этди сўзида Энди ўзининг нимтабассуми ила, — бу ерда қилаётган ишларим озодликда тараллабедод юрганимдаги ишларимдан сира фарқ қилмайди. Шоушенқда ҳузуримга ёрдам учун думини ликиллатиб келувчиларнинг аксари нодон ва жоҳил газандалардир. Атрофимизни ўраб турган манави девор ортидаги дунёни бошқарувчилар ҳам жоҳил ва газандалар, аммо биз ўйлаганчалик ахмок эмаслар, лекин акл жиҳатидан сен билан мендан бир калла баланд ҳам эмаслар.



— Бирок «ғилдираклар», — эътиroz билдиридим, — мени хавотирга соляпти. Бировнинг ишига бурнимни тиққим келмаяти-ку-я, лекин кўнглим ғаш. Транквилизаторлар¹, корректорлар ва бошқа бемаъни нарсалар жонимга тегиб кетди.

— Мен ҳам «ғилдираклар» тарафдори эмасман. Ўзинг биласан-ку. Колаверса, спиртли ичимликларни кўрсам ҳам кўнглим айнийди... Шуни билиб қўйки, бу исқотиларни турмада олиб ҳам юрмайман, сотмайман ҳам. Бу ишига сокчилар муккасидан кетган.

— Лекин...

— Нима демокчилингни билиб турибман. Бу ишлардан бош тортувчи одамлар ҳам бор, Ред. Улар қўлларини будагиси келмайди. Буни олижаноблик дейиниҳади ва опиоқ кабутар елканга ўтириб, кўйлагингни нажаслади. Лекин қалаванинг иккинчи учи бор: баъзи бир «азаматлар» қайси жабха бўлишидан катъий назар, қурол-яроғми, наркотик моддаларми, фарки йўқ, доллар келтирса бўлгани, балчикка тушишга ва нажастга булғанишга шай туришади. Сенга ҳам шунга ўхшаш шартномаларни таклиф килишгандир, ахир?

Мен бош ирағдим. Узок йиллар давомида бундай ҳолатлар бирор марта юз бермаганди. Одамлар сиз хамма нарсани мухайё қила оладиган абжир эканлигингизни кўришади, агар уларга радио батарейкаси ёки наша тикилган

¹ Транквилизаторлар — асабии тинчлантирувчи дорилар.



сигаретани топиб беролсангиз, сизни битта-яримтанинг биқинига тиқиши учун шұлат перо келтириб бероладиган йүгіт, деб холоса чикаришади.

— Ха, сендан айнан шуны кутишади, Ред. Лекин сен бунга құл урмайсан. Чунки биласанки, учинчи йүл хам бор, үша йүлни сен ва менга үхшаганлар танлайды. Дангалини айтғанда, жамиятдаги фахм-фаросатли кишилар шу йүлни танлайдилар. Бир чеккада мувозанатни сақлашға харакат қиласан, иккі оғатдан кичикроғини танлайсан ва сих хам, кабоб хам қўймаслигига эътибор берасан. Қанчалик тинч ухлашинг, даҳшатли тушлар кўрмаслигингни хисобга олсак, бунинг уддасидан чиқаётганлигингни бемалол кўкрак кериб айтсанг бўлаверади. Балчиққа корилган холда эзгу ниятларни дилга туғиб, харакат қилиш мумкин.

— Эзгу ниятлар? — «пик» этиб кулиб юбордим. — Бунака фалсафаларни әшитавериб, кулокларимиз битиб кетган. Айтишларича, үша «эзгу ниятлар» билан тўппа-тўғри дўзахга йўл олиш мумкин экан.

— Бу гапларга ишонма, — дея жавоб қайтарди Энди маъюсланиб. — Биз аллақачон дўзахдамиз. Агар бу дунёда дўзах бўлса, у айнан Шошенкда. Улар наркотик савдоси билан шуғулланишади, мен эса уларга пулларни қандай қилиб ўзлаштириш йўлларини ўргатаман, шу билан олам гулистон. Бирок мен кутубхонага хам эгалик қиласман ва аник биламанки, беш-үн нафар йигитлар мендаги адабиётларни ўқиб, уқиб, кейин илм олишда давом этишади.



Улар озодликка чиққанларидан сўнг бу бевафо дунёда изсиз кетмайдилар. 1957 йили кутубхона учун иккинчи хонани сўраганимда, улар «ғинг» демай, илтимосимни бажо келтиришди. Нега десанг, маъмуриятдагилар мени мамнун ҳолда кўрганлари афзалроқ. Бунинг учун кўп нарса талаб қилмайман ва бундан хурсандман.

XI

Эллигинчи йилларда камоқхона ахолиси аста-секин ўсиб борди, кейин олтмишинчи йилларда бирдан кўпайиб кетди. Бу вактга келиб Америкадаги ҳар бир мактаб ўқувчиси наркотик моддалардан тотиб кўришга орзуманд бўлар, исқотиларни истеъмол қилганларидан сўнг кулгинни қистатар даражадаги жазолардан сира қўркишмасди. Ҳа, турма лик тўла, аммо шунда ҳам Эндининг камерадоши йўқ эди. Тўғри, бирмунча фурсатга баҳайбат ва ичимдагини топ хилидагилардан бўлмиш Норманден исмли хиндуни унинг камерасига кўчириб ўтишди. Нормандени Шоушенқдаги барча ҳиндулар каби Сардор деб аташарди. Кўпчилик узоқ муддатга тушган махбусларни Энди эси паст деб хисоблар ва бунга қулимсираб қўя коларди. У оч қорним, тинч қулоғим мақолига риоя қилиб яшарди... Унинг ўзи айтганидек, раҳбарият Эндини мамнуни ҳолда кўргани афзалроқ эди.

Камоқхонада вакт имиллаётгандек туюлади, тохида ҳатто тўхтаб қолгандек бўлади.



Аслида вакт кутиб турмайди... Жорж Дуней рўзномачиларнинг «Шармандалик!», «Пораҳурлик!», «Фавқулодда ходиса!» сингари шовшуви остида саҳнани тарк этди. «Тахт»га Стэмос ўтириди ва кейинги олти йил Шоушенк нак дўзахга айланди. Лазаретдаги каравотлар ва карцерлар сира бўш қолмади.

1957 йилнинг «ажойиб» кунларидан биринча камерамда ўзим саклаб юрган, соқол олиш учун ишлатиладиган кўзгучага назар ташладим ва кирк ёшли эркакни кўрдим. 1938 йили бу ерга хурпайгаи малласоч йигит кириб келганди, у худкушликини ўйлайвериб, виждан азобидан ич-этини еганди. Йигитча улгайди. Малла саватсочларга киров тушиб, оз-оздан сийраклаша борди. Кўзлари атрофида ажинлар пайдо бўлди. Бугун ўзини качон озодликка чикаришларини кутаётган шарти кетиб, парти колган чолни кўриб турибман. Қанийди озодликка чикаришса! Даҳшатга тушдим. Хеч ким тутқинликда кексайинши истамайди.

Стэмос 1959 йили кетди. Бунгача атрофда дув-дув воқеаларни хидидан топиб борадиган журналистлар ғужрон ўйнарди, ҳатто биттаси Шоушенкда махбус сифатида тўрт ой ўтириб чиқди. Нафси ламбирини айтганда, улар «Шармандалик!», «Кўлга тушган пораҳур!» дея оғиз жуфтлашга шай туришарди, бирок Стэмос тепасида кора булувлар тўпланишидан аввал жуфтакни ростлаб қолди. Мен уни жуда яхши тушунаман. Башарти у хақиқатан ҳам кўлга тушиб, барча ифлос ишлари фони қилинганда



эди, Шоушенқда коларди. Буига кимнинг кўзи учиб турибди, дейсиз?! Байрон Хендлей икки йил аввал қуённинг расмини чизди. Бу золимнинг юраги касал эди, бутун Шоушенкнинг баҳтига у истеъфога чиқди.

Эндини Стэмоснинг фирибгарликлариға алоқадор, деб ўтиришимади. 1959 йилнинг бошида қамоқхонада янги комендант, унинг янги ёрдамчиси ва соқчиларнинг янги бошлиғи пайдо бўлди. Кейинги саккиз ой ичида Энди бошқа махбуслардан фарқ қилмади. Айнан шу даврда унга Нормандени камерадош қилиб беришди. Сўнг яна ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Норманден бошқа камерага кўчди ва Энди тағин ёлғизлик оромида ҳузурланиб кун санай бошлади. Маъмурият эшигидаги исмлар ўзгараверади, лекин қинғир ишлар ўша-ўша ўз зайдида давом эта-веради.

Бир сафар Норманден билан Энди хақида фикрлашдим.

— Дилкаш йигит экан, — деди хинду. Норманденинг оғзидан биттагина сўз олиш игна билан қудук қазишдай гап: бояқишининг лаби тирик, устига устак, гапиргандага сўзлар тупук аралаш қалтирок ва винилдок овоз билан чиқади, шу сабабли бирор бир сўзини англашнинг ўзи кони машаққат. — У менга ёқди. Сира қалака қилмайди, аммо у билан бирга туришимни истамади. «Хўп», дедим. Камерасида вўриллаган елвизак изгиб юради. Нуқул совўқ. У буюмларига тегинишга ҳеч кимни қўймайди. Мен кетдим. Ажойиб йигит,



на таҳқирлайди, на мазах қилади. Лекин елвизак жуда ёмон.

XII

Агар хотирам панд бермаса, Рита Хейворт Эндининг камерасида 1955 йилгача осиғлиқ турди. Кейин унинг ўрнини Мерлин Монро эгаллади. Бу ҳудди ўша сурат — миллионлар қалбини эгаллаган сохибжамол метро ёнида турибди, иессик шаббода унинг юбкасини хилпиратмоқда. Монро 1960 йилгача ушлаб турилди, сўнг едирилиб титиги чиқиб кетгач, унинг ўрнига Жейн Менсфилд илинди. Қўполлиғим учун узрку-я, аммо Жейн фар эди. Чамаси бир йил ўтиб, уни инглиз актрисасига алиштиришди, адашмасам, Хейзл Курт эди, бироқ буни камоли ишонч билан тасдиқлолмайман. 1966 йили Энди Реквель Велчини деворга қадади. Бу сурат олти йил турди. Эсимда колган охирги сурат — кантри-рок услубида кўшиқлар куйловчи Линда Ронстат.

Бир куни Эндидан ушбу суратлар унинг учун нимани англатишни сўрадим. У эса кўзи кири билан ғалати қараш қилди.

— Улар бошқа маҳбусларга нимани англатса, мен учун хам шундай аҳамиятга эга, — дея жавоб қилди Энди. — Озодлик. Тушуняпсанми, бу оғатижон аёлларга бокиб сурат ичига қадам ташлаб, гўёки эркинликда пайдо бўлиб коладигандек хисни туясан. Менга ҳаммасидан кўпроқ Реквель Велч ёқади, негаки, у хушҳаво сохилда туради. Кишини маҳлиё қиладиган ман-



зара, эслайсанми? Табиат ила якка-ёлгиз қолини мумкин бўлган Мехиконинг теварагида жойлашган тинч, дилкушо маскан. Суратларга нигоҳ ташлаганингда, наҳот бу хисларда жўнимаган бўлсанг, Ред? Бир одим ташлаб, сирли маконга тушиб қоладигандек сезмаганмисан ўзингни?

Бу хақда сира-сира ўйлаб кўрмаганимни тан олдим.

— Кун келиб нимани назарда тутаётганимни билиб оласан, — деди Энди ўйчанлик билан. У хақ эди.

Йиллар ўтиб унинг нима демокчилигини тушундим. Ўшанда биринчи галда хаёлимга келгани — Норманден Эндининг камерасида изғувчи елвизақдан иолигани бўлди.

XIII

1963 йили мартнинг охири ёки апрелнинг бошида Энди хунук воқеага дучор бўлди. Эслатиб ўтганимдек, бу одамнинг бошқа маҳбуслардан, жумладан, мендан ҳам фарқли равишда қандайдир хусусияти бор эди. Буни оғир-вазминлик, ички хотиржамлик ёхуд бир кун келиб барча даҳнатлар, шак-шубҳасиз, тақа-тақ тамом бўлишига умид боғлаш деб аташ мумкин. Буни қандай номласангиз номланг-у, аммо Энди Дюфрейн биздан кескин фарқ киласарди. Бошқаларнинг юрак-бағрини эзувчи тушқунликдан холи эди Дюфрейн ва ҳеч качон умидини сўндирамасди. Ҳа, у 1963 йилнинг кини қилич яланбоҷлаб келгунча умидсиз-



ликка тушилди. Бу вактга келиб янги коменданктайинланди — Самуэль Нортон. Ҳеч ким бу одамнинг қулганини кўрмаган. У Элиста номидаги баптистлар черковининг ўттиз йиллик аъзолиги учун берилган фахрий ишонини тақиб юради. Унинг қамоқхона маъмурияти раҳбари сифатида янги киритган тартибкоидаси — хар бир маҳбуснинг қўлида Инжил бўлиши шарт эди. Унинг столида тик¹ ёроидан ясалган таҳтачага зарҳал ҳарфлар билан битилмиш ушбу ёзув бор эди: «Исо — менинг ҳалоскорим». Деворда хотинининг қўли билан тўқилган қуйидаги шиор осиёлик туарди: «Унинг келажаги довул қоқмоқда». Ушбу оятни кўрганимиздаёқ этимиш жимиirlаб кетарди. Бизда шундай хис пайдо бўлардики, худди киёмат койим бошланди-ю, бенажот қоладигандекмиз ва кўкка фарёд кўтариб, ўзимизга ўлим сўраймиз, лекин ажал биздан юз ўгиради. Жаноб Нортон учун ҳар бир воқеа-ходиса Инжил билан боғлиқ ва ундан иктибос топиларди. Мабодо Нортонга ўхшайдиган битта-яримтасини учратиб қолсангиз, сизга маслаҳатим — уни минг чакирим наридан айланиб ўтинг.

Гред Стэмос замонидаги ўрмонда гўрказишлар тўхтатилди. Ҳеч кимнинг суюги ҳам синдирилмади, қўзи ҳам кўкартирилмади. Бирок бу Нортон ўзига ишониб топширилган одамларнинг меҳрибонлик билан вамини еди, дегани эмас. Карцер ўша-ўша тўлиб-тошиб ётар,

¹ Тик — иссик мамлакатларда ўсадиган кемабои каттиқ дарахт.



энди маҳбуслар тишларини сокчиларнинг зарби остида эмас, тез-тез ёлғизликда қолиб, сув ва қокнонга қаноат қилишдан йўқотишарди. Бу «Нортон нархези» деб атала бошланди.

Бу одам мен кўрган раҳбарлар ичида энг ифлос ва муноғиги эди. Юкорида айтиб ўтилган фирибгарликлар «гуллаб-яниш»да давом этарди, Сэм Нортон бўлса бу қинғирликларга қўшимча ҳам киритди. Энди унинг ишларининг миридан сиригача билар, чин дўстлигимиз сабаб Энди мени ҳам у-бу нарсалардан боҳабар этиб турарди. Шунда Эндининг юзида худди бадбуруш, ёқимсиз ҳашаротни тасвирлаётгандек, барча харакатлари манфурлиги боис қишини даҳшатга солишидан кўра кўпроқ кулгисини қистатадигандек жирканч ифода кўринарди. Бу ўша машхур «Тазарруга элтувчи йўл» дастурини ўйлаб топган Нортон эди, бу хақда ўн олти йил муқаддам ўқиган ёки эшитгандирсиз? Комендантимизнинг фотосурати ҳатто «Ньюсвик»да чиққанди. Матбуотда дастур маҳбусларнинг оқланиши ҳамда уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланишининг чинакам намунаси сифатида ёритилди. Дастур хар хил фаолият турларини ўз ичига олганди: ёғочларни қайта ишлаш, йўл курилиши, сабзавотхона ва бошқалар. Нортон буни ўзининг кўтаринки руҳдаги услубида «Тазарруга элтувчи йўл» деб атади ва унинг фотосурати «Ньюсвик»ка тушганидан сўнг Янги Англиядаги «Ротейри» ва «Кайванис» клублари Нортонни нутқ билан чиқиш килинга таклиф этинди. Биз бу



лойихага «Катта йўл» деб ном бердик, аммо негадир маҳбуслардан бирортасини ўз фикри ни билдириши учун клуб ёки газетага таклиф қилишганини эшитмадим. Нортон бир карасанг, баландпарвоз нутқи ва баптистларнинг фахрий нишони билан автомагистралда, бир карасанг, арик қазиш ишларида хозиру нозир бўларди. Бу лойихаларни амалга оширишнинг минг бир йўли бор эди, бироқ Нортон маккор чиқиб қолди. Округнинг барча қурилиш ташкилотлари унинг дастуридан ўлгудай қўрқарди, чунки маҳбуслар меҳнати — қуллар меҳнатидир ва сиз буни инкор этолмайсиз. Бинобарин, ўн олти йиллик раҳбарлиги мобайнида ҳар куни Сэм Нортоннинг «Исо — менинг халоскорим» сўzlари битилган таҳтачали столига каттагина микдорда буюртмалар келиб тушарди. Кейин эса у буюртмачига барча ишчилари «тазарруга элтувчи йўл»ни бошқа ерда ўтаётганлигини айтишга мажбур бўларди. Нортонни бошида олтига ўқ билан зовурдан топишмагани менга нима учундир мўъжиза бўлиб туюларди.

Нима бўлган тақдирда ҳам, «Пул пулни чакиради», деган гапда жон бор. Жаноб Нортон қадим пуританларнинг нуқтаи назарига амал килган ҳолда киши Худонинг сўйган бандаси эканини билиш учун унинг банк хисобига бир қур назар ташла, деган гапни ўзига дастурламал қилиб олганди чоги.

Энди Дюфрейн комендантнинг ўиг қўли, «мик» этмас ёрдамчиси эди. Кутубхона Энди учун катта аҳамиятга эга эди, Нортон бундан



унумли фойдаланиарди. Энди Нортоннинг севимли ибораси «Сендан угина, мендан бугина» эканлигини таъкидлаганди. Шундай қилиб, Энди қимматли маслаҳатлар берар, ишга оид таклифлар киритарди. Мен уни «Тазарруга элтувчи йўл» дастурини ишлаб чиқди, дея ёзиролмайман, лекин у фирибгарликлар билан боғлиқ хисоб-китобларни юритарди ва... жин урсин ҳаммасини! Кутубхонага автотаъмир ишлари бўйича янги қўлланма, Гройлер энциклопедиясининг янги нашри, Гарднер ва Луи Амурнинг янги китоблари келтирилди.

Шу нарсага ишончим комилки, бўлиши керак бўлган воқеа содир бўлди. Негаки, Нортон ўнг қўлидан ажраб қолишни истамасди, бошқача айтганда, агар Энди Шоушенки тарк этса, Нортоннинг килмишларини достон қилиб юборишидан кўркарди.

Мен буни етти йил давомида хали ундан, хали бундан, озроғини Эндининг ўзидан билиб бордим, бирок билганларим тўла-тўқис эмас. У хаётининг бу кисми ҳакида ганиришни истамасди. Бунинг учун уни айбламайман. Бу воқеани турли манбалардан мисқоллаб йиғдим. Махбуслар қуллардан ортиқ эмас. Балки шунинг учун ҳам уларга исковуч итдай изғиб сўраб-суришириш, қулларча ҳар нарсага бурун суқиб кўриш одат бўлиб қолгандир. Энди мен сизларга барчасини кетма-кет, ипидан игнаси-гача ҳикоя қилиб бераман. Эҳтимол, шунда не сабаб Энди ўн ой сикилиб яшаганини тушуниб оларсиз. Билишимча, у 1963 йилгача бор



ҳакиқатдан бехабар бўлган. Ўйлашимча, у буларнинг барчаси канчалик хунук тус олишини билмаган.

XIV

1962 йилнинг нояброда Шоушенкка Томми Уильямс тушди. Томми ўзини массачусетслек хисобласа-да, йигирма етти йиллик умри давомида бутун Яни Англия бўйлаб хўп саёхат килганди. У чандаст ўғри эди. Томми уйланган, хотини хар хафта турмуш ўрточининг холидан хабар оларди. Хотини агар Томми ҳеч курса ўрга таълим шаходатномасини қўлга киритса, хаётлари ўнгланиб кетишини миясига жо қилиб олганди. Боякини рафиқа эрини бунга қўндириди ва Томми Уильямс мунтазам равишда кутубхонага бориб турадиган бўлди.

Энди учун буларнинг барчаси эскириб қолган машғулотлар эди. Энди Томмининг олий мактаб тестларида дурустгина балл тўплай олишини тахмин киларди. Томми аллақачонлар болалиги ва ўсмирлигида ўтилган сабокларни хотирасида тикламоқни, ана ундан сўнг тест тоширмоқни кўзлади. Бундан ташқари, почта орқали бир замонлар мактабда у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетган фанлардан бир талай дарсликлар олди.

Томми иймони суст шогирд эди, олий мактабни тугатганилиги ҳакидаги гувоҳномани қўлга киритдими-йўқми, буниси менга коронгу, хикоям учун бунинг айтарли аҳамияти йўқ. Шуниси



аникки, у ҳам Эндиға хирапашшадай ёпишидикүйди.

Бир-икки марта у Эндидан: «Сендеқ илоннинг ёғини ялаган маккор бу зиндоңда нима килиб юрибди?» – деб сўради. Бу савол нак оқсуюкларча «пахта қўйиш»нинг кўпол кўриниши эди. Энди бўлса жилмайбгина қўяр, гапни бошқа мавзуга бурарди. Табиийки, Томми атрофдагилардан сўраб-суринтирицига тушди, жавобни олгач эса оғзи ланг очилиб қолди.

Эндининг не боис турмага тушганини сўйлаб берган киши Томмининг кирхонада дазмол машинани юритадиган шериги эди. Биз бу машинани «гўштқиймалагич» деб атардик, бу машинага масъул одам ҳушёргигини сусайтирса, нималар бўлишини ўзингиз тасаввур килаверинг. Томмининг шериги қотиллик учун ўн икки йилдан буён умрини камоқда чиритаётган Чарли Лафроб эди. У Дюфрейн тарихини завқшавқ билан гапириб берди; биз каби турманинг «оқсокол»лари учун янги келганиларни у-бу нарсалардан боҳабар қилиш кўнгилляйратар эрмак эди. Чарлининг хикояси суд хайъати тушилкдан келибօқ Энди айбдор деб топилган жойига келган ҳам эдики, қўққисдан ҳуштак овози янграб, «гўштқиймалагич» тўхтади. Ўша куни машина Элиот етимхонасидан келтирилган кўйлакларга дазмол юргутираётганди. Кўйлаклар машинадан сониясига бир донадан қуруқ ва дазмолланган холда отилиб чиқарди. Томми ва Чарли уларни ерга туширмай илиб олиб, аравага тахлашлари лозим эди.



Бирок Томми оғзи очилган холатда Чарлига бақрайиб қолганди. Күйлаклар түғри ифлос полга туши бошлади.

Үша куни кирхонада Хомер Жесуб назоратчи эди. Хомер иккаловини хам болохонадор қилиб сўкиб, ўпкасини қўлтиқлаб келаверди. Томми ҳатто унга қайрилиб хам қарамади. Худдики қанчадан-қанча бош чанокларни ёрган Хомер деганлари еру кўқда йўқ эди.

— Гольф клубидаги мураббийни ким дединг?

— Квентин, — дея устига аждар бостириб келаётгандай юраги увишиб жавоб берди Чарли. — Аданимасам, Глен Квентин эди. Ёки шунга ўхшашмиди, аниқ эсимда йўқ...

— Қани, итваччалар, кўйлакларни совук сувга ташлаларинг! — дея «хангради» кўзлари қонга тўлган Хомер. — Тезроқ кимиirlа, бадбахт, йўқса...

— Глен Квентин! Ё Раббим! — Томмининг охирги сўзлари шу бўлди. Негаки, Хомер Жесуб «сўйил»ини бечора йигитнинг бош чаноғига тушириб ултурганди.

Томми «шилқ» этиб полга йиқилди. У учта олд тишларидан маҳрум бўлди. Кўзини очганда, ёлғиз камерада ётганди, бутун бир хафтани «Нортон парҳез»ида ўтказди. Боз устига карточкасига кора белги тушди.

XV

Бу 1963 йилнинг февралида бўлиб ўтди. Томми Уильямс олти-етти нафар узоқ муддатга ўтирганларни холи-жонига қўймай, Чарлидан



эшитганинни қайта-қайта суриншириди. Буларни билишимнинг боиси — ўшалардан биттаси эдим. Томмидан буларни нега кавлашириб қолганини сўраганимда, у саволимни жавобсиз қолдирди.

Шундай кунларнинг бирида Томми кутубхонага келди-да, Эндига бор гапни тўкиб солди. Биринчи ва охирги марта Энди ўзини йўқотиб кўйди...

Эртаси куни Эндини учратганимда, у худди хаскашни босиб олиб, икки кўзининг ўртасига яхшигина зарба еган кишидай кўринарди. Кўллари қалт-қалт титрар, гапирсан, миқ этмасди. Пешиндан сўнг навбатчи соқчи Билли Хенлонни топиб, у билан эртасига комендант кабулига киришига келишиб олди. Кейинроқ Энди ўша тунда мижжа қоқмай чиққанини айтди. У қаҳратон қиши шамолининг ғувиллашига қулоқ солибди, Трумен президент этиб сайланганидан бўён ўзи «қўрғон» деб атовчи камеранинг цемент полидаги пирпираётган узун-узун сояларга тикилибди ва барчасини бир бошдан ўйлаб кўришига тиришибди. Энди онги шууриининг бир бурчидаги саклаётган қафасга тушадиган калитини Томми берганини айтди. Ўзининг камераси сингари қафас, факат банди одам эмас, йўлбарс эди. Умид деб аталувчи йўлбарс. Уильямс келтирган калит қафас эшикларини очиб юборди ва йўлбарс озодликка чиқиб, Эндининг онгига кезина бошлади. Тўрт йил бурун Томми Уильямс ўмарилган моллар лиқ тўла ўғирланган машинани хайдаб кетаётганди, Роуд



Айленд туманида қўлга тушганди. Томми айбига икрор бўлди, эвазига жазо ҳукмини юмшатишиди: кўп эмас, оз эмас, икки йилга озодликдан маҳрум килинди. Орадан ўн бир ой ўтиб унинг камерадоши озод этилади-ю, ўрнига аллақандай Элвуд Блейч дегани келади. Блейч кулфни бузиб, ўғирлик қилгани учун жазо муддатини ўтарди.

— Умрим бино бўлиб бунақанги тажанг нусхани учратмагандим, — деб айтганди менга Томми, — айниқса, унга ўхшаган қуролли одамдан ўғри чиқмайди. Жиндаккина шовкин кўтарилса, тамом, ўпкасини қўлтиқлаб, орқаолдига қарамасдан, тасира-тусур ўқ узаверади бунақалар... Бир сафар тунида жоними ни хикилдоғимга келтирди. Йўлакчамиздаги қайсиdir тирранча чашкаси билан симчиликларни тинфирилатганди ўшанда. Шунга Блейчининг қони қайнаганди.

Озодлик нафасини туйишимдан илгари мен у билан етти ойни амал-такал ўтказишга мажбур бўлганиман. У билан ўзи нимани турунглашганимизни эслолмайман. Сиз Эл Блейч билан эмас, у сиз билан гаплашади аслини олганда. Жаврайверади, жаврайверади, хеч оғзи тинмайди. Овозини ўчиришга уриниб кўрингчи, нак балога қоласиз. Кўзларини ола-кула килиб, жун бостан муштини ўқтайди. Шунақа хунарини кўрсатганди, юрагим орқага тортиб кетарди. Девкомат, калласи арчилган тухумдай таш-тақир, кўк кўзлари ичга ботган, баджаҳл. Ё



Раббим, ишиклиб, тағин унга дучор бўлишдан ўзинг асрагин!

Худо берган ҳар тун оғзи сасирди унинг. Унга қулоқ осишга мажбур эдим. Каерда туғилиб-ўстани, етимхоналардан қай тарзда қочгани, тирикчилиги қанақа бўлгани, қандай хунарлар кўрсатгани-ю, тўшакда қайси суюқоёкларнинг таъзирини берганини ноилож эшитмоқдан ўзга чорам йўқ эди. Балки афт-ангорми бинойидай кўринмасдир-у, лекин жон ширин, барзанги ба-шарамни аччик устида бежаб қўйишини истамасдим.

Агар сўзларига ишонадиган бўлсан, у икки юзтacha идора қулфини бузганимиш. Ёнида бирон кимса «пис-с» этиб ел чикарса, яраланган шер каби дарғазаб бўладиган жинни шундай ишларни қилишига учалик кўзим етмайди лекин у фақат ҳакиқатни гапираётганига онт ичди. Энди эса... дикқат билан эшит мени, Ред. Биламан, баъзида одамлар ўй-хәёлларини воқеликка ара-лаштириб юборишади, шундок экан, хотирангта ҳар доим ҳам ишонаверини керак эмас... Аммо Квентин исмли йигит ҳақида эшитишимдан аввал: «Мабодо кария Эл уйимга ўғирликка тушса-ю, бундан хабар тоисам, тирик қолганим учун ўзимни дунёдаги энг баҳтли банда дея хис килсан керагов», деб ўйлаганларим ҳали-хануз ёдимда. Бир тасаввур қилиб кўргин ўзинг, агар бу нусха бирон бир ойимтилланинг ётоқхонасида кимматбаҳо тақинчоқлари ётган қутичани тит-килаётганда, хонимча уйқусида аёдарилиб-нетса ёки йўталиб қолса борми, томошани кўравер!



Онам хакки онт ичаманки, бу хақда ўйлашим биланоқ баданимдан совук тер чиқиб кетади.

Жаҳлини чиқарган киши борки, ҳаммасини асфаласофилинга жўнатган. Ўзи шундай деганди. Мен ҳам унга ишонгандим. Ҳа, унинг қўли конга ботганди. Э Худо, тажанглигини айтмайсанми! Нак отилишга шай тўппончанинг ўзи эди. «Смит Эид Вессон» русумли тўппончасининг тепкисини қачон қарама кўтариб қўядиган бир йигитчани танирдим. Умуман бу яхшиликка олиб келмайди. Устига устак, тўппончанинг тепкиси сал каттироқ овоздан ҳам босилиб кетадигандек эди гўё. Эл Блейч худди шунаقا тўппончани ёдга соларди. Асаблари туфайли битта-яримтани бўғизлаган бўлса, сира ажабланмайман.

Бир куни мум тишламаслик вожидан: «Хўш, кимни ўлдиргансан?» деб сўрадим. У бир «хих» деб қулиб қўйди-да: «Ҳозир битта галваре Майндаги зонада ўтирибди. Мен ўлдирган икки кишининг касрига муддат ўтаяпти. Унинг хотини бир хунаса билан аллакандай уйда ётган экан, хуллас, бу ёни ўзингга маълум», деб жавоб берди.

Аёлнинг исмини тилга олмаганилиги аниқ эсимда. Балки, у қулоғимдан кириб, бу қулоғимдан чиқиб кетгандир. Нима фарқи бор? Янги Англияда Дюфрейнлар худди Смит ва Жонслар каби кўплаб учрайди. Асосийси, Эл ўзи ўлдирган йигитнинг исмини айтди — Глен Квентин. У ифлос голъиф мураббийи, бунинг устига бойвачча ҳам экан. Элининг айтишича,



Квентин уйида беш минг долларча нулни яшириб қўйганмиш. Ўша пайтда бу катта пул эди. «Бу қачон рўй берди?» деб сўрасам, Блейч: «Урушдан кейиноқ», деди.

Эл чўпчагини давом эттирди: уйга киради, ҳамма ёқнинг тит-питисини чикаради, ошиқмашуклар эса уйғониб кетади ва қий-чув бошлинади. Жонимга тегиб кетгаиди-да, деди Эл. «Ўша йигит хуррак отишни бошлиган ва жонинг халқумингга келган. Шундайми?» деб сўрадим. Эл эса сўзида давом этиб, гаи орасида хотини тўшакда Квентин билан ётган ҳуқуқшуносни хам кистириб ўтди. «Ўша ҳуқуқшунос энди Шоушенкда сўнгайиб ўтирибди», деди-ю, хохолаб юборди. Бу разилни қайтиб кўрмаслигимдан бирар бахтлиманди!

Томми бу ҳикояни айтиб берганидан сўнг нима учун Энди рухи тушиб, ич-этини еб, зудлик билан комендантга учрашишини хохлаб қолганини энди англагандирсиз? Элвуд Блейч Томми билан бир камерада ўтирган пайтлари олти йилга кесилганди. Ҳозир, яъни 1963 йили у аллақачон озодликда бўлиши хам мумкин... Ёки бўлмаса озодликка чиқини арафасидадир. Эндининг ич-этини кемираётган нарса шу эдики, бир томондан, Блейч халигача қамоқда бўлиши мумкин, бошқа томондан эса аллақачон озодликка чиқкан, деган тахмин хам йўқ эмас. Ана энди баччагарни ердан хам, кўкдан хам топиб бўпсан.

Албатта, Томмининг ҳикояси чалкашилклардан ҳоли эмасди, аммо чалкашилклар ҳаётда



учрамайди дейсизми? Блейч «хукуқшунос» деди, Энди эса банкир эди, лекин оми одам бу икки касбнинг фарқига бормаслиги турган гап. Шунни хам унутмангки, Блейч Эндининг жинояти хақида айюҳаннос солаётган газеталарни ўқиганидан бўён орадан ўн икки йил ўтиб кетибди. Томми айтганидек, Блейч пул ўмаргани кириб, чиндан хам минг доллар топгани, полиция эса ҳеч қандай талончилик изларини тополмагани ғалати туюлиши мумкин. Бу борада бир неча тахмин юритишим мумкин. Биринчидан, агар мол-мулк эгаси ўлган бўлса, унинг айнан нимаси йўқолганини, башарти бу ҳақда бирон киши билдирумаса, кетингизга қараб фол очиб ҳам тополмайсиз. Иккинчидан, Блейч долларлар хақида ёлғон гапирмади, деб ким айта оларди? Эҳтимол, у, э йўқ, бе йўқ одам ўлдирганини тан олгиси келмагандир. Учинчидан, босқинчилик излари бўлган-у, полиция буни пайқамаган: полициячилар аксарият ҳолларда каллаварамлик қилишиади. Ёки бўлмаса, улар босқинчилик изларини тошишган-у, прокурорнинг бўлиб ўтган жиноят хақидаги талқинига птур етказишни исташмаган. Прокурор эса ўша пайлари айни хизмат пиллапоясидан юқорилаётганди, марказий органларни майда ўғирлик каби оддий жараёнга жалб қилиш ишни чалкаштирган бўларди.

Мана шу уч тахминдан шахсан мен иккинчисини ҳақиқат деб биламан. Шоушенкдаги узок йилларим давомида Элвуд кабиларнинг анча-мунчасини кўрганман. Бундайин илоннинг



ёгини ялаганлар ҳатто ўн доллар учун қамокқа тушишган тақдирда хам ҳар бир ишларида миллионларни қўлга киритган ва камида киролича олмоси учун ўзларини ўтга-чўққа уришади, деб ўйлашингизни исташади.

Томмининг хикоясида Эндини шак-шубҳасиз ишонтирган бир деталь бор эди. Блейч Квентиннинг ташки қиёфасини тасвиrlамади. У Квентинни «ифлос бойвачча», деб атади ва гольф мураббийи эканлигини эслатиб ўтди. Бир пайтлар Энди хафтасига бир неча марта хотини билан клубга овқатланишига борарди. Линданинг қандай оёқ олишини билганидан сўнг Энди клубга бўкиб ичиш учун келадиган бўлди. Клуб кошида дискотека очилганди. 1947 йили дискотекада ишлайдиган пойгачи-чавандозлардан бири Эндининг хотирасига муҳрланиб қолганди. У Томми тасвиrlаб берган Элвуд Блейчга мос келарди. Дароз, бақувват, тақирбош, кўк кўзлари ичга ботган эркақ. У ҳар доим кўзлари билан сизни ўрганаётгандек тикиларди. Уша киши клубда узок ишламади, бирок Энди бу одамини бир умрга эслаб қолди: унинг афт-ангори бошқаларнидан жудаям ажралиб турарди.

XVI

Қора булутлар тошdevорлар устида сузib юрган, турма атрофидаги далаларда хас-хашакка айланган бултурги ўт-ўланларни яланғочлаб, сўнгти корлар эрий бошлаган, ёмғир аралаш



шамол турган кунда Энди Нортоннинг ҳузурида пайдо бўлди.

Нортоннинг катта-кенг офиси турманинг маъмурий бўлимида жойлашган, офиснинг столи ортида эса комендант ёрдамчисининг хонасига олиб кирувчи эшик бор эди. Комендант ёрдамчиси ўша куни хонасида эмасди, офисда бир чўлок маҳбус инқилаб-синқилаб юарди. Исми хозир эсимда йўқ. Ҳамма уни Честер деб чакиради. Унга хонадаги гулларни сувориш ва иолларни артиш топширилганди. Ўша куни туваклардаги туирок қуруқшаб, Честер полни эмас, қулоклари билан қулф тешигини ялтиратиб тозалади-ёв.

Честер комендант кабинетига йўлакдан кирилувчи эшик очилиб-ёпилганини, кейин эса қўйидагиларни эшитибди:

– Хайрли кун, Дюфрейн, хўш, хизмат?
– Кўрмайсизми, – деб бошлиди Энди. Честер унинг овозини аранг танибди. – Кўрмайсизми, комендант жаноблари... Бир ғалати воқеа содир бўлдики... Гапни нимадан бошлашни хам билмаяпман.

– Хўш, хўш, қани, бошидан бошлайверинг, – дебди Нортон гўё Инжил ўқиётгандай кироат билан.

– Шундай қилсан, менимча хам тўғри бўлади.

Энди Нортонга қайси гунохи учун Шоушенкка тушиб қолганини эслатиб, кейин Томми Уильямсдан эшитганларини бирма-бир айтиб берибди. У Томмининг исмини хам алоҳида



айтиб ўтибди. Балки Томмининг исмини тилга олгани сизга аҳмоқлик бўлиб туюлар, лекин Энди нима ҳам қила оларди? Йўқса товлама-чига чиқиб қоларди-да.

Энди гаини тутатгач, Нортон бирмунича фурсат жимиб қолади. Мен уни деворда осиғлиқ турган Рид портрети остида креслосига ястаниб олиб ўтирганини аниқ-равшан кўз олдимга келтиряпман: қўлларини ковуштириб олган, лаблари қимтилган, пешанаси тиришган, кўкрагидаги фахрий ишонни хира йилтирайди.

— Ха, — дейди ниҳоят, — бу мен эшигган энг аҳмоқона ҳикоялардан бири бўлса керак. Биласизми, Дюфрейн, мени нима ҳайрон колдирияпти?

- Нима экан, жаноб?
- Мана шу уйдирмага ишонганингиз.
- Жаноб! Бу билан нима демоқчисиз?

Честер кейинчалик ўн уч йил аввал Байрон Хендлейдек разилнинг додини берган одамнинг овозини зўрга таниганини тан олиб айтди. Ҳозир Энди овози дилдираб, узук-юлук гапираварди.

— Нима ҳам дердим, — дейди Нортон, — она сути оғзидан кетмаган Уильямс сизга маҳлиё бўлиб қолгани кўриниб турибди. Тўгрисини айтадиган бўлсак, сизнинг таъсирингиз остига тушиб қолган. У сизнинг ғам-ҳасратта тўла саргузаштингизни эшигтан. Унинг томонидан сизни оқлашга харакат килиши ва ҳамдард бўлиши табиий ҳол. У ҳали ёш, орка-олдини ўйламай гапираверади. Оғзидан чиқаётганилари сизни қай ахволга тушириши мумкинлигини тасаввур ҳам



килдмаган. Мен бор-йүғи шуни таклиф қила оламанки...

— Бу хакда мен ўзим ўйлаб күролмасмидим? — Нортоннинг оғзидан гапини олди Энди. — Мен Томмига клуб олдида ишлайдиган одам хакида бирон марта оғиз очмаганиман. Умуман, ҳеч кимга айтмаганиман. Бунга шунчаки жоҳат бўлмаган. Лекин Томмининг собиқ камерадоши мен билган одамга қўйиб қўйгандай ўхшайди!

— Жуда яхши-да. Сиз энди воқеликни бир томонлама қабул қилишга ўтъяисиз, — дея жавоб берди Нортон.

«Воқеликни бир томонлама қабул қилиш» сингари жумлалар кейинчалик ахлок тузатиш муассасаларида ишловчи аксар кишилар томонидан ўзлаштирилади. Улар бу жумлани келса-келмаса ишлатаверишади.

— Лекин бундай эмас, жаноб.

— Бу сизнинг карашингиз. Менинг нуктаи назарим умуман бошқача. Икки қулоғингизга ҳам қўйиб олинг, «Фальмауф Хилл» клубида чиндан ҳам шундай одам ишлаганилиги хакида сизнинг гапларингиздан бошқа факт менда йўқ.

— Йўқ, жаноб, фақат бунинг учун эмас...

— Ганимни бўлманг, — Нортон унинг сўзини чўрт кесди, овози ҳам бир парда кўтарилиди. — Келинг, хақиқатга бошқа томондан қарайлик. Бир зумга тасаввур қилиб кўрайлик, ха, шунчаки тасаввур қилиб кўрамиз, Элвуд Блеч исмли одам ростдан ҳам мавжуд дейлик...

— Блейч, — унинг сўзини тўғрилади Энди.



— Ха, майли, Блейч бўлса, Блейч-да, нима фарқи бор. Хўш, демак, ўша одам Роуд Айлендда чиндан ҳам Томас Уильямснинг камерадони бўлган деб ҳисоблаймиз. Унинг аллақачон озодликка чикқанлиги қамоқхонада эканлигидан кўра хақиқатга якинроқ. Биз ҳали унинг Уильямснинг камерасига тушгунча қанча ўтирганини ҳам билмаймиз, тўғрими? Шуниси маълумки, у олти йилга ҳукм қилинган.

— Йўқ. Биз унинг қанча муддат ўтаганини билмаймиз. Лекин тахминимча, у ҳали ҳам ўша ерда. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам, унинг охирги уй манзили, кариндош-уруглари, ошина-оғайнилари хакидаги маълумотлар сакланиб колади-ку.

— Ўзингиз жуда яхши тушуниб турганингиздек, унисидан ҳам, бунисидан ҳам охир-оқибат ҳеч бир иш чиқмайди. Иш бости-бости бўлиб кетган, тамом-вассалом.

Энди бир оз жимиб, кейин тилга кирди:

— Ҳа, лекин умид килсак бўлади-ку, шундай эмасми?

— Бўлмасам-чи. Демак, Дюфрейн, ўша Блей-чингиз нафақат мавжуд, балки ҳалигача Роуд Айлендда ҳам дейлик. Хўш, сизнингча, Томми-нинг кўрсатмалари билан олдига борсак, нима лейди? Эҳтимол, у тиз чўкиб, фалакка кўз тикиб, фифон солгаича барча гуноҳларига икрор бўлар?

— Қандай килиб шунчалик бефаҳм одам бўлиш мумкин? — дея минифилади Энди. Честер Эндининг бу ганини зўр-базўр эшитган бўлса-да, комендант аниқ-таниқ эшитди.



— Нима?! Яна бир қайтаринг, мени ким деб атадингиз?

— Бефаҳм! — бакирди Энди. — Ёки жўрттага ўзингизни гўлликка соляпсизми?

— Дюфрейн, сиз менинг беш, йўқ, етти дақиқа вақтимни ўғирладингиз. Ўзи бугун жуда бандман. Демак, сухбатимизга якун ясасак ҳам бўлади ва...

— Клубда барча эски бланклар ва карточкалар сакланади, шуни тушунасизми ўзи? — бақиришда давом этди Энди. — Уларда солиқ бланклари ҳам, В-форма ҳам, ишдан бўшатилганилар учун бадал бланки ҳам бўлади. Ҳар бирига Блейчнинг исми шарифи битилган! Аввал клубда ишлаган маъмуриятдагилардан биронтаси ҳозир ҳам ишлаётгандир?! Балки қария Бриггс ҳам ўша ердадир?! Ахир, орадан бир аср эмас, ўн беш йил ўтди! Улар Блейчни эслашади! Агар Томми Блейч унга айтганиларини яна бир такрорлаб ўтса, Бриггс ҳам Блейчнинг клубда ишлаганини тасдиқласа, менинг ишим янгидан кўрилади! Шунда мен...

— Соқчи! Соқчи! Манави одамни олиб кетинг!

— Ха, нима бўйти? — овози қалтираб сўради Энди. — Бу менинг ҳаётим, озодликка чиқишим учун ягона имконият, тушуняпсизми? Томмининг гапларини тасдиқлаш учун биргина сўрок ўюнтиришнинг нимаси қийин? Қулоқ солинг, мен ҳаммасига тўлайман...

Честернинг сўзларига кўра, кейин енгил шовқин эшитилибди: соқчилар Эндининг қўлини қайриб, кабинетдан олиб чиқиб кетишган.



— Карцерга, — деди Нортон қуруққина қилиб. Шу гапидан сўнг унинг ишонини сийпалаб қўйганини ўзимча тасаввур килямсан. — Коқнон ва сувдан бошқаси берилмасин.

Эс-хумини йўқотган Эндини олиб кетишади. Честер Эндининг эшикнинг тагидаёқ комендантга:

— Бу менинг ҳаётим! Нахотки тушунмаётган бўлсангиз, ахир, бу менинг ҳаётим! — дея бақиришда давом этганини хам айтиб берди.

XVII

Энди «Нортон пархези»да йигирма кун ўтири. Бу унинг Сэм Нортон билан биринчи жанжаллашиши ва «кичиккина баҳтиёр оиласиз»га келиб тушганидан бери карточкасидаги илк қора белги эди.

Гапнинг хонаси келганда Шоушенк карцери ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтсан. Бу «кухна» анъана ўн тўққизиничи аср бошига бориб тақалади. У замонлар бирор «оқланиш», «тавба қилиш» каби бемаънигарчиликларга вакт ажратиб ўтирасди. Ҳамма нарса оқ ёки қорага ажратиларди. Сиз айборсиз ёки йўқ. Агар айбдор бўлсангиз, сизни осишади ёки авахтага тикишади. Озодликдан маҳрум этилсангиз-у, сизни бирон-бир қамоқхонага олиб боришади, деб ўйласангиз, чучварани хом санабсиз. Э, йўқ, сиз ўз қўлларингиз билан ўзингизга чоҳ қазийсиз. Майн провинцияси ҳукумати бунинг учун алоҳида белкурак-



лар ҳам ажратиб қўяди. Тонг бўзаргандан то кош корайгунча кучнингиз етганича ўзингизга чох қазийсиз, кейин эса бир жуфт бўйра ва кажава олиб, настга тушасиз, чохнинг оғзини панжара билан ёпишади. Панжаранинг ораси ҳам шундайки, ундан фақат дон ва қуртлаган гўшт ташлаш мумкин бўлади. Мухим байрам кунларидағина сизни ария донидан тайёрланган обиёвон билан «сийлашади». Ҳожатни эса кажавага чикарасиз. Тонги соат олтида турма назоратчиси келганда, худди ўша кажавани сув учун берасиз. Ёгин-сочин кунлари кажавани бошингизга кийиб ўтираверасиз.

Чохда ҳеч ким узок вакт ўтирмаган. Мен билган энг узок муддат – ўттиз ой. Бу синдошини бичиб қўйган ўн тўрт ёшли телба эди. Шуниси ҳам борки, уни зиндонга ташлашганда, ёш ва соппа-соғ эди.

Шуни ҳам унутмангки, майда ўғирлик ёки қуфрда айбланишдан ташқари ҳар қандай жиноят турида сизни осишади. Бошқа ҳолатларда уч, олти ёки тўкқиз ой чохда ўтириб чиқасиз. У ердан мурдадек окариб, ярим сўқир бўлиб чиқасиз, очиқ кенглиқдан юрак олдириб қўясиз, тишларингиз ликиллаб, бирма-бир туша бошлиди, оёқларингизга эса замбуруғ тошиб кетади. Ана шунаقا бизнинг «кўхна ва қадрдон» Майн провинциямиз...

Шоушенк карцери ўрта асрлар зиндонининг таракқийлашган варианти десам, адашмайман... Иносон хаёти уч йўналишда ривожланади: яхши, ёмон ва даҳшатли. Агар сиз тор



зулматда даҳшатга тушсангиз, бошқаларидаги тафовутни ажратиш амри маҳол бўлиб қолади.

Карцерга тушиш учун ертўла томон йигирма учта зинапоя санайсиз. У ерда эшитилиб турдиган ягона товуш сувнинг томчилаши. Карцерда бор-йўғи олтмини ваттли лампочка хира нур сочиб туради. Камералар бир кишилик, бочкача шаклида, худди бойлар уйларида биронта суврат ортида яшириб қўядиган қазноқка ўхшайди. Қазноқдаги каби карцерда ҳам эшик ён томонга сурилиб очилади. Панжарали бўлса ҳам дарча йўқ. Ягона ёруғлик манбаи – бу лампочка, уни ҳам турманинг бошқа камераларидаги бошқа чироқлардан бир соат олдин ўчиришади. Истайсизми-йўқми, тор хонадаги зулмат ичра вактни ўлдирицингизга тўри келади. Камерада вентиляция бўлиб, унинг гингиллапи ва каламушларнинг чийиллашини эшитиш мумкин. Бундан ташқари, камерада деворга махкамланган каравот ва суюнчиқсиз курси бор. Шундай қилиб, уч хил усулда вакт ўтказилингиз мумкин: ўтириб, ҳожат чиқариб ёки ухлаб.

Жуда «қулай» шароит, шундай эмасми? Бунақанги ит билмас жойда йигирма кун бир йилдек чўзилади, ўттиз кун икки йилдек, кирқ кун ўн йилдек туюлади.

Ёлғиз камерада ўтирган маҳбуснинг фойдасига айтиладиган тап – бу унинг барчасини ишидан игнасигача ўйлаб олишига имкон бўлади. Энди бу вакт ичида факат ўй-хаёллар



чангалзорида кезинди. Карцердан чиккач эса комендант билан яна учрашишни сүради. Талаб рад этилди. Комендантиң айтишича, бундай учрашувдан иш чикмасмиш. Нима хам дердик, зоримиз бор-у, зўримиз йўқ, бошлиқлардан шундай гап чикиши табиий.

Энди талабини такрор ва такрор қайтараверди. Биз билган Энди Дюфрейн чинакамига ўзгарди. 1963 йилнинг баҳорида унинг юзига ажин оралади, соchlарига киров туши. Мени ҳамиша танг колдирадиган мийигида кулимсираши ҳам қаёkkадир ғойиб бўлди. Энди бўшлиққа тикилиб қоладиган одат чикарди. Агарки маҳбуснинг юзида бундай ифода пайдо бўлдими, билингки, у қамоқда ўтириши керак бўлган йилларни, ойларни, хафталарни, кунларни санаюти.

Энди талабини қайта-қайта билдираверди. Сабр-тоқати ҳам нақ филники эди. Унинг кутицидан бошқа чораси йўқ эди... Ёз келди. Вашингтонда президент Кеннеди қашноқлик ва инсон ҳукукларига қарши кураш очишни ваъда килди. Бояқиши ярим йил умри колганини қаёқданам билсин! Ливерпулда «Битлз» деган турух пайдо бўлди ва Англияда жуда машхур бўлди. Лекин фикримча, уларни Штатларда хали-бери эшитишмасди. «Ред Сокс» Бостон жамоаси Янги Англия одамлари уларни «67-муъжиза» деб атасигунча тўрт йил Америка Лигасининг қуин ногонасида мақсадсиз тўп суриб юрди. Одамлар эмин-эркин юрган оламда ана шунақа ишлар бўларди.



Нортон Энди билан июнь охирида учрашиди. Улар сухбатининг тафсилоти билан орадан етти йил ўтиб Эндининг ўзидан эшилдим.

— Хотирингиз жам бўлсин, бировга миқ этганим йўк, — дейди Энди Нортонга мулоҳийм овозда. — Молиявий ишларимиз сир бўлиб қолган, бу борада кар, соқовман ва...

— Етар, бас, — Нортон унинг сўзини бўлди. Нортон креслога ястаниб ўтирас, боши кашта килиб тикилган муқаррар охирзамондан дарак берувчи сўзларга тегай-тегай деб турарди. Комендантнинг башараси тошкабрдан ҳам совукрок эди.

— Менинг даргоҳимда пулдан сўз очманг. На бу хонада, на бошқа жойда. Агар кутубхона яна кичкина қазноққа айланишини истамасангиз, оғзингизга талкон солиб юринг. Тушунарлимис?

— Мен шунчаки сизни хотиржам қилмоқчи эдим, холос.

— Келгусида ҳисобга олиб қўямиз. Бундан кейин сизга ўхшаган итдан тарқаганинг таскинига муҳтоҷлик сезсан, албатта, маълум қиласман. Бу учрашувга мишиғингизни оқизиб килган илтимосларингиз бўғзимга келтиргани учун розилик билдиридим. Охир-окибат бунга нукта қўйини керак-ку. Агар бу ишни шундай ташлаб қўйсан, хафтасига икки марталаб сизники каби телба-тескари хикояларни эшишимга тўғри келади. Қўйиб берсанг, эринмасдан менинг костюмимга кўз ёшлиарни артадиганлар ҳам топилади. Илгари сизга хурматим



баланд эди, аммо энди хаммаси тугади. Сизга айтадиган тапим шу. Умид қиласанки, биз бир-биримизни тушундик.

— Ха, лекин мен адвокат ёлламоқчыйдим.

— Эй Худойим-ей, хүш, нимага керак бўлиб колди сизга адвокат?

— Буни келишиб олишимиз мумкин, деб ўйлайман. Томми Уильямс ва менинг кўрсатмаларим, клубдан олинадиган маълумот билан янги иш кўзғаш мумкин.

— Томми Уильямс Шоушенк рўйхатидан ўчирилди.

— Нима?!

— Бошқа ёкка кўчирилди.

— Қаёкка кўчирилди?

— Кешменга.

Энди жим котди. Уни бирор бефахм деб айттолмайди-ю, аммо қип-қизил ахмокнинг хам бу ерда қандайдир палидлик борлиги-га акли етади. Кешмен — Арустукнинг шимолидаги заиф кўриқланадиган камоқхона. У ердаги маҳбуслар тез-тез полизга, картошка йиғишга юборилади. Тўғри, иши оғир, лекин яхши тўлашади-да. Колаверса, агар кимнинг-дир хохиши бўлса, СVIда, техника институтида билим олиш имкони ҳам бор. Томми сингари дуркун хотини ва боласи бор йигитлар учун энг асосийси — Кешменда таътилга чиқариш дастури анчайин bemalolroq. Бу дегани — жилла курса, дам олиш кунлари одамга ўхшаб яшашнинг имконияти мавжуд.



Ўз фарзандингни тарбиялашинг, хотининг билан тараллабедод килишинг, ҳатто пикника¹ чиқишинг хам мумкин.

Шубҳасиз, Нортон бу барча имкониятларни гарангсиб колган Томмининг олдига ташлаган ва эвазига биргина кичкина хизматни талаб килган: Элвуд Блейч исмими қайтиб тилга олмайди. Томми бир карорга келиши шарт эди: Кешменга ўтишга рози бўлиш ёки дўзахий шарт-шароитларда колиб, хотини билан ётиш ўрнига уч-тўртта «опа-сингиллар»дан «насиба»сини олиш.

— Нима учун? — сўради Энди. — Нима учун сиз...

— Роуд Айленд билан боғланганимни билсангиз, била қолинг. — Хотиржам сўзида давом этди Нортон. — У ерда ростдан хам Элвуд Блейч исмли маҳбус ўтирган экан. Охирги амнистия пайтида у озодликка чиқарилибди. Ўзингиздан қолар гап ўйқ, ақлдан озган либераллар томонидан ўйлаб топилган ахмоқона хукумат дастурлари жиноятчилар кўча чангитиб юришларига кенг йўл очиб бермоқда. Хуллас, Блейч войиб бўлди.

— Ўша қамоқхонанинг бошлиғи мабодо оғайнингиз эмасми?

Сэм Нортон Эндинга совуккина тиржайини «хадя» этди.

— Ха, танишлигимиз бор.

¹ Пикник — табиат кўйнида ором олиб, кичикрек зиёфат уюштириш.



— Нима учун? Айтинг-чи менга, нима учун буидай килдингиз? Озодликка чиккан тақдиримда хам оғзимдан гуллаб юрмасдим. Бу кундай равшан-ку. Нега бундай килдингиз?

— Сизга ўхшаганлар тинчимни бузиб, менга бош оғриқ бўлаётганликлари учун шундай йўл тутдим, — очигини айтди-қўйди Нортон. — Шоушенкда эканлигингиз айни муддао мен учун, жаноб Дюфрейн. Токи мен комендантлик лавозимида эканман, озодликка чикишини хаёлингизга хам келтирманг. Хаммадан бир калла баландман, деган фикр миянгизга ўринашиб қолган. Бу турган гаи, бунинг учун кўзингизга бир марта карашнинг ўзи кифоя. Кутубхонаага бириичи марта кирганимда, барчаси менга аён бўлган. Мен барчадан устунман, деган фикр пешонангизга катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Сиз энди бошқа одамсиз, ўзгаргансиз. Бундан хурсандман. Бошлиқнинг корига ярайман, деб ўйламанг. Сиз кабиларнинг попугини пасайтириб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Сиз сайр майдончасида худди дўстингизнинг меҳмонхонасида юргандек, худди кечки коктейлга таклиф қилингандек виқор билан юришга ўрганиб қолгансиз. Бир эркак бошқасининг хотинига шилкимлик қилиб, ҳамма ўлгудай масталаст бўлиб ичиб оладиган бунақонги кечаларни жуда яхши биласиз. Лекин энди бунакаси кетмайди, хўи деяверинг. Ҳали узок йиллар давомида аввалгидек ўзингизга бино қўйиб юрмаслигинги мирикиб томоша қиласман. Қани, энди қўзимдан йўқолинг.



— Окей. Лекин билиб қўйинг, Нортон жа-
ноблари, сизнинг шахсий иқтисодчингиз сифа-
тидаги фаоллигим ўз кучини йўқотади. Бун-
дан кейин соликларга чап бермоқчи бўлсангиз,
иши хаспўшламокчи бўлсангиз, мутахассислар
кенгашига мурожаат қилинг. Ўша ерда сизга
ёрдам беришар, эҳтимол...

Комендантнинг турки бир зумда ўзгариб,
қип-қизариб кетди, кейин тағин совуқ башара
тус олди.

— Сиз энди карцерга йўл оласиз. Ўттиз
қунга. Қокнон ва қуруқ сувнинг ўзига қаноат
қиласиз. Карточкангизга иккинчи кора белги
тушди, деб ҳисоблайверинг. Карцерда оёқни уза-
тиб, гапларимни яхшилаб ўйлаб кўринг: менга
бўйин эгмас экансиз, кутубхона сиз келишин-
гиздан аввал қай ҳолатда бўлса, ўша ҳолатга
тушиши учун барча чора-тадбирни қўллайман.
Ҳаётингизни нақ дўзахга айлантираман... Та-
саввур киляпсизми, дўзахга. Бешинчи блокдаги
бир кишилик камерангиздан маҳрум бўласиз.
Яни келаётганлар кўп, шундай экан, ёнингизга
иккинчи одам қўшилади. Токчада ётган тош-
чаларингиздан, баччабозларга қарши соқчилар
химоясидан айриласиз. Бор будингиздан жудо
бўласиз... Тушунарлим?

Ўйлашимча, Эндиға ҳаммаси тушунарли эди.

XVIII

Олтиндан қиммат вакт шувиллаб ўтиб бо-
тарди. Энди Дюфрейн чинакамига ўзгарди. У



Нортоннинг ифлос ишларини бажаришида ва кутубхонани юритишида давом этди. Ҳаммаси бурунгидек эди. Энди ўша-ўша туғилган куни ва Рождествода ичкилик буюртма килар, ўша-ўша ярим шиша шаробни менга тутқазарди. Вакти-вақти билан сайқалловчи ёстиқчаларни етказиб бериб турдим. 1967 йили мен уига болғача олиб келиб бердим: ўн тўққиз йил аввал олиб келганим деярли ейилиб кетибди... Ўн тўққиз йил! Бу сўзларни тилга олар экансиз, кабр эшиги ёпилиб, калит икки марта буралиб, қулфлангандек товушни эшигандек бўласиз. Бир замонлар ўн доллар турган болғача эндиликда йигирма икки долларга кўтарилиганди. Энди иккаламиз битим тузиб, кўл сикишар эканмиз, бир-биримизга синик табассум билан қараб қолдик.

Энди сайр майдончасидан тоғган тошлирига ишлов беришни канда қилмасди. Тўғри, ховли бирмунча кичрайди: 1962 йили ховлининг ярмига асфальт ётқизилди. Ҳар қандай ҳолатда хам Энди нима биландир машғул бўларди. Тоғга ишлов бериб бўлгач, уни токчага қўярди. Энди менга қўёш нурларида товланувчи тошчаларга, бир вақтлар чанг ва тупроқ орасида ётган, ке йин эса ойнадай силлиқланган сайёранинг бир бўлагига тикилиб ўтиришини ёқтиришини айтганди. Аспидли сланец, кварц, гранит. Эндининг кўллари билан ишланган митти хайкалчалар. Чўкинди конгломератлар¹ шундай тараашланган-

¹ Конгломерат – бир қанча төғ жинсларининг биринкиб хосил бўлган аввойи тўплами.



ки, улар узок асрлар давомида бир-бирига чатишиб кетган турли жинслардан иборат эканлигини кўриш мумкин. Энди бундай намуналарни «минг йиллик сэндвич» деб атарди.

У тоҳо-тоҳо токчадан бир қанча тошчаларни олиб, ўриига янгиларини қўярди. Эндининг камерасидан чикқан тошчалар менга ўтарди. Ҳув, ўша, илматугмани эслатувчи тошчаларни ҳам хисобга оладиган бўлсак, менда бешта нусха бор эди. Найза улоқтираётган одам ҳайкалчаси, қунт билан силлиқланган иккита чўкинди конгломератлар. Бу тошчаларни ҳозиргача саклаб келаман. Уларни қўлимга олар экайман, агар инсонда вакт ва хошиш бўлса, у нималарга кодир-а, деган фикр хаёлимдан ўтади.

XIX

Шундай килиб, хаёт бир зайлда давом этарди. Агар Нортон Энди ич-ичидан қандай ўзгарганини кўрганида борми, ўз «мехнат»лари самарасидан мамнун бўларди. Бунинг учун Нортон унинг қалбига назар ташлаши лозим эди, аммо Нортон кабилар бунга қодирми?!

Нортоннинг айтиши бўйича, Энди сайд майдонида зиёфатга чақирилган меҳмондай юармиш. Мен буни сал бошқачароқ айтган бўлардим, лекин комендант айнан нимани назарда тутганини жуда яхши биламан. Аввалбошда айтганимдек, Энди ўз эркинлигини кўринимас либосдек кийиб юарди, гарчи панжара ортида бўлса ҳам уни сира маҳбус демасдингиз.



Нигоҳлари хеч қачон маъносиз бокмасди. У бу ердаги аксарият маҳбуслар каби букчайиб, қисиниб, оёкларига қўрғошин қўйилгандай судралиб юрмасди. Эндининг қадам ташлашлари умуман бошқача эди: қаддини адл тутиб, енгил одим отарди, гўёки қуйдирилган картошка, чириган сабзавотлардан тайёрланган бўтқа ўринига гўзал аёл ширин таомлар пинириб уйда уни кутарди-ю, у уйга ошиқарди... Девордаги Реквел Элчининг суратини айтмайсизми?! Гарчи охирги тўрт йил ичидаги Энди бошқалар каби қисиниб-қимтимаса-да, шаштидан тушди, ўз қобигига ўралиб, янада камгар бўлиб қолди. Ким хам уни айблай оларди? Фақатгина Нортон.

XX

Эндининг маъюслиги 1967 йили — жаҳон чемпионати вақтида ўз-ўзидан йўқолди. Ўшандаги «Ред Сокс» голибликни қўлга киритиб, мисли кўрилмаган воеа бўлганди. Жамоа тўққизинчи ўриндан биринчи ўринига чиқиб олгаиди. «Ред Сокс» Америка Лигасининг совриндорига айлангач, бутун турмада ўзгача жонланиш кузатилди. Бу аллақандай бемаъни қувонч эди. Ишончсиз бир жамоага жон кирган экан, демак, хар бир кимсада қайта тирилмоққа имкон бор, деган гап эди бу. Худди собик битломан¹ ўз жинниликлари боисини тушунтириб беролмагани каби

¹ Битломан — «Битлз» гурухининг ашаддий мухлиси.



бу кечинмаларни хам тушунтириб беролмайманми, деб қўрқаман. Лекин ўшандада нажот бордек туюларди. «Ред Сокс» майдонга тушган вактда ҳар бир радио чемпионатни узатаётган радиостанция тўлқинларига тўғриланарди. Ўйин охирига бориб Клевелэндга иккита тўп киритилгач, ҳаммани маъюслик қамраб олди ва Рико Петроселининг ҳал қилувчи тўп отишидан сўнг шиддатли бакир-чакир бошланди. Кейин, чемпионатнинг еттинчи ўйинидаги мағлубиятидан сўнг «Ред Сокс»нинг сехрли «таёқча»си қаёққадир гойиб бўлди, шунда маҳбуслар яна мурдадек серрайиб қолишиди. Ха, бундан Нортоннинг боши осмонга етгандиров. Итдан тарқаган лаънати атрофида бошига мусибат тушиб, тумшайган башараларни кўришни ёқтирас, баҳтдан лов-лов ёнгаи чехраларни кўришга кўзи йўқ эди.

Эндиға келадиган бўлсак, у ох-воҳ килиб ўтирмади. Аввало, у бейсбол фанати эмасди. Осмон узилиб, ерга тушганда хам, у қўлдан чиқиб кетаётган омадни илиб оларди. Энди ўз эркинлигини чанг босиб ётган шкафдан олиб, кўринмас либосдек эгнига яна ўлчаб кўрди...

Кузнинг қуёш чараклаган бир куни сира ёдимдан чиқмайди. Чемпионат тугаганига икки хафта бўлганди ўшанда. Адашмасам, якшанба эди, нега десангиз, ўша куни маҳбуслар сайр майдонида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, бир-бирларига тўп иргитишар, қолганлари кўргани келган яқинларига соқчиларининг хўмрайган нигоҳлари остида жиддий туриб, бу ердаги



хәётлари ҳақида бүлар-бүлмас чўпчакларни айтиб беришарди.

Энди девор тагида чўккалааб ўтирас, кўлида хозиргина ердан олган тошчалар бор эди. Осмонга қўзларини қисиб қараб, қуёш нурларидан баҳраманд бўларди. Анчадан бери бунака очик хаво бўлмаганди, буни аниқ айтоламан.

— Хайрли кун, Ред, — чакирди мени Энди. — Кел, ўтири, гурунглашамиз.

Аста бориб ёнига чўкдим.

— Ма, бу сенга.

У бир жуфт тарашланган «минг йиллик сэндвич» узатди.

— Ў-ӯ, зўр-ку! Катта раҳмат. Ниҳоятда чиройли экан.

Энди мавзуни бошқа ёққа бурди:

— Келаси йил сен учун жуда аҳамиятли йил бўлади.

Бош иргаб қўйдим. Келгуси йили Шоушенкка тунганимга ўттиз йил тўлади, умримнинг олтмиш фоизи турмада ўтятни-я...

— Қачонлардир бу ердан чиқиб кетаман, деб ўйлайсанми?

— Бўлмасам-чи! Соколим узун, оипок бўлиб ўсганда, қариб-чириб, турмадаманми, озодликдаманми, фарқига бормай қолганимда, балки бу амалга ошиб қолар.

Энди мийигида кулар экан, қуёш нурларидан қўзи қисилди:

— О, қандай яхши-я!

— Шунака хушхаво кунда яхши кайфиятда бўлмасликнинг иложи йўқ.



Энди маъқуллаб бош силкиди. Бирмуича вакт оғзимизга толқон солиб ўтирилик.

— Бу ерларни тарк этишим биланоқ, — деб нихоят тилга кирди Энди, — иссик жойларга кетаман.

У шундай ишонч билан ганирардики, түё озодликка чиқишига бир ой қолгандек.

— Биласанми, Ред, ўшанда қаёкка бораман?

— Гўрдан биламанми қаёкка боришингни.

— Зихуантанезо, — дея жавоб берди Энди, бу ном худди мусикадай янгради. — Мехикога яқин. Бу кичкина жой еттинчи магистралдан йигирма миля нарида. Тинч океанидаги Акапулькодан шимоли-шарққа юз миля сузилади. Биласанми, мексикаликлар Тинч уммои ҳақида нима дейишади?

— Билмайман.

— Айтишларича, унинг хотираси йўқ эмиш. Айнан ўша ерда қолган умримни ўтказмокчиман, Ред. Хотиралар ўз-ўзидан учиб кетадиган иссик масканда.

Энди бир ховуч тупроқ олиб, тошчаларни ажратса бошлади. Кафтларидаги кварц қуёш нурида йилтиллади.

— Зихуантанезо. У ерда менинг кичиккина меҳмонхонам бўлади. Соҳил бўйлаб олтита уй ва магистрал яқинида яна олтита. Меҳмонларни балиқ овига олиб борадиган дастёrim бўлади. Мавсумнинг энг катта балиғини тутган кишига совға тайинлайман ва портретини вестибюлга илиб қўяман. У ер асал ойини ўтказиш мумкин бўлган маскан бўлади.



— Буларга муллажирингни қаёқдан олмоқчисан? Молиявий операцияданми?

Энди менга караб жилмайди:

— Топдинг, Ред. Гоҳида сендан ҳайикаман. — Гап бундок, эшит, — давом этди Энди сигарета буркситиб. — Бу беҳаловат дунёда бирон бир кўнгилсиз воеа содир бўлса, одамлар икки турга бўлиниб қолади. Айтайлик, бир уйча, шинам жиҳозланган, маҳорат билан ишланган сувратлар илиб ташланган, антика буюмлар билан тўлдирилган. Бир куни хонадон эгаси бўрон яқинлашаёттанини эшитиб қолади. Бир тур одамлар яхшиликка умид килишади. «Бўрон йўналишини ўзгартиради, — деб ўйлайди ўша одамлар. — Мўъжазгина уй ва кўхна сувратларнинг совурилиб кетиши ақлга сиғмайди. Яратган Эгам бунга йўл қўймайди... Шукрким, шундай бўлган тақдирда ҳам барча мол-мулк сугурта килинган-ку». Бу бир тур одамларнинг ўй-фикри. Бошкаси эса бўрон тўппа-тўғри унинг устига бостириб келиб, йўлидаги барча нарсаларни остин-устин қилиб юборишига ич-ичидан ишонади. Ҳатто об-хаво даракчилари бўрон йўналишини ўзгартирганини тасдиқлаб туришсада, бундай одам бўрон яна қайтиб келиб, уйини ер билан битта қилиб кетишидан юрак ховучлаб ўтираверади. Бундай одамлар хаммаси яхши бўлишига ишониш керак, деб ўйлашади... Лекин энг ёмонига тайёр туриш керак.

Сигарета ёкиб, сўрадим:

— Кутимаган тасодифлардан ўзимни эҳтиёт килдим, демокчимисан?



— Ха, бўронга тайёр турибман. Қанчалик даҳшатли эканлигини ҳам биламан. Вақтим оз эди, аммо берилган фурсатдан унумли фойдаландим. Бир дўстим бўларди, менга таяич бўлган ягона одам. Портленддаги инвестиция компаниясида ишларди. Олти йил олдин казо қилди.

— Жойи жаннатдан бўлсин!

— Айтганинг келсин. — Энди сигарета қолдигини улоқтирди. — Линда иккаловимизда ўн тўрт минг долларга яқин жамғармамиз бор эди, кўп эмас-у, аммо бари бир пул-да. Лекин жин урсин, ўша пайтда биз ёш эдик, орқа-олдини ўйлаб ўтирасдик. Бўрон бошлиланганда эса «сувратлар»имни хавфсиз ерга кўчира бошлиладим. Акцияларни сотиб, намунали фуқаро сифатида барча соликларни тўлаб қўйдим. Ҳеч нарсани яшириб ўтирмай, декларацияга барчанини киргиздим.

— Ҳисобингни музлатиб қўйишидими?

— Мен қотилликда айбландим, Ред, мурдага айланмагандим! Айбсиз одамнинг мол-мулкини музлатиб қўйиш мумкин эмас. Худога шукур! Буларнинг барчаси жиноятчи деб хисобланмасидан аввал бўлиб ўтди. Жим, ўша дўстим иккаловимизда вакт оз колганди. Бор-будимни арzon-гаровга ташладим. Албатта, бунда кўп нарса ютказдик. Лекин ўшанда сикилишимга бошка жиҳдий сабаблар бор эди.

— Ха, бу ганинга қўшиламан.

— Шоушенкка тушганимда ҳаммаси бус-бутун сақланиб қолди. Ҳозир ҳам. Бу деворлар ортида қиёфасини ҳеч ким кўрмаган бир



одам яшайди. Унинг ижтимоий хавфсизлик карточкаси ҳам, Майндан олган хайдовчилик гувоҳномаси ҳам бор. Ҳатто, ишонсанг, Питер Стивенс иомига ёзилган туғилганлик хакидаги гувоҳномаси бор. Ажойиб исем, нима дединг?

— Ким у?

«Энди» деб жавоб беришини кутиб турардим, аммо бир вактнинг ўзида бунга ишонолмасдим.

— Мен.

— Кетингни коплар ковлашаётган бир пайтда, қалбаки ҳужжатларни тайёрлашга етарлича вактим бўлди, демагин тагин. Ёки судда ишинг кўрилаётганда, буларни амалга оширишга ултурсингми?

— Бундай демоқчи эмасман. Дўстим Жим ҳужжатларни менинг ўрнимга расмийлаштириди. У берган апелляциямни рад килишганидан сўнг ишга киришди. Асосий ҳужжатлар 1950 йилгача унинг қўлида эди.

— У билан бир майизни бўлишиб еганмисизлар дейман.

Билмадим, бу гапларга қанчалик ишондим экан. Лекин кун очик, қўёш заррин нурларини аямас, кайфиятим аъло эди, шунгами, бу кизиқарли хикоя бўлиб туюларди.

— Булар юз фоиз ноконуний, мен сенга айтсам.

— У менинг энг яқин дўстим эди. Елкама-слка жанг килганимиз. Францияда, Германияда, оккупация пайтида ҳам бирга бўлганимиз. У чин дўстим эди. У бу мамлакатда ноконуний бўлсада, қалбаки ҳужжатларни тайёрлани осон ва хавф-



сизлигини биларди. У пулларимни олди, барча соликлар шундай силлик түлангаңдики, IRS ҳам тирноқ ичидан кир тополмади. Пулларимни дүстим Питер Стивенс номига қўйди. Булар 1950 ва 1952 йили бўлганди. Ҳозир ҳомчўтим бўйича банкда уч юз етмиш минг доллар ётибди.

Афтидан, оғзим ланг очилиб қолганди, чунки Энди менга қараб қулиб юборди.

— Агар бу ерда ўлиб кетмасам, қўлимда етти-саккиз миллион пулим, «роллс-ройс»им бўлади. Пул бўлса, чангалда шўрва.

Энди қўлига яна бир ховуч тошчаларни олди.

— Мен яхшиликка умид қилиб, ёмонига тайёрланяпман. Қалбаки исм-шариф мана шу кичкина маблагни сақлаб туриш учун керак.

Шунчаки мен олдиндан ўзимни эҳтиёт қилиб, кўч-кўронимни уйдан олиб чиқдим. Минг афсуски, бўрон шунчалик узок давом этади, деб ўйламагандим.

Бирмунча вакт жим ўтиравердим. Ёнимда ўтирган манави кулранг қамоқхона кийимидағи озғин, ўрта бўйли одамнинг комендант Нортоннинг бутун қабихона хаётида ишлаб топган пулдан кўра кўпроқ мол-дунёга эга эканлигини англашга тиришардим.

— Демак, адвокат ёллай олишингни айтганингда, ўзингни гўлликка солган экансан-да, — дедим инҳоят. — Бунча пулга Клэренс Дерроу¹

¹ Клэренс Сьюард Дерроу — американлик машхур ҳуқуқиунос, Америка фукаролар озодлиги иттифоқининг раҳбарларидан бири, кўплаб оғизга тушган суд жараёниларида адвокат сифатида катишган.



ёки ундан ҳам зўрини ёллаш мумкин-ку. Нега шу пайтгача индамай ўтиравердинг? Сен бу Худо урган жойдан ўқдай учиб чиқиб кетган бўлардинг.

— Жа уччалик эмас, — деди Энди кулим-сираб.

— Яхши адвокат Томми Уильямсни Кешмендан олиб чиқиб, у хоҳлайдими-йўқми, ганиришига мажбур қиласарди. Ишинг яигидан кўриларди, Элвуд Блейчни топиш учун хусусий изтопарларни ёллаб, уйинг куйгур Нортонни ахлатга корардинг. Нега шуни қилмадинг, Энди?

— Чунки мен ўзимни ўзим чув туширдим. Агар Питер Стивенснинг пулуга кўз олайтирадиган бўлсам, бир тийинимгача йўқотаман. Бу ишни Жим килиши мумкин эди, афсуски, у ўлган. Кўряпсанми, муаммо нимада?

Бу пуллар Эндига кўп нарса бера олишини кўриб турадим, таассуфки, пуллар бошқа шахсга тегишли эди. Пуллар тикилган тармоқ инқирозга учраса борми... Эндининг қўлидан келадигани «Пресс-жеральд» саҳифаларидағи акциялар курсини кузатинидан иборат эди, бошқа ҳеч бало қилолмасди. Таваккал вазият, мен сизга айтсам.

— Сенга яна бир нарса айтаман, Ред. Бакстон шахарчасида пичани ўриб олинган ўтлок бор. Бакстон қаердалигини биласан-ку.

Буни билардим.

— Жуда соз. Ўтлокнинг шимолий бурчида Роберт Фростнинг шеъри ўйиб ёзилган харсангтош бор. Тошнинг тагига қора шиша қистириб



қўйилган. Ўша шиша кирқ еттинчи йилгача менинг пресс-напъем¹ бўлган. Шинани тошнинг тагига Жим қўйган. Унинг тагида Портленд банкидаги депозит қутининг калити ётибди.

— Аҳволинг чатоқ-ку. Дўстинг у дунёга равона бўлганда, IRS унинг васиятининг ижроиси билан барча депозит қутиларни очиб кўргандирам.

Энди яна бир кулиб қўйди:

— Сен ўйлаганчалик аҳвол ёмон эмас. Бунинг олдини олиб қўйганимиз. Қути Питер Стивенс номига ёзилган, хар йили Жим васиятининг ижроичлари ҳисобланмиш ҳукуқшунослар компанияси банкка чек жўнатади. Рента дурустгина киритилади.

Питер Стивенс ўша қутида, эртами-кечми ташқарига чиқади. Ҳайдовчилик гувохномаси олти йилга узайтирилган, нега десанг, Жим олти йил аввал қазо қилди, хечқиси йўқ, гувохномани беш долларга яна қайта тикласа бўлади. Қутида бундан ташқари биржা сертификати ва йигирмата минг долларлик облигациялар ҳам бор.

Шу жойида хуштак чалиб юбордим.

— Питер Стивенс Портленд банкига яхшилаб қулфлаб қўйилган, Энди Дюфрейн эса Шоушенкка ундан ҳам ишончлироқ қилиб қамалган. Муаммо шуида. Хужжатлар, пуллар ва янги хаёт яширилган қутининг калити Бакстон ўтлогидаги

¹ Пресс-напъе — ёзув столини безатини учун ишлатиладиган, бронза, мармар ёки шишадан ясалган декорация буюми.



кора шиша тагида. Хеч кимга айтмаган гапимни сенга айтаман, Ред, сўнгги йигирма йил ичида Бакстонда янги қурилиш лойиҳаларига оид янгиликларни излаб газеталарни ютошиб ўқидим. Бир кун келиб рўзномаларда ўтлок устига магистраль ётқизишганини ёки шифохона ва универмаг қуришганини ўқиб қолишдан қўрқяпман. Ана ўшанда хонумонимдан айриламан.

— Э Худо, Энди, гапларинг рост бўлса, қандай килиб аклдан озмадинг?

Энди жилмайди:

- Фарбий фронтда ўзгарини йўқ.
- Лекин йиллар ўтиб...

— Ха, бўлиши мумкин. Бирок ҳукумат ва Нортон истаганидан кўра вактлироқ озодликка чикиш эҳтимоли бор. Мен узок кутиб ўтиролмайман. Эртаю-кеч Зихуантанезо ва ўзимнинг бўлажак меҳмонхонам ҳакида ўйлаяпман. Бор-йўқ истагим шу. Глен Квентинни ҳам, хотинимни ҳам ўлдирмадим. Мен истаётган меҳмонхона эса... чўмилиб, қўёшда тобланиб, деразалари очик хонада ухлашни ўйласам, эх... Одатий инсон хоҳиши-истакларидан бири. Инсоннинг баҳтли бўлиши учун шунинг ўзи етарли-да.

У тошчаларни ерга ташлаб, кўзимга боқиб, такаллуфсиз сўзини давом эттирди:

— Биласанми, Ред, у ерда менга хамма нарсани мухайё кила оладиган одам керак бўлади.

Бу сухбатни анча вактгача ўйлаб юрдим. Бадбуй турма майдончасида, минорадаги тиш-



тирноқларигача куролланган соқчиларнинг ўқрайган нигоҳлари остида бундай лойиҳаларни ишга тушириш борасида тортишиб ўтиришимиз хечам бемаъни туюлмади.

— Кўлимдан келмайди, — деб жавоб бердим. — У ерда кўл қовуштириб ўтиравераман. Мен эрксизлигимга ўрганиб қолганман. Бу ерда қўлимдан кўп иш келади. Озодликда менинг қобилиятларим итга ҳам керак бўлмайди. Кутловхат ёки сайқалловчи ёстиқчалар сотиб олмокчи бўлсанг, қўлингда хамиша йирик универмагларнинг каталоглари бўлади. Бу ерда мен ўша каталог ролини ўйнайман. Озодликда эса... нима қилишни ҳам билмайман, у ерда қўлим боғланади.

— Ўзингни ерга ураверма. Сен хаётида ҳамма нарсага ўзи мустакил эришган одамсан. Сен тенги йўқ одамсан мен учун.

— О, шайтон олсин, ҳатто мактаб шаходатномам ҳам йўқ.

— Биламан, лекин одамни одам қиласидиган — қофоз эмас ва уни турма ҳам йўқ қилолмайди.

— Бу тошеворлар ташқарисида мен хеч кимман, Энди. Бу аник.

— Гапларимни танангта бир ўйлаб кўр, — деб ўрнидан туриб, нари кетди. У менга худди озод одамга қилинадиган муомалани қилганди. Бир онга ўзимни ростакам озод ҳис этдим. Ҳа, Энди мўъжиза содир эта олади. Унинг гаплари туфайли вақтинчаликка иккалувимизниг ҳам умрбод қамалганимизни унутдим. Минорадаги «азаматлар»ни ҳам, баптист комендантни ҳам.



Бу Нортон деганлари Эндиға ёпишди-қўйди.
Ахир, унинг учун Энди хисоб-китобни юритиши-
га ўргатилган уй хайвони-да!

Тунида ўз камерамда ётиб яна маҳбусга айлан-
дим. Эндининг ғояси фирт бемаъни эди, лекин
у онги шууримни занжирлаб қўйди. Кўм-кўк
сув ва опшоқ қумлок пляжни кўз олдимга кел-
тириш юрак-бағримни эзарди. Мен Энди каби
куриимас либосни кия олмасдим. Алоқ-чалоқ,
оғир туш кўрибман: ўтлоқ ўртасида қоп-кора
харсангтош. Калитни олиш учун минг чираниб
кўтармай, тош хеч жойидан силжий демасди.
Кейин узоқдан исковуч итларнинг акиллагани
эшитилди...

XXI

Мана, энди турмадан қочинилар ҳақида
сўз юритиши фурсати ҳам етди. Албатта,
қочқинликлар «бахтиёр оиласиз»да вакт-бевакт
садир бўлиб турарди. Девордан, шубҳасиз, ошиб
ўтолмайсиз. Прожекторлар туни билан теварак-
атрофни ёритиб туради. Маҳбуслар гохи-гохида
девордан ошиб, бари бир прожектор нурлари-
га тушишади. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам,
полициячилар бечора кочоқларни олтинчи ёки
тўққизинчи магистралда кўл кўтариб, машина
тўхтатмоқчи бўлишганда, ушлаб олишади.
Агар улар фермерларнинг ерларидан писиб
ўтишмоқчи бўлишса, кимдир қамоқхонага сим
коқиб, қочоқнинг қаердалиги ҳақида хабар бе-
ради. Девордан ошмоқчи бўлгаилар шунчаки



тентаклардир. Кулранг қамоқхона кийимида далада югуриб кетаётган одам дастурхондаги пирогга қараб ўрмалаётган суварақдан хам баттаррок аячли ахволда бўлади.

Ишининг кўзини билиб ҳаракат қилувчи йигитлар ҳар доим фурсатдан фойдаланадилар. Улар баҳтли тасодифни қўлдан бой бермай, бор фахм-фаросатларини ишга солишади. Кўплар турма дарвозасидан чиқиб кетаётган кирхона кийимлари орасига ётвониб қочишиган. Шоушенкка энди келган пайтларим бунақа воқеалар кўп бўларди, шунинг учун маъмурият бу борада зийракликни янада оширган.

Нортонинг машхур «Тазарруга элтувчи йўл» номли дастури қочишининг янги вариантларини келтириб чиқарди. Хаскашни олиб, соқчи бир стакан сув ичгани кетганда ёки икки соқчи даҳанаки жанг қилиб турганда, секингина қуённинг расмини чизишдан осони йўқ.

Минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йишли маҳбусларни картошқа йиғим-теримига жўнатишиди. Учинчи ноябрь, иш охирлаб қолганди. Генрих Пух исмли соқчилардан бири — ҳозир у орамизда йўқ — комбайн бамперига ўтироволиб, карабинини тиззасига қўйганча, бамайлихотир нонушта қиласди. Кеч кузакнинг туманида қаёқдандир ўн долларлик қофоз пул пайдо бўлди. Пул изғиринда учиб юради. Пух бу ўн долларлик ўзининг чўнтағида янада жозибалирок кўринади, деб хисоблади, шекилли, пулнинг орқасидан югуришга тушди. Шунда уч нафар маҳбус билди-



май қочиб қолди. Иккитасини тутиб келишиди. Учинчи одам эса хозиргача топилмади.

Лекин энг машхур воқеа — Сид Недью томонидан амалга оширилган қочиш бўлса керак. Воқеа 1958 йили бўлиб ўтганди. Сид шанба куни бўлиб ўтадиган матч учун бейсбол майдонига чизик тортарди. Соат уч бўлгани ва яиги навбатчи сокчилар келганидан дарак берувчи хуштак чалинди. Дарвоза очилиб, навбатчиликдан қутулган сокчилар кўчага қараб йўл олишиди, навбатчиликка келганлари эса ичкарига киришиди. Хар доимгидек сокчилар навбатчилиги олқишлиар, елкага қоқиб қўйишлар ва уятсиз ҳазиллар билан қарши олинди... Сид шартта чизик тортувчи машинани дарвоза томон ҳайдаб, ортидан оппоқ йўл-йўл чизик қолдириб фойиб бўлди. Машина қамоқхона худудидан анча узокдаги чуқурликдан тонилди. Сиддан эса ном-нишон йўқ эди. Қандай қилиб уддалагани хаёлимнинг кўчасига ҳам кириб чиқмаганди. У шунчаки ортидан оҳак чангини қолдириб, машинани учиртириб кетди. Ўша куни ҳаво очик эди, навбатчиликлари тугаган сокчилар уйга кетаётганликларидан хурсанд бўлса, ўрин алмашаётганларнинг лаб-лунжлари осилганди. Уларнинг хеч бири машинани тўхтатиш учун жойларидан қимирлашмади. Чангдан йўталиб, чучкириб, уст-бошларини қоққунча, Сид кўздан йўқолди.

Билишимча, у хозиргача озодликда. Энди икковимиз бу оламшумул кочкинликни эслаб кулишардик ва бир куни аэроиланин ўғирлаб



қочган азамат ҳақида эшитганимизда, бу юраги ботирининг асл исми Сид Недью эканлигига гаров ўйнашга ҳам тайёр эдик.

— Бу занғар омад келтирсин деган ният билан, бир сиким охак ҳам олволгани аниқ, — деганди ўшанда Энди. — Пешанаси ялтираган-да итдан тарқаганинг!

XXII

Сид Недью ва картошка полизидан секингина сурворган йигитнинг қочиши каби тасодифлар камдан-кам содир бўлишини ўзингиз тушунасиз, деб ўйлайман. Бундайин омадли уринишлар учун сон мингта баҳтли тасодифлар бўлиши керак, Эндига ўхшаганлар эса олма ниш — оғизимга туш, деб кутиб ўтиrolмайди.

Юкорида кирхона бригадири бўлмиш Хендлей Бакус ҳақида гапиргандарим ёдингиздадир. У Шоушенкка 1922 йили тушиб, орадан ўттиз бир йил ўтгач, турма лазаретида бандаликни бажо келтирди. Турмадан қочиш ва қочишга уриниш унинг хоббиси эди. Шуниси ҳам борки, у бу ишларни бир ўзи бажаришни хаёлига ҳам келтирмасди. У олдингизга юзлаб турли режаларни қалаштириб ташларди. Ҳаммаси ахмокона ва качонлардир ким томонидандир си-ниаб кўрилган. Менга ҳаммасидан кўра фабрика ертўласида қандайдир чикиндилардан ўз кўли билан глайдер¹ ясамоқчи бўлган Бивер Морри-

¹ Глайдер — моторсиз учин аппарати.



сон хақидаги чўпчак ёқади. Бу матоҳ чиндан ҳам учиши лозим эди: Бивер «Ўсмирлар учун қизиқарли техник тажрибалар» номли эски китобдан фойдаланганди. Чўпчакда айтилишича, Моррисон глайдер ясайди, лекин бу матоҳни топа олмайдилар. Афсуски, Моррисон глайдерни ташкарига олиб чиқиш мумкин бўлган эшикни тополмайди.

Бунақа ҳикояларни Хендлей ўнлаб келтириши мумкин эди. Бир сафар у менга Шоушенка келганидан бери турмадан кочиш хақидаги тўрт юздан ортиқ ҳикояларни эшитганини айтганди. Ўзингиз ўйлаб кўринг — тўрт юз марта-я! Буни Хендлей Бакус турмада ўтказган даврга бўладиган бўлсак, йилига ўн икки бутун ўндан тўккиз мартаға тўғри келади. «Ойнинг энг яхши қочқини» деган клуб ҳам очса бўлади. Албатта, бу уринишларнинг аксари хом, аҳмоқона эди ва тахминан қўйидагича тугарди: сокчи бечоранинг кўлидан шартта ушлайди-да: «Қаёқка йўл олдинг, жинни?! Ҳе, онангни...» деб хақоратлайди.

Хендлей олтмишдан зиёд уринишларни жиддий деб, уларни таснифлаётганини айтганди. Бунга ўттиз етгинчи йилдаги ўзининг машхур «иши»ини ҳам киритибди. Ўшанда янги маъмурӣ бино қурилиб, ўн тўрт нафар маҳбус яхши ёнилмаган эшикдан қочиб кетишганди. Бутун жанубий Майн ўн тўрттта «ашаддий жиноятчилар» туфайли оёқка турди. Уларнинг кўплари ўлгудай қўркиб, асфальтга чиқиб олиб, катта тезликда келаётган машинадан қаёқка кочишини



билмай турган қүёндек довдираб қолишиганди. Үн тұрт кочоқдан биттаси хам қутулиб кетолмади. Иккитасини маҳаллий ахолининг ўзи отиб үлдирди.

Мен Шоушенкка түшінген палла, яъни 1937 йыл хамда Зихуантанезо хакида гурунглашған вактимиздан бери қанча қочишлиар бўлиб ўтмади дейсиз? Үзимнинг билганиларим билан Хендлейдаги фактларни кўшадиган бўлсам, үн марта. Үнта муваффакиятли қочиши. Кочганларнинг ярми, менимча, хозир Шоушенк сингари мусассасаларда ўтиришибди. Негаки, тутқунликка ўрганиб қоласан киши. Инсоннинг эркинлигини тортиб олиб, қафасга тикиб кўйишиша, у озод одамдай фикрлаши қобилиятидан маҳрум бўлади. Худди елиб келаётган машинадан қўрқиб, асфальтга қапишиб олган қуён ҳолатига тушади. Кўпинча бундай кишилар пала-партиш иш кўриб, кўлга тушишади... Хўш, нима учун? Чунки уларнинг ўзлари ғайрихтиёрий равишда осойиштароқ ва ишончлироқ панжара ортига тушинини исташади.

Энди бундайлар сирасига кирмасди, мен эса ўшалар каторидаман. Тинч океанини кўриш ғояси мени аллаларди, лекин чинакамига ўша ерда пайдо бўлиб қолиши... Бу фикр мени даҳшатга соларди.

Мехико ва Питер Стивенс ҳакидаги гапларга шунинг учун ишондимки, демак, Эндида қочиши режаси бор. Мен Худодан Эндининг эҳтиёткор бўлишини тилаб иола қиласардим. Лекин барига бир унинг муваффакиятга эришини борасида



гаров ўйнашга юрагим дов бермасди. Нортон Эндини синчиклаб кузатар, ундан кўз узмасди. Энди Нортон учун елкасига ракам ёзилган икки оёқли мавжудот эмасди. Эндининг мияси бутун эди. Нортон уни сиқиб сувини ичишни, иродасини синдиришни истарди.

Магарки турма деворлари ортида, қаердадир халол-пок сиёсатдонлар бор экан, демак, камоқхонада ҳам виждонли сокчилар учрайди. Уларни пулга сотиб олиб бўпсиз. Аммо сокчилар орасида хаётга бошқача назар билан карайдиганлари ҳам топилади-ку. Агар ақлингиз расо, қўлингизда унча-мунча пул бўлса, кимдир қилмишларингизга кўз юмади ва ана шунда турмадан қочиб кутулдим, дебяверинг. Лекин бу йўл Эндига тўғри келмасди: Нортоннинг сергаклигини барча сокчилар билар ва жонлари ўзларига ширин туюлар, қолаверса, тайёр ишларини йўқотиб кўйишдан кўркишаарди.

Эндини «Тазарруга элтувчи йўл» дастури орқали ишга тушган гурух таркибида жўнатишига хеч ким журъат қилолмасди. Бинобарин, гурух рўйхатига Нортон имзо чекарди. Устига устак, Энди Сид Недьюнинг вазиятидан фойдаланувчи одам эмасди.

Унинг ўринида бўлганимда, калит ҳақидаги ўйлар мени эзиб ташлаган бўларди. Ҳар тун мижжа қоқмай, даҳшатли тушлар кўрган бўлардим. Бакетон Шоушенқдан узоги билан ўттиз миля нарида. Бир вақтинг ўзида шунчалар якин ва шунчалар олиски!



Мен ўз фикримда қолган бўлардим. Яхшиси, адвокат чақиририб, ишни қайтадан кўриб чикишини талаб кнлган маъкул. Ҳеч курса, Нортоннинг назоратидан сал бўлса-да, нарироқда бўламан. Томми Уильямсни чиндан ҳам таътил дастури орқали оғзини ёпишган, шекилли, лекин бунга юз фоиз ишончим комил эмас. Менимча, Миссисипи адвокатурасидаги биронта чўрткесар озрок хийла ишлатиб Томмини синдирган. Фаҳмимча, ўша адвокат кўпам тер тўкмайди: йигитча Эндига боғланиб қолганди. Бир неча маротаба важ-карсонлар келтириб, шундай йўл тутиш муваффакият қалити эканлигини қайтакайта такрорладим, Энди эса бу ҳакда ўйлаб кўришини айтиб, кулиб кўя қоларди.

Маълум бўлдики, ўша кунлари Энди бошқа нарса ҳакида бош қотирган экан... 1975 йили Энди Дюфрейн Шоушенқдан қочди. Уни қайтариб олиб келишолмади, ишончим комилки, қайтариб олиб келишолмайди ҳам. Ҳозир қаерлардадир Энди Дюфрейн деган одам мавжудлиги эҳтимолдан йирок. Мен Тинч океани соҳилидаги Зихуантанезода мўъжазгина меҳмонхона соҳиби бўлмиш Питер Стивенс исмли одам яшаётганича кўпроқ ишонаман.

XXIII

1975 йили 20 март куни бешинчи блокдаги камера эшиклари ҳар тонгдагидек — якшанба кунлари бундан мустасно — эрталаб соат олтидан ўттиз дақика ўтганда очилди. Одатдагидек,



махбуслар йўлакка чиқиши, ортларидан камера эшиклари тарақлаб ёнилди, сунгра иккитадан сафланиб, махбуслар блок эшиклари ёнига келиши. У ерда икки соқчи қўл остидагиларни сули ёрмаси, ковурилган палағда тухум ва ёли бекоидан иборат камтаргина ионушта килгани ошхонага жўнатишдан аввал санаб чиқиши лозим.

Соқчилар саноқни тутатгунча ҳаммаси рисоладагидек кетарди. Ҳисобга кўра, йигирма етти одам ўрнига йигирма олтига чиқди. Бешинчи блок махбуслари ионуштага жўнатилди, саноқ кам чиқаётганини эса соқчилар капитанига хабар қилиши.

Капитан Ричард Ганъяр, умуман олганда, анойилардан эмасди. У ёрдамчиси Дейв Беркс билан бешинчи блокка кириб, камера эшикларини очиши ва қўлларида резина таёқ, тўппонча тутганча, йўлак бўйлаб юриши. Кимdir ҳисобда кам чиқсан бундай ҳолларда кўпинча камерада қаттиқ оғриб қолиб, оёқка туролмайдиган бирон-бир бечора топиларди. Камдан-кам ҳолатларда кимdir ўлиб-нетиб ёки ўз жонига қасд қилган бўлиб чикарди.

Бу сафар эса сира кутилмаган ҳолат юз берди: соқчилар на касални, на ўликни тона олиши. Умуман ҳеч кимни топишолмади. Бешинчи блокда ўн тўртта камера бўлиб, еттитаси йўлак тарафда, еттитаси нариги тарафда. Барча камералар бўм-бўш.

Ганъярнинг биринчи тахмини мантикий эди: ҳисобда хатоликка йўл қўйилган. Шу са-



баб нонуштадан сўнг ишлапига бориши ўрнига маҳбуслар камераларига олиб келинди. Барчасининг бундан оғзи қулоғида. Кун тартибининг ҳар қандай бузилиши маҳбусларга майдек ёқади. Камера эшиклари очилди, маҳбуслар ичкарилаши, эшиклар така-так ёнилди. Қандайдир масхарабоз кичкирди:

— Ҳой, йигитлар, бугун қўл қовуштириб ўтирамизми, нима бало?

Беркс:

— Оғзингни юм, йўқса ақлингни киритиб қўяман.

Масхарабоз:

— Бу гапингни бориб хотинингга айтасан, Беркс.

Ганъяр:

— Ҳамманг овозингни ўчир, бўлмаса, бошлинига ит кунини соламан.

Ганъяр Беркс билан йўлак бўйлаб ҳаммани санай бошлади. Узоққа боришнинг хожати қолмади.

— Бу кимнинг камераси? — деб сўради Ганъяр тунги сокчидан.

— Энди Дюфрейнники, — деб кўлдиради сокчи.

Мана шу иккита сўз бомба портлаши каби янгради. Жонга теккан тартиб-интизом барбод бўлди.

Мен кўрган барча фильмларда кочиш юз бериши биланоқ сиреналар чинқириб, шовкин сурон бошлинарди. Шоушенкда хеч қачон бундай бўлмайди. Ганъярнинг биринчи бўлиб



килган иши, бу — коменданитга бўлиб ўтган воқеа ҳакида хабар бериши бўлди. Иккинчидан, турманинг тит-питетини чикариб, қидирув эълон қилди. Учинчиси, маҳбус кочгаилиги эҳтимоли борлиги ҳакида полицияни огоҳлантириди.

Буларининг барчаси қўрсатма бўйича иш тутиш эди. Кочоқнинг камерасини тинтув килишининг сира зарурати бўлмаганди, ит хам бу ишни килмаган бўларди. Вактни ҳавога учирининг нима кераги бор? Барибир ўша-ўша меъдага теккан манзарани кўрасиз: панжарали эшик ва дарча, каравотдан иборат тор камера, дарвоқе, токчада ялтир-юлтир тошчалар.

Ха, яна, плакат. Бу сафар Линда Рондстадт. Сурат 26 йил мобайнида бир гўзал ўрнини бошқа жонон эгаллаб келган худди ўша жойида, каравот тенасига илиб қўйилган. Агар битта-яримта сурат ортига бокканида борми, бoshига гурзи билан ургандай оғир зарба тушган бўларди.

Лекин бу Эндининг йўқлиги аниқлангандан сўнг ўн икки соат ўтиб, Энди қочишни амалга оширганидан кам деганда ўн икки соат кейин рўй берди.

XXIV

Нортон иак ғазаб отига минди.

Нортоннинг кабинетида бўлиб ўтганларни ўзимнинг ўша ишончли манбам — маъмурий бино полларини чиннидек тозаловчи кария Честердан билиб олдим. Факат ўша куни Чес-



тер кулоқлари билан қулф тешигини тозалаб ўтиради: комендантнинг бакир-чакири бутун қамоқхонага эшитилиб турди.

— Сиз аклдан озибсиз, Ганъяр! «Қамоқхона худудида топилмади», деганингизда, нимани назарда тутяпсиз? Бу нима деганингиз? Бу сиз уни қидириб тополмадингиз дегани! Ернинг тагидан бўлса ҳам топинг! Худо урсин, шундай қилсангиз, ўзингизга яхши бўлади! Мен уни топишингизни истайман, эшиятисизми?

Ганъяр бир нима деб мингиллади.

— «Бизнинг навбатчиликимизда эмас», деганингиз нимаси? Бу қачон содир бўлганини хеч ким билмайди. Содир бўлдими ўзи бу бемаънигарчилик? Ган бундок, соат 15:00 да у менинг оғисимда бўлиши шарт ёки каллангиз кетади. Бунга ваъда бераман! Биласиз, ваъдамнинг устидан ҳар доим чиқканман!

Ганъяр алламбало деб лукма ташлайди, бундан Нортон портлайди.

— Нима?! Бу ёкка қаранг! Бу ёкка, дейпман! Кўряпсизми?! Бешинчи блокдаги туниги навбатчиликнинг рапорти. Ҳамма маҳбуслар жой-жойида! Дюфрейн кечкурун соат тўққизда камерасига қамаб қўйилган. Ҳозир камерасида йўклиги аклга сифмайди! Сифмайди, тушуняпсизми? Зудлик билан уни топинглар!

XXV

Аммо соат 15:00 да ҳам Энди Нортоннинг оғисида пайдо бўлмади. Комендантнинг шахсан ўзи бешинчи блокка бостириб кирди. Биз кун



бўйи камераларимизда қамалиб ўтирадик. Бизни сўрокқа тутишдими? Бу гап жуда юмшоқ айтилди. Биз ўша куни фақат шу билан овора бўлдик. Дарғазаб соқчиларнинг боши-кети йўқ саволларига жавоб бердик. Барчамиз бир гапни қайтараверардик: ҳеч нима кўрмадик, ҳеч нима эшитмадик. Биз барчамиз ҳакиқатни гапирадик. Жумладан, мен ҳам. Барчамиз бир гапни сўзма-сўз такрорлардик: камералар ёнилиб, чироқлар ўчирилганда, Энди жойида эди. Бир йигит билиб-билмай Энди кулф тешигини қитирлатганини айтиб юборди, бу гапи унга қимматга тушди: тўрт кунлик карцер. Ҳамманинг асаби тарапт эди.

Алқисса, Нортон жанобларининг ўзлари бизнинг қошимизга келди. Кўк кўзлари ғазабдан ўт сочарди. У бизга, гўё ҳаммамизнинг тилимиз бирдай, ўқрайиб қаарди. Гаров ўйнайман, у шундай ўйларди.

У Эндининг камерасига кириб, атрофга назар солди. Камера Энди колдириб кетган холатда эди: кўрпа-тўшак ўрни-ўрнида, кимдир бугун каравотда ухлаганга ҳам ўхшамайди. Токчада тошчалар... лекин ҳаммаси эмас. Энди ёқтирган тошчасини ўзи билан олиб кетибди.

— Тошчалар, — деб ириллади Нортон ва уларни сикимлаб дарчага отди.

Ганъяр бир сапчиб тушди, бирок ҳеч нарса демади. Нортоннинг нигохи суратда қотди. Линда қўлларини кетига ёнишиб турган сарвиш слаксининг¹ орка чўнтакларига тиққанча, ел-

¹ Слакси — калта жинси шим.



каси она назар ташларди. Майка-тоң келишгән қадди-коматини ва Калифорния қүёнида тобланған майин терисини күз-күз килиб турарди. Баптистик дүнекараңыга эга Нортон учун бунақанги лобарлар дүзахдан чиқкан алвас-ти эди. Шу дақықада Нортонга караб туриб, қачонлардир Энди сурат ичига кириб, мана бунақанги кизнинг ёнида бұла олишини айтганини эсладим.

Энди шуидай килибди ҳам. Нортон буни бир неча сониядан кейин билиб қолди.

— Қандай жирканчлик! — деб вишиллаб, комендант суратни девордан кескин ҳаракат билан юлиб олди.

Шунда сурат ортидаги бетонда охирі күрин-майдиган түйнук очилиб қолди...

XXVI

Ганъяр түйнукка киришдан бош тортди. Нортон киришга буйруқ берди — Ё Раббим, Нортоннинг капитанга томоги йиртилгудай бўлиб бақирганини эшитиш керак эди — Ганъяр эса рад эди.

— Ишдан хайдайман! — деб айюҳаниос солди Нортон. Шу дамда у шаллаки хотинни эслатарди. Унинг бутун хотиржамлаги ғойиб бўлганди. Бўйни қизариб, чакка томирлари лўқ-лўқ килгани шундок күриниб турарди. — Бунинг учун каллангиз билан жавоб берасиз... Сиз... Сиз, сассик француз! Ишиңгиздан маҳрум бўласиз! Бу якин атрофдаги биронта қамоқхона



бунаканги ландовурни ишга олмаслиги учун шахсан ўзим шуғулланаман!

Ганъяр лом-мим демай хизмат түйпопчасини коменданта узатди. Пичок бориб сүякка қадалганди. Ганъярнинг иш вакти тугаганига уч соат бўлган ва ҳаммаси унинг бўғизига келганди. Вокеалар ривожи шундай кетардик, Эндининг гойиб бўлиши Нортонни акл-хушидан айирганди... У ўша тунда жинни бўлиб қолганди. Йигирма олти маҳбус то осмонда сўнгти юлдуз сўнгунча Нортон ва Ганъярнинг бижиллашганини тингладик. Турма маъмурияти ўзгарганини бир неча бор кўрган биз — узок муддатга қамалганлар ҳозир мухандислар критик кучланиш деб атовчи ҳодиса Самуэл Нортон билан ҳам содир бўлишини билиб турадик.

Менга Энди Дюфрейн олисдан туриб қах-қах отаётгандек туюлди.

XXVII

Нихоят, Нортон туйнукка киришга рози бўлган тунги навбатчиликдаги кўнгиллини топди. Бу сокчи Тремонт эди. Боякини Худо акл улашаётганди, қуруқ қолган кўринади. Бу «қаҳрамонлиги» учун бронза юлдуз оламан, деб ўйлаганми, нима бало?! Маълум бўлишича, туйнукка Эндининг гавда тузилишидаги одам киргани катта омад экан. Мабодо кети каттароқ сокчи кирганида борми, бас бойлашаманки, у ҳозиргача тикилиб ўтираверарди.

Тремонт нейлон ипдан ушлаб ичкарилади. Ипни кимдир машинасининг юкхонасидан то-



нибди. Ипни хар эхтимолга қарши сокчининг белига боғлаб, қўлига қувватли фонар беришиди. Шу ердагилар орасида мияси ишлайдиган ва «кетаман»га тушиб қолган Ганъяр бир боғлам қамоқхона чизмасини топиб келди. Ганъяр чизмаларда нимани кўрганини жуда яхши биламан. Турма деворлари кесиб кўрилганда, сэндвич каби кўриларди: деворининг қалинлиги ўн фут, ички ва ташки секцияларининг ҳар бири тўрт футдан келар, улар орасида икки футлик бўш жой коларди. Бор найранг ана шунда эди.

Туйнукдан Тремонтнинг бўғик овози эшитилди:

— Бу ерда нимадир ёмон сасиянти, комендант.

— Эътибор берманг! Олға юраверинг.

Тремонтнинг оёқлари кўринмай қолди.

— Комендант, сассикка чидаб бўлмаянти.

— Олға, дедим! — бақирди Нортон.

Тремонтнинг аяичли овози зўрга эшитилди:

— Нажаснинг хиди-ку! Э Худойим, нажаску! Ё Раббим! Ҳозир қусвораман. Нажас! Ахир, бу нажас-ку! Худойим-ей...

Кейин боякишнинг ўқчиб-ўқчиб қайт қилаётгани эшитилди.

Мен ўзимни тийиб туролмадим. Бутун куннинг, йўқ, бутун бошли ўттиз йилнинг сирасорлари беш қўлдай менга аён бўлди ва хохолаб қулиб юбордим. Бу лаънати зиндоининг остонасига қадам босганимдан бери буичалик ичагим узилиб қулмагандим. Ё Тангрим, канчалик енгил тортдим-а!



— Бу одамни олиб кетинг! — деб бўкирди Нортон. Мен эса Нортон мени назарда тутяпти-ми ёки Тремонтними, умуман фахмига бормай, қаҳ-қаҳ уриб кулардим. Кулгидан ерга ётиб қолдим. Агар Нортон мени отиб ташлашни амр килганда ҳам кулгидан ўзимни тўхтатолмасдим.

— Йўқотинг бу латьнатини!

Ха, дўстлар, у мени назарда тутганди. Улар мени тўппа-тўғри карцерга олиб боришиди ва мен у ерда ўн беш сутка ўтирдим. Узок муддат. Бирок бечора Тремонтнинг: «Ахир, бу нажас-ку! Худойим-ей...» деб зорланишларини эсласам ҳамда жанубга шахсий машинасида йўл олган Энди Дюфрейнни кўз олдимга келтирсан, хохолашни бошлардим. Бутун ўн беш кун давомида бошимни кўтаролмай мирикиб кулдим. Эҳтимол, вужудимнинг қайсиdir бир қисми хозир Энди Дюфрейн билан бирга бўлгани учундир. Одам ахлатидан эсон-омон ўтган Эндидан уммон томон елаётган покиза иисонга айланган Энди билан эди рухим.

XXVIII

Турли манбаларимдан ўша тунда яна нималар бўлганини билиб олдим. Иш шу билан тугамаганди. Тремонт ошқозонида ҳазм бўлиб улгурмаган кечликдан мосуво бўлганидан сўнг ишни давом эттирмоқчи бўлган. Деворларнинг ички ва ташки секциялари орасига тушиб колишнинг ҳеч бир хавфли ери йўқ эди. Оралиқ шунчалик тор эдики, Тремонт қийналиб, бир амаллаб



пастга тушган. Кейинчалик ўзининг айтишича, нафаси қайтиб, ўзини тириклайнин қўмилгандай хис қилибди.

Пастда у канализация трубасига дуч келибди. Бу керамик труба 1933 йили ўрнатилган бўлиб, блокнинг ўн тўртта ҳожатхонасига хизмат қиласарди. Трубадан дарча очилган бўлиб, ичидан Тремонт Эндининг болғачасини топибди.

Энди озодликка чиқсан ва бу осон бўлмаган. Труба ҳатто деворлар орасидан ҳам торрок эди. Тремонт трубанинг ичига кириб ўтирмади. Бундай ишга қодир ботир ҳали онасининг қорнидан тушмаган, Эндидан ташқари, албатта. Тремонт труба тешигини текшираркан, ичидан каламуш отилиб чиқади. Соқчининг онт ичиб айтишича, каламуш спаниелнинг¹ боласидай келар экан. Тремонт ҳаш-паш дегунча маймундек чаққонлик билан ишга осилиб, камерага қайтиб чиқсан.

Энди трубадан чиқсан. У труба турма деворларидан беш юз ярд нарида тугашини билган кўринади. Ўйлашимча, билган. Трубалар чизилган ҳариталар мавжуд эди ва Энди уларга қўз ташлашга имкон топган. У ҳамиша режа бўйича иш тутарди. Бешинчи блокка хизмат қилувчи оқава сувлар оқадиган труба Шоушенкдаги ягона қайта таъмиранмаган жихоз эканлигини билган. 1975 йили янги канализацион тизим ўрнатилишини ҳам олдиндан билган. Шунинг учун айнан ўша пайтларда отни қамчилаб қолиш керак эди.

¹ Спаниель — овчи итнинг бир тури.




Беш юз ярд. Бешта футбол майдонининг узунлигига тўғри келади. Энди қўлида севимли тошчалари, бир жуфт китоб ва гугурт билан эмаклаган. Қўлансалик ичра эмаклаган. Каламушлар бурнининг тагида чийиллаб, уни таъкиб килишгани аниқ. Коронгуда бу маҳлуқлар янада сурбет бўлишади. Трубанинг қаерлари дидир итариб-сурилиб ўтишга мажбур бўлган, йўкса бутун умр труба орасида қолиб кетиш турган гап эди. Агар унинг ўрнида бўлганимда, клаустрофобиядан¹ юрагим ёрилиб ўлган бўлардим, лекин Энди охиригача чидади. Бир кундан кейин турмадан икки миля нарида Эндининг маҳсус камоқхона кийими топилди. Рўзномачилар дарров воқеани нуфлаб шинширишга тушиди. Бирок турмадан ўн беш миля радиусдаги бирон кимса автомобил ёки кийим-нийим ўғирланди, деб арзи ҳол қилмади. Ойдин тунда яланточ одам югуриб кетаётганини хам бирор кўрмабди. Ҳатто итлар хам вовилламаган. Энди канализация трубасидан чиқиб, сирли тарзда гойиб бўлди, гўёки осмонга учиб кетгандек. Лекин бор-будимни тикиб айтаманки, у Бакстон томонга караб кетганди.

XXIX

Ўша унүтилмас кундан уч ой ўтди. Комендант Нортон истеъфога чиқди. Хеч бир шодхуррамликсиз қўшимча қилишим мумкинки, бу

Клаустрофобия — тор ва ёник жойдан қўркиш.




вактга келиб у эзіб-янчилган әди. Охирги марта қамоқхона дарвозасидан у худди лазаретдаги кари, касал маңбус пешоб қылғани иниллаб-синқиллаб кетаёттани каби оқсаб чиқди. Янги комендант Ганъяр бүлди. Нортонга бу оғир зарба бўлиб тушди. Бунисиин Нортон кутмаганди. Билишимча, Сэм Нортон ҳозир Элистада яшайди ва ҳар якшанба черковга қатнайди. Ўзидан устун келган қандайдир Энди Дюфрейн деган мишики ҳақидағи мудхии ўйлар уни тарқ этмаёттани кундай равшан. Ана шуниقا Сэм, буни қайтар дунё дейдилар. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, деган мақолни ёдда тутиш керак әди.

XXX

Бор-йўқ билганларим шу. Ана энди тахминларимни баён қилиб кўраман. Билмадим, улар қанчалик ҳақиқатга яқин әкан, лекин гаров ўйнашим мумкинки, қалаванинг учини топганман. Бўлиб ўтган воқеаларни ўйласам, биринчи галда телбароқ хинду Норманден кўз олдимга келади.

— Дилкаш йигит әкан, — деганди Норманден Энди билан саккиз ой бир камерада яшаганидан сўнг. — Лекин у ердан кеттанимдан хурсандман. Фўриллаган елвизак изғиб юради камерасида. Нуқул совук. У буюмларига тегинишга хеч кимни қўймайди. Мен кетдим. Ажойиб йигит, на таҳқирлайди, на мазах қиласди. Лекин елвизак жуда ёмон...



Бояқин Норманден биздан кўра кўпроқ нарсани биларди. Агар Норманден у билан саккиз ой бир камерада турмаганида эди, Энди Никсон президентликка сайлантунича озодликда бўларди.

XXXI

Тахминимча, хаммаси 1949 йили — болғачадан эмас, Рита Хейвортдан бошланди. Кинотаетрда Энди мен билан асабий ҳолатда бир-икки оғиз сўз алмашганини айтиб ўтдим. Ўшанда унинг ҳолатини хижолатпазликка йўйгаңдим ва Энди ҳам атрофдагилар уларни одам деб ҳисоблашлари, улар ҳам аёл кишини исташларини билиб қолишини хоҳламайдиганлар тоифасига киради, деб фараз қилгандим. Мана, энди адашганимни тан оламан. Эндининг ҳаяжонланишига боиқа нарса сабаб бўлган экан.

Аслида Нортон соҳибжамолнинг фотосурати ортидан топиб олган ҳамда ўша олис ўтмишда Энди камерасига Рита Хейвортни олиб кирган кунда ҳали пайдо бўлмаган туйнукнинг очилишига нима сабаб бўлди? Эндининг машақкатли меҳнати ва аниқ ҳисоб-китоби. Инсондан унинг онгини тортиб ололмайсан. Аммо боиқа нарсалар ҳам бор эди: омад ва бетон деворининг хусусиятлари. Омаднинг нима эканлигини тушунтириб ўтирумайман. Бетон борасида ҳатто Майн университетига ёздим ва саволларимга жавоб бериши мумкин бўлган одамнинг манзилини олдим. У Шоушенк камоқхонаси қурилиш лойиҳасининг муаллифи эди.



Учинчи, тўртинчи, бешинчи блоклардан иборат бино 1934–1937 йилларда қурилган экан. Эндиликда бетонни автомобиль ва ракета каби «техника ютуқлари» деб бўлмайди, лекин бу нотўри фикр. 1970 йилгача замонавий цемент бўлмаган ва асримиз бошигача замонавий бетонлар мавжуд эмасди. Бетон қориш нон ёпиш сингари жўн вазифа. Сиз оз ё кўп сув қувишингиз, сифатли ё сифатсиз қумни таксимлашингиз мумкин. 1934 йили бу соҳада етарлича тажриба бўлмаганни дейман, бетон сифатсиз чиқди.

Бешинчи блок деворлари қаттиқ, лекин қуруқ. Аниқроғи, зах босган. Вакт ўтган сари уларда ёриқлар пайдо бўлади, ҳатто баъзилари чукурроқ. Бироқ биз бунга ўрганиб қолганмиз. Ёриқларни мунтазам равишда андавалаб туришади. Алқисса, бир куни блокда Энди Дюфрейн деган одам пайдо бўлади. Майн университетининг иктисад факултетида ўқиган ва бизнесмен бўлган, бирваракайига икки ёки учта геология курсини якуилаган одам. Геология унинг хоббиси эди. Бу унинг ғоят синчков табиатига мос тушарди. Минг йиллик музликлар. Миллион йиллар давомида вужудга келган тоғлар. Ернинг пўстлоғи остида харакатланувчи, минг йиллар мобайнида бир-бирига урилиб келган тектоник плиталар. Босим. Энди бир сафар менга геология босимни ўрганишдан бошланишини айтганди. Ҳа, дарвоқе, яна вакт масаласи.

Бу тошdevорларни синчиклаб ўрганиши учун Эндининг вакти бисёр эди: камера эшик-



лари тараклаб ёнилиб, чироклар үчгач, девордан бошқасини кўрмайсан.

Янги келганлар турма хаётига қийин мослашишади. Уларни безгак тутади. Жуда асабийларни лазаретда ўзларига келиши учун тинчлантирувчи дориларни зўрлаб ичиришга тўғри келади. Қамокхона остонасига кечагина қадам қўйган бечораларнинг дод-фарёдини эшитиш биз кариялар учун жуда мароқли машғулот-да. Бечора панжара темирларини тараклатиб, уни чиқариб юборишларини сўраб қичкиради. Шунда блок бўйлаб: «Тилла баликча тўрга илинди», деган овоз янграйди.

Энди 1948 йили Шоушенкка келганида, хеч қандай дод-вой қилмади, лекин бу изтироб чекмади, дегани эмас. У эс-хушини йўқотай дерди. Гарчи аввалги ҳаёти бир зумда парча-парча бўлиб, дўзахий кунлар бошланган эса-да, у шунчаки ўзини қўлга ола билди.

Энди вактни ўлдирувчи ва онигига озука бўлувчи бирон-бир машғулот қидиришга тушди. Турмада кўнгил ёзиш учун турли-туман машғулотларни топса бўлади: афтидан, инсон мияси бенихоя кашшоф ва гап вактичоғлик устида кетганда хеч қанакаиги чегара билмайди. «Исонинг уч хил ёши»ни яратган ҳайкалтарош ёдингиздадир? Кўпчилик танга-чақа ўйирлаб, коллекция килади. Кимдир марка тўплайди. Ўттиз бешта мамлакатнинг маркасига эга бўлган бир йигитни танирдим. Йигит кимда-ким унинг коллекциясига тегинадиган бўлса, ўша маразнинг калласини санчадай узиб ташлашга тайёр эди.



Эндини тошлар кизиктиради. Ҳатто ўзининг камерасида ҳам. Ўйлашимча, аввалбошда у узоқни кўзламаган. Шунчаки, деворга исми шарифининг бош ҳарфлари ёки бир-икки сатр шеърни ўйиб ёзмоқчи бўлган. Бунинг ўрнига бетоннинг юмшоклигини билиб олган. Эҳтимол, биринчи зарбдаёк каттагина цемент парчаси си-ниб тушгандир. Энди каравотида ётиб, бетон бўлагини айлантириб, ўйчанлик билан томоша килаётганини тасаввур қиляпман. Бир зумга Худо назаридан четда қолган бу овлок жойда эканлигинизни унугиб, бурунги хаётингизда ёрик пайдо бўлиб, майда бўлакларга бўлиниб кетди, деб фараз килишиниз мумкин. Бирок ҳозир бу хакда ўйлашнинг мавриди эмас. Яхшиси, манави бетон бўлагига синчиклаб назар солиш керак.

Бир неча ойдан сўнг Энди деворни ўйиб, ташқарига қанча микдорда бетон олиб чикиши мумкинлигини ўйлаб қолган. Лекин деворни очиқласига ўйиб бўлмайди-ку. Устига устак, ҳафталик текширув бошланганда, соқчига: «Буми? Мен шунчаки деворда кичкинагина тешикча очдим. Арзимаган нарса, эътибор берманг», дея олмайсан.

Йўқ, Энди бундай килолмасди. Шу бонс у ёнимга келиб, Рита Хейвортнинг суратини топиб беришимни илтимос килди. Катта нусхасини.

Ва албатта, худди ўша болғача. Ёдимда, 1948 йили болғачани келтириб берганимда, бу матоҳ билан деворни тешиншга олти юз йил



кетса керак, деб үйлагандим. Жүяли фикр. Аммо Энди деворнинг ярминигина тешди, яна қанақа деворни денг, юмшоқ бетонлисини. Бунга йигирма етти йил ва иккита ейилиб кетган болғача керак бўлди.

Бу йилларнинг бир қисми Норманденга сарф бўлди. Бунинг устига ҳамма ухлаганда, тунги соқчиларни хисоблаганда, тунда ишлашга тўғри келди. Ишнинг имиллашига катта сабаб девор парчаларини қаёқладир йўқ қилиш муаммоси эди, деб үйлайман.

Болғачанинг товушини сайқалловчи болишчалар билан пасайтириш мумкин эди. Лекин увада бетон ва шагални нима қилса бўлади?

Эндиға болғача келтириб берганимдан кейинги бир якшанба кунини жуда яхши эслайман. Сайр майдонида кетаётган Эндиға қараб колдим. Мана, у тўхтаб, ердан тошчаларни танлаб олди ва тошчалар бирдан унинг енгида ғойиб бўлди. Енг ёки почага кисса ясад олиш — маҳбуслардан қолган эски хийланайранг. Бопиқа бир кузатишмни хам яхши эслайман. Энди Дюфрейн жазирама ёз куни сайр майдонида юрибди, тўсатдан шабада эсдида, Эндининг оёклари остида чанг ва кум кўтарилиди.

Унинг иккита маҳфий чўнтағи бор эди, назаримда. Уларга цемент увадаларини солиб олар ва хеч ким қарамай турганда, уларни ташлаб юборарди. Иккинчи жаҳон урушида асиirlар лаҳм кавлашганда кўлланувчи эски найранг.



Йиллар шувиллаб ўтиб борар, Энди оз-оздан смирилаётган девор бўлакларни турма ховлисига таширди. У ҳар бир янги маъмурият фириб-гарликларида катнашар, ҳамма уни кутубхонани кенгайтирмоқчи бўлгани учун шундай қиляпти деб ўйларди. Шубҳасиз, бунда ҳақиқатнинг бир улуши бор эди. Бироқ энг асосийси — Энди бешинчи блокнинг ўн тўртинчи камерасида ёлғиз қолмокчи эди.

Билмадим, унда қочини режаси чиндан ҳам бормиди-йўқмиди. Ёки хеч бўлмаганда қочинига бўлган илинж. Эҳтимол, у девор мустахкам ва ўн фут келади, деб ҳисоблаган. Ҳатто бу масофани босиб ўтганда ҳам сайр майдонидан ўттиз фут ташқарига чиқкан бўларди. Лекин у айтганимдек, бу борада ортиқча бош қашлаб ўтирмади. Унинг фикрлари куйидагича оккан бўлса керак: «Бир фут деворни етти йил қазийман, демак, ташқарига етниш йилдан сўнг, бир юз бир ёшимда чиқаман. Эҳ, бўлганича бўлар, ё остидан, ё устидан, таваккал».

Кўрайлик-чи, воқеалар кейин қандай ривожландийкин. Агар унинг машғулотидан хабар то-пишса, ўзини анча узок муддатли карцер кутиб турганини ва карточкасига кора белги тушишини Энди биларди. Ҳафтада мунтазам текширувлар ўтказилар экан, ногаҳоний тўқиашув исталган дақиқада юз берини мумкин эди, шундай экан, бу ҳолат узок давом эта олмасди. Эртами-кечми сокчилардан бири Энди алюмин қошиқдан ясалган ўткир тиғ ёки наша тиқилган сигарета яширмаяптимикин, деб сурат орқасига назар



ташлаб қолиши турған гап әди. Энди таваккал қилди: тутиб олишади ёки йүк. Қамоқхона үлгудай зерикарлы жой. Тунги комиссия дабдурустдан кириб қолиб девордаги хар қандай суратни юлиб олиб ташлани мүмкін бўлган бир замонда Рита Хейвортни рўпарапангдаги деворга илиб қўйиш хаётингга алланечук маъно-мазмун олиб киради.

Ўйлашимча, биргина сўқир баҳт билан Энди йигирма етти йил сирини саклай олмасди. Шундай бўлса-да, илк икки йил ичидаги – 1950 йилнинг майигача, уша Байрон Хендлей воқеасигача, факатгина омадга ишонишга тўғри келганди.

Бундан ташқари, Эндида пул бор әди. Хар хафта сокчилар текширув чогида унинг камерасини обдан титкиламасликлари учун Энди уларга кам-камдан муллажиринг тутказиб турарди. Сокчилар бундай вазиятда ортиқча тиҳирлик килишмайди: ха, нима, чўнтаклари қаппайса, ёмонми?! Бечора маҳбус камерасида сигаретасини тортаверсин, хоҳласа, деворга сурат ҳам илиб қўйсин. Колаверса, Энди ҳамиша мўмин-қобил әди. Совуқкон, боадаб, ичимдагини тоғ қабилидагилардан. Камерасида текширув бошқаларникига қараганда кўпроқ ўтказиладиган тўполончилардан эмасди.

Ўшанда, 1950 йили Энди намунали маҳбусга айланди. Ҳомчўтга тиши ўтадиган таникли одам бўлиб қолди. У ҳисоб-китобни расмийлаштирас, банкка маблаг қўйиш бўйича маслаҳатлар берар, қарз-қавола ва ижара бўйича битим бланклари-



ни тўлдиради. Бир куни Энди кутубхонада сокчилар бошлиғи билан ўтириб, автомобилни ижарага олиш шартномасини параграфма-параграф ўрганиб чиққанди. У соқчилар бошлиғига шартномада нима яхши-ю, нима чатоқлигини тушунтирас, тушунарсиз атамаларни шарҳлаб берар, Шоушенкда ўтирган босқинчилардан рўйхатдан ўтганлиги ва тан олингандиги билан фарқ килувчи молиявий компаниялардан эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтиради. Энди гапини тугатгач, соқчилар бошлиғи қўл сикишиш учун ўнг қўлини узатди... ва дархол қўлини орқага тортиб олди. У бир онга турмадалигини ва маҳбус билан иш кўраётганлигини унутиб қўйганди.

Энди солиқка ўзгартириш киритиш ҳақидаги барча қонунлардан ва акциялар бозоридаги барча вазиятдан хабардор эди, шунинг учун, унинг билимдон мутахассис сифатидаги фаоллиги зинданга тушигандан кейин ҳам тўхтамади. У маъмурият учун фойдали шахс эди. Шу боис «опа-сингиллар» билан жангга нукта қўйилди, кутубхона бойиб борди ва камера аввалгидек Эндининг ихтиёрида эди. У наф келтирадиган қул эди. Маъмурият уни соёлом қўришдан манфаатдор эди.

XXXII

1967 йилнинг октябр ойида оддий эрмак, узоқ давом этган хобби аллақандай каттароқ бир нимага эврилди. Тунда Энди туйиукка бе-



лигача кириб, деворни тенишида давом этаётганды, болғача бетонга сопигача кириб кетди.

Энди бир қаңча бүлакларни олаётганида, бошқа бүлаклар бүшлиққа тушиб, трубага урилиб, янгрок акс-садо бергани эшитилди. Шудамгача у деворлар орасидаги бүшлиқдан хабардормиди ёки бундан воқиғ бўлиб ҳайратда қолдими? Бу ёғи менга қоронғу. Билмадим, шу кунгача камоқхона плани билан танишишга унда имкон бўлганмикин. Агар йўқ бўлса, ишонаверингки, у эртаси куниёқ бу ишни кечкитирмай амалга оширган.

Ўшанда Энди болаларча ўйин ўйнамаётганини англайди. Довга ўзининг озодлиги, ҳаёти тикилганди. Ҳатто шунда ҳам у муваффақиятига ишонмайди, шундай эса-да, қочиш режаси унинг миясини банд қилганди, сабабини суриштирсангиз, айнаш ўша вактда биз Зихуантанезо ҳақида гаплашгандик. Бу туйнук тушмагур тунги эрмак бўлиш ўрнига Эндининг хўжайинига айланганди.

Узок йиллар давомида у Бакстондаги тош остида ётган калитидан хавотирланганди. Бирон-бир янги келган соқчи унинг камерасида пухталик билан тинтуб ўтказилидан ёки янги камерадош келишидан кўркиб яшади. Бу ўйхәёллар саккиз йил унинг миясини пармалади. Бу борада бир нарсани айтишим мумкин: Энди мен билган одамлар ичидан энг совукконидир. Мен бундай мужмалликдан жинни бўлиб қолган бўлардим, Энди эса ўйинни давом эттирди.



Энди ҳар соатда, ҳар дақиқада сири фони бўлиб қолинига тайёр туришга мажбур эди. Буни қарангки, мана шу ўтган йиллар мобайнида Парвардигор уни ўз паноҳида асралди.

Энг кулгилиси, агар уни амнистия қилишганда, нима бўларди?! Озод этиши ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг маҳбусни бўшрок қўриқланадиган бинога ўтказишади. У ерда маҳбус жисмоний, рухий, касбий тестлардан ўтади. Камерани эса эски-тускилардан тозалаб, янги маҳбус учун тайёрлашади. Бунисига нима дейсиз? Озодликка чикиш ўрнига Энди нақ бир асрга карцерга тушган бўларди. Кейин яна ўша зинапоялардан кўтарилиб, бошқа камерага жойлашарди.

Агар у бўшлиққа 1967 йили дуч келган экан, нега 1975 йилгача аммамнинг бузоғидай жим ўтираверди?

Аниқ бир нима деёлмайман-у, тахмин қилишим мумкин. Биринчидан, у янада зийракликни ошириши лозим эди. Ўлар-тириларига қарамай, ниятини амалга ошириш учун у ёоятда аклли эди. У туйнукни аста-секин катталаштириб бориши даркор эди. Ўша йили Янги йилни нишонлаш учун ичкилик буюртирганда, тешик пиёладек келарди. 1968 йили таваллуд кунини нишонлагандага, ликопча катталигига, 1969 йили бейсбол мавсуми бошланганда эса одам сифадиган дарражага етди.

Бу вақтга келиб у жадалроқ харакат кила бошлаганди. Бетон парчаларини майдалаб, маҳфий чўнтакларда ховлига ташин ўрнига улар-



ни оралиққа ташласа бұларди. Эхтимол, Энди шундай қылғандир, балки йўқ. Ахир, жараплаган овоз шубха уйғотади-ку. Агар труба борлыгини билғанда хам пастга учиб тушаётган бетон парчалари вактдан олдин трубани ёриб қўйишидан кўрқкан бўларди. Канализацион тизим ишдан чиқиб, текшир-текшир бошланарди, ана унда тушингизни сувга айтаверинг.

Шуларга қарамай, Никсон иккинчи марта сайланган вақтда туйнук шунчалик катта эдики, Энди бемалол унга сиғарди. Хўш, нима учун у отни камчилик қолмади?

Шу ерига келганды, асосли тахминлар туғаб, факаттина гира-шира тумонлар қолади, холос. Албатта, туйнук минг очилгани билан уни тозалаш керак-ку. Бу иш кўп вақтни олмасди. Хўш, унда нима бўлди? Афтидан, Энди кўрккан. Юқорида айтдим-ку, одам тутқулилкка кўникиб қолади. Аввалбошда тўрт девор ичидага юрагингиз сиқилиб кетади, кейин аста-секин унга ўрганасиз, ўз уйингиздек қабул қила бошлийсиз... Ва ниҳоят, жисму онгингиз кафаста шунчалик мослашиб қоладики, хатто уни яхни кўриб қоласиз. Бу ерда қачон овқатланиб, қачон ухлашингизни, қай вакт чекиш мумкинлигини сизга буюриб туришади. Ишлаётганингизда эса ҳар соатда хожат чиқаришга рухсат берилади. Менинг танаффусим ҳар соатининг йигирма бешинчи дакиқасида келарди ва бу нарса ўттиз беш йил давомида такрорланиб келди. Хуллас, ҳар соатнинг йигирма бешинчи дакиқасида хожатхонага боришни истаб колишим мумкин



эди. Агар бир бало бўлиб боролмай қолсам, ўттизинчи дакиқада ҳожатхонани хаёлимга келтирмасам ҳам бўларди.

Хуллас, Энди каравотида ётиб мижжа қоқмай, канализация трубаси ҳақида неча-нечча тунлаб ўй сурдийкин? Канализация харитаси унга жойлашув ва труба радиусини кўрсатиб турса-да, труба ичидагима бўлишини билиш амри маҳол эди. Худо билади ичидагима бор экан — димиқиб ўлиб-нетиб қолиши, каламушлар ташланиб қолишни хеч гап эмас. Асосийси, трубанинг поёнини топиб етиб бора оладими? Амнистия воеасидан кўра аломатроқ вазиятга дуч келиши мумкин-ку: Энди трубани тешади, қўланса ичидагима беш юз ярдни босиб ўтади ва трубанинг ташқарига олиб чиқувчи оғзида каттакон металл тўрни кўради. Жуда ачинарли вазият, шундай эмасми?

Мана шу саволлар унинг ич-этини ерди. Ҳаммаси хайрли тугаб, Энди трубадан чикқандан сўнг қўча кийимини тона олармиди, қўзга ташланмасдан ғойиб бўла олармиди? Бакстонга эсон-омон етиб олди ҳам дейлик — ўтлоқни топиб, тошни ағдариб кўради-ю, у ерда хеч вақо бўлмаса-чи? Керакли манзилга етиб бориб, у ерда ўтлок ўрнида янги супермаркетни кўриб қолиши учун фожеа тўқиб-бичишнинг ҳожати ҳам йўқ. Ёки бундан ҳам оддийроғи бўлиши мумкин: тошларга ишқивоз биронта болакай шаталоқ отиб юриб, кора шишани кўриб қолади-да, унинг остидан қалитни топиб олади ва уйига сувенир қилиб олиб кетади... Ҳар бало бўлиши мумкин.



Ўша дамларда Энди сездирмасликка уринсада, жуда бетоқат эди. Нима хам йўқотарди, дейсизми? Аввало, кутубхонани, сўнгра одатий тинчгина тобеликдаги ҳаётини. Бунга илова сифатида келгусида ўзининг янги хужжатлари ва пулларидан фойдалана олмаслигини хам айтиш мумкин.

Охир-оқибат у қатъий бир қарорга келди ва ғалаба қозонди.

XXXIII

Энди ростдан ҳам қочишга муваффак бўлдими, деб сўрарсиз балки? Кейин нима бўлди? Тошни аёдариб кўрганда, нима бўлди?

Мен буни айтиб беролмайман, чунки мен халиям тўрт девор ичида ўтирибман. Яқин орада Шоушенкни тарқ этишимга кўзим етмаянти.

Шундай бўлса-да, баъзи бир нарсаларни биламан. 1975 йили 15 сентябрда Техас штатининг Мак Нери шаҳарчасида келган почта кутловхатини олдим. Шаҳарча чегаранинг Америка тарафида жойлашган. Кутловхатнииг ёзилиши керак бўлган орқа томони бўм-бўш эди. Лекин мен ҳаммасига тушундим.

Айнан ўша ердан Энди чегарани босиб ўтарди. Мак Нери. Техас штати.

XXXIV

Кўрган-кечирганларим шулар. Ҳикоям бунчалик узайиб, талайгина сахифани эгаллайди, деб ўйламагандим. Кутловхатни олганимдаёқ



ёзишга ўтиргандим ва мана, бугун — 1976 йили 14 январда битигимга сўнгти нуқтани қўйиш ниятида турибман. Шуларни ёзаман деб учта қалам ва бир талай қоғознинг бошига етдим. Қўлёзмамни бегона кўзлардан усталик билан яшириб юрибман... Э, ўзи бу ажи-бужи ёзувни ким ҳам ўқий оларди.

«Сен ўзинг хақингда ёзмаяпсан, — дейман ўзимга ўзим. — Сен Энди хақида ёзяпсан, ўзинг эса хикоянгнинг иккинчи даражали қаҳрамонисан». Лекин биласизми, бу хикоянинг хар бир сўзи нима бўлса ҳам барибир мен хақимда. Энди — менинг бир бўлагим, нихоят, турма эшиклари очилиб, арzon костюмда, чўнтағимда йигирма доллар билан эркинликка чиққанимда суюнувчи менинг энг аъло бўлагим. Иккинчи ярмим мункиллаб, дармонсизланиб, чумчук пир этса, юраги шир этадиган бўлса ҳам бу ярмим хаётдан севи-наверади.

Шоушенкда Эидини мен каби соғиниб эслайдиган бошқа маҳбуслар ҳам бор. Биз унинг кетганидан ҳам хурсандмиз, ҳам қайғуга ботганмиз. Баъзи бир қушлар қафас учун яратилмаган. Уларнинг патлари мисли кўрилмаган бўёқларда ялт-юлт қиласди, хонишлари эса бевош ва хушловоздир. Уларни озодликка қўйиб юбориш яхши, йўқса бир куни қафасин очганингизда, қуш пириллаб учиб кетади. Шуурингизнинг бир бурчида хис қиласизки, бу қачонлардир содир бўлиши лозим эди ва шундай бўлгани учун қалбингизнинг тубидан се-



винасиз. Лекин уйингиз бу ажойиб жониворсиз хувиллаб қолади, ҳаётингиз зерикарли тус олиб, кўз олдингизни қора булут қоплайди.

Сизга сўзлаб бермоқчи бўлганларим шулар. Гарчи ҳикоям қаериладир пойинтар-сойинтар, ковушмаган бўлса-да, бу хотиралар мени хомуш қилиб, янада кексайтирган бўлса-да, ичимдагиларни тўкиб соганимдан бехад шодман. Эътиборингиз учун миннатдорман.

Энди, агар ҳозир чиндан эркинликда бўлсанг, ишонаманки, сен озодсан, мен учун қуёш тоғлар ортига яширингандан сўнг тунги юлдузларга бок, ҳовучингни тўлдириб тупрок олгин-да, шаффофф, зилол сувга от ва мен учун кўксингни тўлдириб, хурлик ҳавосидан тўйиб нафас ол, қиёматлик дўстим!

XXXV

Кўлёзмамни давом эттираман, деган фикр хаёлимнинг кўчасига ҳам кириб чиқмаганди, лекин мана, олдимда ёзганларим сочилиб ётибди ва мен уларга қўшимча саҳифаларни киритмоқчиман.

Қўшимча саҳифаларни дўкондан сотиб олган қоғозларимга ёзаман. Ха, шундай. Жимгина Конгресс Стратга бордим-да, қоғоз сотиб олдим.

Ҳикоямни 1976 йилнинг январида Шоушенкда якунладим, деб ўйлагандим. Ҳозир 1977 йил, май ойи. Портлендда, «Брюстер» меҳмонхонасидағи хужрамда ўтирибман.



Ойна кия очик. Кўчадан машиналарнинг кўнгилга гулув солувчи шовкини шундоқкина эшитилиб турибди. Мен нуқул панжара йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун деразага карайвераман. Кечаси ёмон ухлайман, чунки арzon хонамдаги каравот ўзимга жуда катта ва ҳашаматли туюлади. Ҳар тонг олти яримда саросимага тушиб, чўчиб сакраб туриб кетаман. Алоқ-чалоқ тушлар кўраман. Эркинилигимни ана-мана дегунча тортиб олишаётгандай. Даҳшат!

Менга нима бўлди? Мени қамоқхонадан чиқариб юборишиди. Ўттиз саккиз йилдан сўнг озод инсонга айландим. Узок вакт турмада ўтирганимдан сўнг улар мени жуда кекса ва хеч нарсага ярамайди, жамият учун хеч қандай хавф солмайди, деган карорга келишиди.

Сал қолса қўлёzmамни ёқиб юборардим. Озодликка чиқарилаётган маҳбусларни ҳам бошдан-оёқ текширишади. Қўлёzmамда эса портлаш хавфи бўлган шундай нарсалар борки, бунинг учун мен тағин камида олти-саккиз йил ўтираман. Энг асосийси – хозир Энди яшаётган шахарнинг номи. Мексика полицияси бажонидил Америка полицияси билан тил биректиради. Бутун қалб қўrimни бериб ёзган қўлёzmамдан ажralmaslik истагим Эндининг хаётига зомин бўлишини хоҳламайман.

Йўлинни топдим. Энди турмага беш юз долларини қай усулда олиб киргани ёдимга тушибди. Ёзув тўла қофозларимни худди шу тарзда олиб чиқиб кетдим. Фалокатнинг олдини олиш



учун Зихуантанезо номи ва Питер Стивенс исми устига аста чизиб ташладим. Күләмани топиб олишганда ҳам яна бир қанча вактта Шоушенкка қайтардим, бирок Эндини ҳеч ким тополмасди.

Озодликка чиқариш құмитаси менга Портлендинг Спрус Малл шаҳарчасидаги катта озиқ-овқат дүконидан иш топиб берди. Мен юурдак бүлдім. Дастёрлик құлувчиilar иккى хил бүлади: болалар ва чоллар. Спрус Маллға харид учун кириб ўтган бүлсанғиз, мен саватингизни машинаңғизга әлтиб берган бүлишим керак. Факат 1977 йилнинг март ва апрель ойлари ўртасида бүлса, бинобарин шу вакт ичида мен ўша ерда ишлагандым.

Олдинига Шоушенк деворлари ташқарисидаги хаётта күниколмайман, деб ўйлагандым. Қамоқхонани жамиятнинг кичрайтирилган нусхаси сифатида тасвирлагандым, бирок катта оламда воқеалар яшин тезлигига суръат олиши ва одамлар тез ҳаракатланишини тасаввур ҳам қилолмагандым. Улар тез ва баланд овозда гапиришар экан.

Янги ҳаётта ҳали мослашиб улгурмадим. Масалан, мени аёллар ҳаяжонга солади. Кирк йил ичида улар инсониятнинг ярмини ташкил этиши хотирамдан үчиб кетганди. Мана, хозир аёлларга лик тұла дүкондаман. Кекса хонимлар, қашайған қориnlарини күрсатиб турувчи «Бу ерда – чақалоқ» ёзувлы майка кийған хомиладор аёллар... Турли ёш ва турли қады-қоматдаги аёллар. Оғзимнинг суви



қочиб, довдираб қолдим. Ичимда ўзимни бу қилмиш им учун: «Кўз олайтириши бас қил, қаридан кўйилмаган чол!» деб сўқдим.

Хожатхонага бирровга бориб келиш масаласига келсак, қистаб қолганда (Эски одат бўйича хар соатнинг йигирма бешинчи дақиқасида қистарди), хўжайниндан рухсат сўрашдан ўзимни аранг тийиб турардим. Бир жиҳатдан, эндиликда бунинг учун изи сўрашнинг кераги йўқ. Бошка томондан, тарки одат — амри маҳол.

Бошлиқ мени ёқтирмасди. У ёш эди — йигирма олти ёки йигирма еттига кирганди. Мен силаб қўйинини истаб суйкалевчи қари кўпак сингари унинг нафратини қўзғардим. Э Худо, мен ўзимнинг ҳам нафратимни қўзғардим, лекин қўлимдан нима ҳам келарди. Мен бу йигитчага: «Қамоқ одамини ана шундай аянчли ахволга солади. Турмада юкоридаги одам хожа, сен эса кўпаксан. Панжара ортида, маҳбуслар орасида бунинг унчалик аҳамияти йўқ, бу ерда эса менинг ахволим тез кўзга ташланади», дегим келарди, лекин обиз очмадим. Бундан не наф? Барибир мени тушунмайди. Худди менинг инспекторим каби. Инспекторим қалин, малла соқолли барваста, поляклар хақида бир талай латифаларни биладиган одам. У мен билан хар хафта беш дақиқага учрашади.

— Хўш, Ред, панжара ташкарисида яшайверасанми? — деб сўрарди ҳазиллари тугаганда. Мен «Ха», дердим.

Радиодан тараалаётган мусика. Шоушенка янги келганимда, мусикий «портлаш» лар




энди-энди бошланганди. Ҳозир эса турли йұналишдаги гурухлар күнайиб кетибди. Ҳаммаси құрқув хәқида күйлаёттандек. Балки мен-га шундай туюлгандир... Күча-күйда машиналар тұлиб кетған. Күчани биринчи марта кесиб үтаётганимда, үзимни қил учида турғандек хис қилдим.

Ёзадиган нарса қўп, умр киска, аммо сиз калаванинг учини илиб олғандирсиз. Шоушенкка қайтишни үйлаб қолдим. Сизни озод қилишгана, бундан осони йўқ. Уят бўлса ҳам тан оламан – үзим ишлаётган дўкондан савдо шулинин ўғирлашини кўзладим... Нима қилиб бўлса-да, эски, қадрон Шоушенкка қайтгим келди.

Агар Энди билан танишмаганимда, ҳозир шундай килармидим. Бу йигит озодликка чиқиш учун қандай қилиб узок йиллар давомида деворни тешганини үйладим. Үзимдан уялиб кетдим. Ҳа, сиз озодликка чиқиш учун мендан кўра унда кўпроқ сабаб бор эди, де-йишингиз мумкин. Унда янги хужжатлар, бир дунё пул бор эди, аммо бу сабаб бўлолмайди. У хужжатлари ҳамон уша ердалигига тўлик ишиона олмасди-ку. Йўқ, у шунчаки озодликни истарди. Шу бонс ҳам қўрқоқларча қафасга қайтиш истагим хоинлик бўларди.

Шунда мен ишдан бўш пайтимда Бакстонга борадиган бўлдим. 1977 йилнинг апрель ойи. Қунлар илиқ, қорлар эриган, бейсбол жамоалари янги мавсумни очиш учун шимолга кетишган. Сафарга чиққанимда, ўнг чўнтағимда компасни олволаман.



Бакстонда катта ўтлоқ бор. Шимолий та-рафида харсангтош. Тагида тошчалар уйиб күйилган. Вулкondан қолган шиша.

Ахмокона фикр, дерсиз. Шахарда қанчадан-қанча ўтлоқ бўлини мумкин? Юзтами? Бундан хам кўпроқ бўлса керак. Энди қамоққа тушга-нидан кейин яна қанча ўтлоқ пайдо бўлди-ю! Керакли жойга келганим билан уни таний олармидим? Чунки вулқоний шиша тез кўзга ташланади. Ёки Энди аллақачон олиб кетган бўлса-чи?

Ха, гапингизга қўшиламан. Собиқ маҳбус учун хавфли ва даргумон иш. Негаки, баъзи ўтлоқларнинг атрофи ўралиб, «Кириш тақиқланади» деган тахтacha қокиб күйилган. Хар қандай баҳона билан сизни яна обориб тикиб кўйишларидан хурсанд бўласиз. Фақат тентакларгина шундай қилади... Йигирма етти йил девор ўйишдан яхши-ку! Агар барча нарса-ни муҳайё қила оладиган нуфузга эга шахсдан кекса югурдакка айланиб қолган бўлсангиз, ўзингизга биронта хобби топиш ажойиб-да. Менинг хоббим — Эндининг тошини топиш.

Шундай қилиб, Бакстонга бордим ва йўл-йўлакай сайр қилдим. Қушларнинг хонишини эшийтдим, бултурги хас-хашибларни яланғочлаб, далаларда эриётган корни кузатдим. У ер-бу ерда газета парчалари, консерва банкалари, шишалар сочилиб ётарди. Шишалар қайтариб топширишига яроксиз; одамлар истрофгар бўлиб кетибди... Кейин ўтлоқни кидирдим. Аксари йўқ бўлиб кетибди. Хеч қанакангি харсангтош-




ни ҳам күрмайсан. Сайдан тани жоним яйрап, осойишталыкни, эркинликни сезардим. Шанба қунларидан бирида бир күпияк менга ҳамрох бўлди, бошқа куни дараҳтлар орасидан чиқиб келган буғуни кўрдим.

Кейин йигирма учинчи апрель — ҳатто яна-тагин эллик саккиз йил яшасам ҳам хотирамда муҳрланиб колувчи кун келди. Шанба эди. Кўприкда балиқ овлаётгани бир боланинг маслаҳатига кўра, Олд Смит Роуд томонига йўл олдим. Ўзим билан дўкондан жигарранг қоғозхалтада бутерброд олволгандим. Йўл ёқасида ўтириб пақкос туширдим. Кейин ўрнимдан туриб, кичкиналигимда отам ўргатганидай қоғозхалтани кўмдим-да, олға юрдим. Кундуз соат иккода чап тарафимда каттакон ўтлоқни кўрдим. Харсангтони Энди айтгандай ўтлоқнинг шимол тарафида эди. Баҳор лойида пилчиллатиб тошга караб юрдим. Эман шохидаги олмаҳон мени дикқат билан кузатиб турди.

Харсангтошни айланиб ўтаётганимда, тагидаги тошчаларни кўриб қолдим. Худди ўша, адашишим мумкин эмас. Қоп-кора, сип-силлик шина. Анчагача кимир этмай, қоқкан қозикдек туравердим. Кўзларимда филт-филт ёш. Юрагим кинидан чиқиб кетай дерди.

Ўзимни кўлга олиб, тошга яқинлашдим, унга кўл теккизиб кўрдим. Ҳа, у ҳакиқий. Бу пана жойда аллақачон ҳеч вако йўқ, деб хисоблагандим. Ҳеч нима тополмай, жимгина уйга кетсам бўларди. Ҳеч нарсага тегинмасдим ҳам — бу ўғирликдан-да баттарроқ. Асло. Мен, шунчаки,



бу түш эмаслигига ишонч хосил қилиш учун тошни ушлаб күрдим. Анча вактгача тош остидаги нарсага тикилиб қолдим. Күзларим ҳам масини күриб турса-да, миям ғувилларди. Тош остида намликтан саклаш учун пластик пакетта чиройли қилиб үралган мактуб ётарди. Устига хуснихат билан исемм битилган. Хатни олиб, тошни жойига қўйдим.

«Қадрдоним Ред!

Ушибу сатрларни ўқияпсанми, демак, сен аллақачон озодлик ҳавосидан нафас оляпсан. Нима бўлган тақдирда ҳам, сен озодликка чиқдинг. Шаҳарнинг номи ёдингдадир? Ишларимни йўлга қўйиш учун сенга ўхшаган ишончи одам керак. Бир стакан вискини майдалаб, таклифимни ўйлаб кўр.

Ёдингда бўлсин, умид — энг яхши нарса, ҳамма нарсадан улуг, у ҳеч қачон сўнмайди.

Умид қиласманки, ушибу хатим сенга согомонлигингда етиб боради ва ҳаммаси яхши бўлади.

Дўстинг Питер Стивенс».

Хатни ўтлоқнинг ўзидаёқ ўқимадим. Вужудимни вахима босди. Бирор мени кўриб колмасидан аввал бу ердан қочиб кетгим келди.

Хўжрамга бориб, хатни ўқидим. Ошхонадан арzon таомларнинг иси келарди — Бифарони, Нудл Рони... бас бойлашаманки, хозир Америкада камбағал қарияларнинг барчаси «рони» билан тугайдиган таом ейдилар.



Пакетин очиб, хатга күз югуртирдим. Сүнг бошимни чангаллаб, түйиб-түйиб йигладим. Хат орасига йигирмата эллик долларли чек қистириб күйилганди.

XXXVI

Мана, энди «Брюстер» мемонхонасидағи ҳужрамда үтириб, бу ёғига нима қилиш кераклигини үйлаипман. Менимча, конунни осонгина алдай оламан. Муддатдан илгари озодликка чикиш талабларини бузяпман. Оғир жиноят әмас: инспекторининг қони қайнайды, лекин йўлда ҳеч ким пистирма қўймайди.

Олдимда қўлёзмам. Каравотда дўхтирлар чамадонига сифадиган юкларим. Чўнтағимда ўн тўққизта эллик долларлик, тўртта ўн долларлик, беш долларлик, учта бир долларлик қофоз пуллар ва чақа-тангалар. Нарсаларимни жойлантиришига қофоз қадоқ ва тамаки сотиб олиш учун битта эллик долларликни майдаладим.

Бу ёғига қандай йўл тутии кераклигини обдан үйлаб қўйдим. Аслида ҳеч қандай иккилашига ўрин йўқ. Ҳар қандай танлов бир оддий саволга бориб тақалади: ё ҳаёт, ё мамот. Ҳаётга интил ёки ўлимга.

Даставвал қўлёзманин чамадоичага жойлайман. Сўнгра уни ёниб, пальтоимни оламан, зинапоядан тушиб, қандала иини бир умрга тарк этаман. Кейин барга бориб, барменга беш доллар узатаман-да, иккита «Жек Даниэль» буюртираман — биттаси ўзимга, биттаси Энди Дюоф-



рейнга. Хув, ўша, фабрика томидаги пивони хисобга олмасам, бу 1938 йилдан бүён биринчи бор ичаётган ичкилигим бўлади. Кейин барменга миннатдорчилик билдириб, бир доллар чойчақа кистираман. Грейнхаунд станциясига бориб, Эль Пассогача чипта оламан. У ердан Мак Неригача борадиган автобусга ўтираман. Бу шаҳарчага етганимда, мендек қари муғомбир Мексика чегарасини босиб ўта олиш-олмаслиги маълум бўлади.

Жойнинг номи ёдимда: Зихуантанезо. Бундай номни ёддан чиқариб бўладими?!

Файрат-шижоатим тошиб кетяпти. Шунчалик хаяжондаманки, титроқ қўлимда қаламни аранг ушлаб турибман.

Ўйлашимча, уммон томон йўл олган озод инсоннингина шундай хаяжон босади.

Энди ҳозир ўша ерда, деб умид қиласман.

Чегарани босиб ўта оламан, деб умид қиласман.

Дўстимни эсон-омон кўриб, қўлларидан махкам сикиб қўйишга умид қиласман.

Тинч океани тушларимда кўрганимдагидек мовий, деб умид қиласман...

Мен умид қиласман...

ТАМОМ

Стивен Кинг.
Бангкор, Мэн штати.

Адабий-бадий нашр

Стивен Кинг

**РИТА ХЕЙВОРТ
ЁХУД ШОУШЕНКДАН ҚОЧИШ**

Кисса

Рус тилидан Сайджалол Сайдмуродов таржимаси

Мухаррир *Ж. Матеқубов*

Рассом-дизайнер *Д. Мулла-Ахунов*

Техник мухаррир *Л. Хижова*

Кичик мухаррилар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусаҳҳих Ш. Ҳакимова

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.
Босишига 2016 йил 8 сентябрда рухсат этилди.
«Газетная пухлая» көғози. Бичими 80x100^{1/32}.
«Peterburg» гарнитурасида оффсет усулида босилди.
Шартли босма табоби 8,14. Нашр табоби 7,92.
Адади 3000 пусха. Буюртма № 16-455.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Кинг, Стивен.

К 43 Рита Хейворт ёхуд Шоушенқдан
кочиш [Матн]: қисса / С. Кинг; таржимон
С. Сайдмуродов. – Тошкент: «O'zbekiston»
НМИУ. – 176 6.

ISBN 978-9943-28-688-7

уўқ: 821.111(73)-31
КБК 84(7)6-44